ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

1991

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

17 МАЙ, № 20 (3124) ЖУМА

ТОЖИКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

САНЪАТИ ҲАМ ВОБАСТА

Ўзбек билан тожик қадим-қадимдан қони-қонига, жони-жонига сингиб кетган халқ. Бу икки халқнинг урф-одатлари, миллий анъаналарини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Тўй-томошалари бир-бирига шу қадар сингиб кетганки, қайси халқникида бўлаётганлигини ажратолмайсан. Шу маънода, ўзбек билан тожикнинг маданияти билан санъати ҳар жиҳатдан уйғунлашиб кетган. Куйлардаги миллий оҳанглар, қўшиқлардаги овоз товланишлари фақатгина мана шу халқларга хосдир. Масалан, икки халқнинг ўлмас мусиқа мероси — Шашмақом ўзбеклар учун ҳам, тожиклар учун ҳам бирдек қадрли. Шу боис Шашмақом ашулаларини қадим замонлардан буён икки халқ вакиллари юксак маҳорат билан куйлаб келадилар. Бу тенгсиз мусиқа асарининг ижро йўллари нақадар мураккаб эканлиги тингловчиларга аён. Лекин ўзбек ва тожик санъаткорлари Шашмақомни куйлашда, чолғу йўлларини маҳорат билан ижро этишда жаҳон халқларига ўрнак бўлмоқдалар. Бу билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бу икки халқнинг санъаткорлари ҳамиша бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлиб, миллий санъатларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келганлар. Масалан, Ўзбекистон ССР халқ артисти, таниқли ҳофиз ва бастакор Ҳожиабдулазиз Абдурасулов ўз ижоди билан икки халққа хос ажойиб ва бетакрор мактаб яратиб кетган. Бу мактабдан ўзбек ва тожик санъаткарлари ҳамиша баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Ёки Домла Ҳалим Ибодов, Ота Жалол, Левича ҳофиз яратиб кетган Бухоро мактабини олиб кўрайлик. Бу санъаткорлар ҳам, икки тилда куйлаб, халқимизга манзур бўладиган ўлмас мусиқа мероси қолдирганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тожикистонда ўтадиган Ўзбекистон маданияти кунлари, шубҳасиз, ҳар икки халқнинг тарихи, санъати, адабиёти ривожига янги босқич бўлиб қўшилади.

Саодат ҚОБУЛОВА,
СССР халқ артисти

НАВОИЙ АНЖУМАНИ

Душанба шаҳрида Тожикистон Фанлар академиясида «Навоий ва тожик адабиёти» мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуманни Тожикистон ФА ҳақиқий аъзоси Муҳаммад Осимий очди. Тожик олимларидан профессор Аълохон Афсаҳзод «Абдурахмон Жомий Алишер Навоий ҳақида», Амриязdон Алимардонов «Алишер Навоий асарларининг А. Мирзоев номидаги Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган нусхалари», Султон Воҳидов «Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида Навоийнинг ахлоқий қараш-лари тавсифи», Али Муҳаммад «Жомийнинг «Руҳ жилолари» ҳамда Навоий-Фонийнинг «Жаннат шабадалари» қасидалари», Зафар Зарипов «Алишер Навоий рубоийларининг вазни», Амирбек Абибов «Навоий ва Бадахшон шоирлари», Э. Шодиев «Навоийнинг «Фаноий» тахаллуси тўғрисида» мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуманда қатнашган ўзбек олимлари — М. Имомназаровнинг «Навоийнинг дунёқараши», С. Ғаниеванинг «Навоийнинг «Муножот» асари» мавзуидаги маърузалари ҳам тингловчиларга манзур бўлди.

Г. ИСМОИЛОВА

«ХЎРЛИКДАН ЎЛИМ ТАНСИҚРОҚДИР»

Шу йилнинг 7 май куни жумҳурият Киночилар масканида «Хўрликдан ўлим тансиқроқдир» телевизион ҳужжатли фильмининг жамоатчилик кўриги бўлди. Намойиш олдидан фильм режиссёри Шуҳрат Бизаатов асарнинг қандай яратилгани хусусида қисқача сўзлаб берди.

Фильмда улуғ адибнинг ҳаёти, унинг асарлари ҳақида ҳужжатлар асосида ҳикоя қилинади; Қодирий фарзандлари, ҳаммаҳаллалари, замондошлари XX аср ўзбек маданияти арбоби тўғрисидаги қалб хотираларини сўзлайдилар.

Ҳужжатли-телевизион фильм намойиши тугагач, фильмнинг сценарий муаллифи Шеркон Қодирий, таниқли рассом Алишер Мирзаев гапирдилар. Жумладан, А. Мирзаев: «Фильм ўзбек миллий романи асосчиси ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, энди Абдулла Қодирий тўғрисида йириқроқ, кўламлироқ бадиий юксак асарлар яратадиган пайт келди», — деди.

СИЗГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Биринчи мўъжиза

Аллақачон телетомошабинлар назарига тушган Дилдора Низомхўжаева ҳар кун оқшом зангори кўзгу орқали минглаб хонадонларга «ташриф» буюради. Уни тинглаб туриб, ҳавасимиз келади: ширин муомала, нутқ маданияти, фикрни томошабинларга аниқ ва равон етказиб бериш, энг муҳими, ташқи қиёфанинг гўзаллиги каби дикторлар учун зарур ҳислатлар унда мужассам. Ана шу ҳавас бизни Дилдора билан суҳбатга чорлади.

— Айтинг-чи, диктор бўлишни ёшликдан орзу қилганмисиз?

— Ҳа, кўп ёшлар қатори диктор бўлишни ўқувчилик йилларимдан орзу қилардим. Лекин бир кун келиб диктор бўламан, деб ўйламагандим, тўғриси кўзим етмаган. Кўрикдан ўтгандан сўнг мана, ўзингиз билгандек...

— Бу касбнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бордир...

— Албатта, ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари, муаммолари, талаблари бўлади. Шу жумладан дикторликнинг ҳам. Масъулият ҳисси кўнгилни ҳамкиша безовта қилиб туради. Биринчи иш кунларим эсимда. Қўлимда ҳозир ўқилиши лозим бўлган матн. Хонада сукунат ҳукмрон, жимлик. Рўпарамда камера пайдо бўлади. Шунда ўзимни йўқотиб, довдираб, ҳаяжон босган ҳоллар кўп бўлган.

— Берилган матнни ёдлаб олишга ҳаракат қиласизми ёки мазмунини тушуниб, хотирлаб қоласизми?

— Йўқ. Агар матн ёдлаб олинса, уни томошабинга табиий тарзда етказиб бўлмайди. Сохталик дарҳол кўзга ташланиб қолади. Шунинг учун матн мазмунини тушуниб олиб, томошабинларга маъноли ва равон қилиб етказишга ҳаракат қиламан.

— Дилдора, айтинг-чи, кўпроқ қайси эшиттиришларни олиб боришни хоҳлайсиз ва қайси кўрсатувда иштирок этишни ёқтирмайсиз?

— Ҳозир, айниқса, охирги пайтларда кўпгина кўрсатувлар мавзу жиҳатдан умумлаштирилди. Мен кўпроқ мусиқали ва ахборот кўрсатувларини олиб боришни ёқтираман. Умуман, диктор ҳар қандай кўрсатувни олиб боришга тайёр туриши керак.

— Ўзингиз бирор кўрсатув тайёрлашни орзу қиласизми? Агар шундай истак амалга ошадиган бўлса, қайси мавзуни танлардингиз?

— Бундай орзуим йўқ эмас. Лекин кучим етадими йўқми, уддалай оламанми, буни олдиндан айтолмайман. Агар мен кўрсатув тайёрлаганимда, у албатта ёшларга, уларни ташвишлантираётган муаммоларга бағишланган бўлар эди.

— Ўзбекистон телевидениесининг кўпгина машҳур дикторлари бор, сиз ҳам улардан ўргансангиз керак. Устозингиз ким?

— Аввалambор, гуруҳимиздаги барча дикторларнинг ўз ўрни бор. Улар мендан аввал иш бошлашган. Мени меҳр билан кутиб олишди ва барчалари бирдек ёрдам беришди. Айниқса, Даврон Зуннунов, Раҳматилла Мирзаев, Раъно Жўраева менга катта ёрдам кўрсатиб ишдаги кам-кўстимни тузатишга кўмаклашишади.

— Баъзи дикторлар бир неча йил ишлагач, бошқа соҳага ўтиб кетишади. Масалан, Насиба Иброҳимова партия ходими, Дилфуза Ғуломова эса шифокор бўлди. Айтинг-чи, сизнинг режаларингиз қандай? Балки келажакда сиз ҳам бошқа бирор касб эгаси бўлиб кетарсиз?

— Мен рус тили ва адабиёти олийгоҳининг 5-курс талабасиман. Уни тугатгач, тил ва адабиёт муаллими бўламан. Лекин шу билан баробар дикторликни ҳам тарк этмасам керак: бу касбни жуда ҳам севаман, қадрлайман. Чунки диктор бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Лекин диктор бўлишни хоҳлайдиган қизлар кўп. Мен уларга бахт қулиб боқиши тарафдориман.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош:

Саодат ШУКУРОВА

АДИБНИ ҚУТЛАБ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати Мирмуҳсин таваллудининг 70 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 50 йиллиги муносабати билан «Баҳор» концерт залида тантанали ижодий кеча бўлиб ўтди.

Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов қисқача кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. Каримовнинг ёзувчига йўллаган қутловини Президент маслаҳатчиси Б. Назаров ўқиб эшиттирди.

Филология фанлари номзоди О. Абдуллаев ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Ижодий уюшмалар, меҳнат жамоалари вакиллари, адибнинг дўстлари ва шогирдлари уни муборак етмиш ёш билан қутладилар. Кеча охирида санъат усталари ижросида концерт намойиш қилинди.

Бердиназар ХУДОЙНАЗАРОВ, Туркманистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Туркманистон халқ ёзувчиси

МУҚАДДАС ЗАМИН ФАРЗАНДИ

Дунёда неча юрт бўлса, ўшанча чегара мавжуд. Чегарадан ўтиш учун рухсатнома керак. Лекин оламда чегаралардан рухсат сўрамасдан ўта оладиган бир нарса бор, у ҳам бўлса инсонийлик, ақл-фаросат, одамга нисбатан муҳаббат туйғусидир. Бу олижаноб хислатларга чек-чегара йўқ. Уларни ўзида мужассамлаштирган инсонлар учун ҳам ҳар қандай давлат қоққаларининг эмас. Кўҳна Шарқнинг энг донишманд, аллома фарзандларидан бири — туркманлар орасида Мирали шер номи билан танилган Навоий ҳам давлатлар сарҳадларидан бемалол ўта олган ана шундай буюк инсондир.

Инсоният тараққиёти учун, дунёни янгилаш учун хизмат қилган энг буюк алломаларни етиштириб берган ўзбек замини муқаддасдир. Бу заминда ўша алломаларнинг муносиб ворислари кўп.

Мен ўзбек заминини муқаддас деб атадим, бу бежиз эмас. Чунки дунёга Навоийдек зотни етказиб берган ўзбек элини ёки ҳаётда Махтумқули — Фироғийдек улуғ шоирни тарбиялаб етиштирган туркман заминини муқаддас деб атамасак, унда ўзлигимизни англамаган, халқларимизнинг қадр-қимматини тўғри баҳоламаган бўлардик.

Тарихдан маълумки, ўтмишда подшоҳлар ҳам энг машҳур шоирларни ўзига бош вазир, бош маслаҳатчи қилиб тайинлаганлар. Бунинг сабаби аниқ: дунёда шоирлар каби подшоҳларни халқларга, халқларни подшоҳларга яқинлаштира олувчи инсонлар бўлмаган, Алишер Навоий шоирликдан ташқари, шу маънода Хуросонининг энг обрўли раҳбарларидан бири сифатида ҳам донг таратган. Ушбу ҳақиқатни қайта эсга олишимдан мақсад шуки, бугунги кунда ҳам ижодкорларимиз нафақат президентларимиз билан халқларимиз ўртасида, балки халқларимиз, жумҳуриятлар ва давлатларимиз ўртасидаги энг яқин ҳамкорлик учун воситачилар бўлмоқлари лозим. Бу, айниқса, бугун халқаро аҳвол мураккаблашган, ҳаёт кечириш бир қадар қийинлашган, халқлар ўртасида муносабатлар таранглашган пайтда ниҳоятда зарур. Мен шу маънода Навоий кунларининг Туркманистонда, Махтумқули кунларининг эса Ўзбекистонда ҳар йили ўтказилишини орзу қиламан.

Алишер Навоий туркман халқининг ҳаётига, қалбига ниҳоятда чуқур сингиб кетганлиги хусусида кўплаб фактлар келтириш мумкин. Лекин мен шулардан биттаси ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Туркманларнинг мусиқасида Навоий йўли бор. Туркманларнинг дуторида Навоий пардаси бор. Бу парда ва йўл халқ ҳаётини энг авжли йўналтаранг таннум этади. Шунинг учун ҳам улар улуғ шоир номи билан аталган.

Халқимизда «Қиёмат куни қўшни яхши», деган нақл бор. Ҳозирги оғир даврда, давлатимиз бошига ташвишли кунлар соя ташлай бошлаган пайтда бизнинг қондош ва жондош халқларимиз ўртасида дўстлик ришталарининг қайтадан боғлана бошлаганлиги буюк аҳамиятга эгадир.

Халқлар, миллатлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашда, уларни бир-бирига яқинлаштиришда адабиёт ва санъат сингари катта куч йўқ. Шу ўринда кўнглимдаги бир армонни ҳам айтиб ўтмасам бўлмас. Кейинги йилларда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги маданий алоқалар кескин камайиб кетди. Агар янглишмасам, Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари жумҳуриятимизда охирги марта бундан 25 йил илгари бўлиб ўтганди. Эндиликда маданий ҳамкорликларни қайтадан кучайтириш фурсати етди. Ўзбек адабиёти ва санъати кунларини Туркманистонда, туркман адабиёти ва санъати кунларини эса Ўзбекистонда ўтказиш керак.

Туркманистонда навоийхонлик кунларининг ўтаётгани янгича маданий ҳамкорлигимизга кенг йўл очиб беради. Диёримизда тантаналар гўзал айёмда — икки жумҳурият раҳбарлари ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатга имзо чеккан пайтда бошланди. Навоий — бутун инсониятни меҳр-оқибатга чорловчи ва шу туфайли уларни бир-бирига бирлаштириб турувчи шоир. Шу сабабли унинг Туркманистонда бошланган тўйида нафақат туркман ва ўзбек қардошларимиз, балки она-сайёрамизнинг турли нуқталарида мамлакатимизда элчилик, мухтор вакиллик вазифасини ўтаб турган турли миллат вакиллари ҳам иштирок этдилар. Улар Навоий, Махтумқули мисолида халқларимизнинг ўлмас қадриятларини кўрдилар.

Буюк ижодкорлар ҳақида сўз кетса, бир воқеа эсимга тушаверади. Ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ қурултойларидан бирида Тула вилоят партия қўмитасининг котибларидан бири сўзга чиқиб, «Инқилобдан илгари вилоятда ёлғиз биргина ёзувчи яшаб ўтганди, эндиликда ўттиз-қирқталаб адиблар ижод қилмоқдалар», деганди. Ўшанда ундан «Хўш, ўша ёлғиз ёзувчи ким эди?» деб сўрадилар. «Уми, бир Лев Толстой деган аллақандай ёзувчи бўлган», дея беписандлик билан жавоб берганди.

Шуни хотирлаяпману ўзбекларда Навоий, туркманларда Махтумқули яшаб, ижод қилиб ўтган деб айтмоққа тилим айланмайди. Чунки уларнинг руҳи бу заминда ҳамон яшамоқда. Улар қалбимиздан, юрагимиз тўридан мустаҳкам жой олган. Улар ажойиб ўлмас асарлари билан ҳамиша даврамизда. Инсонни маънавий камолотга етказишда биз билан бирга.

Шу сабабли ҳам Навоий ва Махтумқули дунёга келган заминни муқаддас деб, уларни тарбиялаб вояга етказган халқларни эса буюк деб атаймиз. Буюк халқларнинг муқаддас заминида дўстликнинг мустаҳкам бўлишида улуғ боболаримиз, аждодларимиз руҳи ҳамиша ёр бўлсин!

КЕЛГУСИ СОНДА:

- ЧУЛПОННИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН СУРАТИ
- АСКАР НЕГА БЕДАРАК?
- ҚУРЪОННИ ЁД ОЛГАН БОЛА
- ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ ЯНГИ ШЕЪРЛАРИ

БУЙРУҚ ИМОНДАН УСТУНМИ?

Яқинда оғироёқ келинимиз Тошкентдаги 7-касалхонага қарашли туғуруқхонага тушиб қолди. 7 ойлик ҳомилани онанинг қорнини ёриб олишга тўғри келди. 20 апрель шанба куни бола нобуд бўлди. Келинимизнинг ҳаётини сақлаб қолган шифокорларга раҳмат. Бироқ, бизни ларзага солган воқеалар шундан сўнг бошланди. Нобуд бўлган мурғакни олиб келиб дафн қилиш учун касалхона бош врачининг ўринбосарига мурожаат қилдик. Чақалоқни «ёрмасдан» бермаймиз дейишди. Биз хўп дедик. Лекин бунинг учун душанбагача кутасизлар, мурдани янги ТошМИга олиб бориб, ўша ерда ёриб кўришади, эртага якшанба куни жарроҳхона ишламайди, дейишди.

Мурдани ёриб кўриш учун уч кун кутиш шартми, ахир, бизни ҳеч кимдан даъвойимиз йўқ, хоҳласангиз, тилхат ёзиб бераниз, деб талаб қилдик. Лекин улар, бу мутлақо мумкин эмас, буйруққа биноан аввал боланинг туғилганлигини, ўлганлигини қайд қилишимиз лозим, ҳисобчи-ҳамширамиз ҳозир йўқ, жарроҳхона барибир эртага ишламайди, душанбагача кутишдан бошқа иложимиз йўқ, деб жавоб қилишди.

Во ажаб, бу қандай буйруқ бўлди? Модомики, мурдани ёриб кўрмасдан дафн қилишга рухсат берилмас экан, бу ҳақда буйруқ берган раҳбар жарроҳхонани дам олиш кунисиз, ҳатто кечаю кундуз ишлашини таъминлаши лозим эмасми? Ахир, ўлим кун танламайди-ку! Марҳумни мумкин қадар тезроқ дафн қилиш тирикларнинг бурчи эмасми? Мурдани уч кун сарсон қилиш қайси мантиққа, қайси ақидага тўғри келади? Нобуд бўлган яқин кишингни истаган вақтда дафн қилишга ҳақинг бўлмаса — бу қандай бедодлик? Бу одамларни таҳқирлаш эмасми? Инсон ҳуқуқларини поймол қилишнинг бундан аянчлироқ кўриниши борми? Аслида марҳумнинг яқинлари розилигисиз мурдани ёриб кўришнинг ўзи жиноят эмасми? Бизни мана шу жумбоқлар қийнамоқда.

Бундай воқеа биринчи марта содир бўлмаётгандир. Турмушимиздаги бемаъналикларга қарши курашиш ўрнига лоқайдлик кўчасига ўтиб олсак, ҳаёт ўз-ўзидан яхши бўлиб қоладими? Бундай мантиқсизликлар ўз-ўзидан йўқолиб кетмайди-ку! Наҳотки, бизнинг миллий урф-одатларимиз, турмуш тарзимизни яхши биладиган Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари ҳам бу ҳолни нормал деб ҳисобласалар.

Нуриддин ЙЎЛДОШЕВ
Тошкент

ҲАМДАРДМИЗ!

Тошкент, Пушкин кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига

Азиз биродарлар!

Халқингиз бошига тушган оғир фожиадан бизнинг қалбларимиз ҳам ғам-ғуссага тўлди. Ҳали Шарорада, Данғарада, Қобадиёнда рўй берган зилзладан биз чеккан дарду аламлар ёддан кўтарилмай, кўз ёшларимиз қуриб улгурмай туриб, яна барчамизнинг бошимизга Жигаристон фожиаси тушдики, бу офатдан тожик ёзувчилари ва бутун жумҳуриятимиз аҳолиси қаттиқ қайғу чекмоқдалар. Айни мусибатли кунларда қайғунгизга шериклиз, сиз билан ҳамдам, ҳамдардмиз. Шундай вазиятларда кўнгилга таскин берувчи, озгина бўлсин ярага малҳам бўлгулик сўз топишни истайсан киши, бироқ бу айни чоғда нақадар мушкул.

Бизнинг халқларимиз асрлар мобайнида елкама-елка туриб, айниқса, бахтсизликка рўбарў келганда, бир-бирларига ёрдам қўлини чўзиб, қайғу-аламни биродарларча баҳам кўрганлар.

Оғир кунларда сизни бардош, матонат, жасорат тарк этмасин.

Аскар Ҳаким, Миршакар, Икромий, Фотеҳ Ниёзий, Улуғзода, Раҳим Ҳошим, Шукуров, Лоиқ, Саттор Турсун, Сайфуллоев, Ўлмас Жамол, Ўбайд Ражаб, Гулназар, Гулрухсор, Абдуманнонов, Левин, Пшеничный.

КЎЧКИ

ЕХУД ЎТТИЗ ЕТТИ ЙИЛГА КЕЧИККАН КЎЧИШ

Ҳа, шундай! Жигаристонликлар бундан 37 йил муқаддам кўчишлари мумкин эди. Лекин ўтган давр мобайнида ҳеч ким бу ҳақда ўйламади — қишлоқ аҳли кўчишга рўй-хушлик бермади. Боз устига, уларнинг тақдири бошқаларни ҳам жиддийроқ ташвишга солмади. Алқисса, одамлар ғафлатда қолди, мисли кўрилмаган фожиа содир бўлди. Салкам 40 йилга кечиккан кўчиш шароит тақозосига кўра, ўз-ўзидан қисқа фурсатда амалга ошди. Аммо, у қимматга, жуда қимматга тушди. Кечагина гуллаб-яшнаб турган бутун бошли маҳалла кўз очиб юмгунча абадул-абад завол топди. Энг даҳшатлиси, ўнлаб одамларнинг умри бевақт хазон бўлди. Уларга лоақал кафанлик ҳам насиб этмади. Ҳаммаси тириклайин тупроққа кўмилди — ўз уйлари ўз қабрлари бўлиб қолди.

Энди, мана, икки ҳафтадирки, Жигаристон қишлоғи ёппасига таъзияхонага айланган, бир йўла бир неча хонадонда аза очилган. Одамларнинг қўрқинч ва хавотир тўла аламзада нигоҳлари қишлоқ тўридаги бағри юлинган тепаликка қадалган. Унинг пойида ясланган бир уюм тупроқ остида эса қишлоқнинг бор ўтмиши, бугуни ва келажаги ерпарчин бўлиб ётибди. Бу кўргулик ҳар кўча, ҳар муюлишда кеча-кун д у з фарёд бўлиб янграйди, ҳазин таралаётган тиловат оҳангларидан одамнинг юрак-бағри эзилади. Лекин тақдирга тан бермай, пешонада борига кўнмай илож қанча? Энди, ҳарчанд уринмайлик, бу талафотларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди, ҳарчанд қайғурмайлик, шаҳидларни ҳаётга қайтариб бўлмайди. Жигаристонликлар бошига тушган мусибатнинг саноғи ҳам, адоғи ҳам йўқ. Улар 1991 йилнинг 4 майи тонготарини ҳали узоқ йиллар алам билан, дард билан хотирлаб юришади. Негаки, қўққисдан келиб теккан ўқнинг заҳри кейин билинади, юракка етган жароҳат осонликча битмайди, вақт ўтгани сайин эсга тушиб, дилга бот-бот азоб бериб туради.

Не-не инсонлар авлодини қуритган, асрларга татигулик бу мусибат бир зумда, атиги 3—4 дақиқа ичида рўй берди. Шу боис бирон-бировни офатдан огоҳ этишга ҳам, ҳавф остида қолганларга ёрдам беришга ҳам улгурмади. Эрталаб соат 7 дан 15 минут ўтганда баландликдан кўчган тупроқ аввалига тепалик ён-бағридаги учта қудратли тракторни гугурт қутисидек чирпирак қилиб учириб юборди. Сўнгра тобора улканлашиб, чап қирғоқни ялаб-ямлаб ўтди-ю, қутирган пўртанали тўлқиндек ўнг соҳилга сапчиб, юқорига ўрлади. Шу аснода йўлида дуч келган одамларни ҳам, мол-ҳолларни ҳам, уй-жойларни ҳам домига тортиб, эзиб-янчиб юборди...

— Ўша тонг эндигина ишдан қайтиб, дам олмоқчи бўлиб тургандим, — деб ҳикоя қилади офатни ўз кўзи билан кўрган Қўчқор Абдураҳмонов. — Шу пайт ҳовлида ўйнаб юрган неварам хархаша қилиб қолди. Уни овутиш мақсадида елкамга опичлаганимни биламан, келиним уйимиз рўпарасидаги — сойнинг у тарафидаги тепаликка қараганча, бирданига «Дада, тоғ кўчди!» деб бақириб юборди. У сўзини тугатар-тугатмас, ҳаммаёқни қасир-қусур шовқин тутиб кетди. Кучли тўлқин зарбидан ер ларзага келиб, атроф зимистонлашди. Сўнгра осмондан чанг-тупроқ ёғила бошлади. Борлиқ тинчигач, дарвоза ҳатлаб ташқарига чиқдиму, тилим калимага келмай, турган жойимда қотиб қолдим. Пастда на сойдан, на уй-жойлардан ном-нишон қолмаган, икки терак бўйи тупроқ бизнинг уйимиз остонасигача етиб келганди...

Ҳаял ўтмай, қишлоқни ота-онасидан, ака-укаларидан, опа-сингилларидан, эр ёки хотинидан, болачақаларидан жудо бўлганларнинг оҳ-нолалари чулғади. Кимлардир сочини юлиб, фарёд кўтарди, кимлардир даҳшатдан эс-ҳушини йўқотиб, беҳол йиқилди. Бу манзарани кўришнинг ўзи қўрқинчли эди: офат туфайли бир неча уйлар шикастланган, саккиз хонадон эса батамом кўздан ғойиб бўлганди. Туб аҳолидан 50 киши, шунингдек, икки меҳмон ва икки тракторчи — жами 54 одам 15—20 метр қалинликдаги тупроқ остида қолган эди. Улар орасида дунёнинг ишларидан бехабар норасида ғўдаклару маърифатга чанқоқ ўғилқизлар ҳам, ҳали висолга тўймаган келин-куёвлару фарзандлари орзу-ҳавасини кўриш илинжида юрган ота-оналар ҳам, пайғамбар ёшидан ошган, 90—100 га ёндашган боболару момолар ҳам бор эди. Аммо ажал ёшга қарамас, жой танламас, инсоннинг орзу-ҳаваслари, дард-ташвишлари билан ҳисоблашмас экан. Кўчки ҳаммага бирдек балои азим бўлиб ёпишди. Баъзи оилалардан лоақал биттагина зурриёд ҳам қолдирмади. Сотим Эркинов оиласи 14 кишидан, Қумри Хидировaники, 9 кишидан, Иброҳим Матаевники 6 кишидан иборат эди, бирортаси ҳам тирик қолмади, ҳамласи бир вақтда бир жойда ҳалок бўлди. Суюн Сотволдиев оиласидаги 13 кишидан 6 нафари, Қаршибой Янглишев хонадонидаги 14 кишидан

Давоми иккинчи бетда

КЎЧКИ

Бошы биринчи бетда

10 нафари, Пўлат Рахов хўжалигидаги 14 кишидан 3 нафари шаҳид кетди. Айтаверсанг, бўғзинг куяди, жонинг ачийди...

Фожиа ўчоғига биринчи бўлиб қутқарувчилар, аскарлар, шаҳар мутасаддилари, кетма-кет вилоят ва жумҳурият раҳбарлари, дин арбоблари етиб келишди. Омон қолганлар зудлик билан хавфли майдондан кўчирилди. Жароҳатланганлар касалхонага ётқизилди. Кўчки оқибатларини тугатиш юзасидан жумҳурият ҳукумат комиссияси тузилди. Бироқ, тупроқ остида қолганларни чиқариб олишнинг иложи бўлмади. Улардан бир кишининг — Сотим Эркиновнинг пажмурда жасади ўз уйидан 15—20 метр юқорида, 10 метрча қалинликдаги тупроқ остидан топилгач, қазиш ишлари тўхтатилди. Чунки иш шу тахлит давом эттирилса, бировнинг боши, бировнинг қўл-оёғи чиқиб келиши эҳтимолдан холи эмасди. Шунга кўра, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф халойиққа мурожаат қилди. Турли фалокат ва офатлар туфайли ўлганлар шаҳид ҳисобланишини, уларни одатда ювмасдан, ўз кийимларида кўмишларини марҳумларнинг яқинларига тушунтирди. Одамлардан ҳалок бўлганларни безовта қилмасликни сўраб, кўчки тушган жойни шаҳидлар қабристонига айлантириш таклифини киритди. Эл-улус рози бўлгач, марҳумларга жаноза ўқилди. Келгусида қабристон атрофида Хотира боғи барпо этиш, ёдгорлик ўрнатиш белгиланди. 6 май жумҳуриятимизда мотам куни деб эълон қилинди. Ўша куни барча шаҳар-қишлоқларимизда шаҳидлар ёдга олинди. Миллий анъаналарга биноан, қурбонларга иззат-икром бажо келтирилди.

Қайғунинг бегонаси бўлмас экан. Мусибат одамларни яқинлаштирар экан. Дўст қадри бошингга ғамташвиш тушганда билинар экан. Марҳумларнинг уч кунлиги Қўчқор Абдураҳмонов ҳовлисида, еттиси эса қишлоқ клубида ўтказилди. Айни чоғда уларнинг қариндош-уруғлари хонадонларида ҳам аза очилди. Мотам маросимларида узоқ-яқиндан келган мингминглаб кишилар иштирок этдилар. Ўша кунлари Иттифоқимиз ва қардош жумҳуриятлар раҳбарлари таъзияномалар йўлладилар. Афғонистон, Ҳиндистон, Мўғулистон, Ливиянинг Тошкентдаги бош консулхоналари, чет эл фирмаларининг ваколатхоналари чўқур ҳамдардлик билдирдилар. Жабрланганларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига маълум миқдорда моддий кўмак берилди, махсус ёрдам ҳисоблари очилди. Бошпанасиз қолган ва хавфли зонада яшаётган 50 оила бошқа жойга кўчирилди. Уларга Ҳақкарман маҳалласидан 8 сўтихдан ер ажратиладиган, давлат ҳисобидан уйжой қуриб бериладиган бўлди. Келгусида ўша жойдан 60 гектар майдон ажратилиб, қишлоқ ёппасига кўчирилиши режалаштирилди.

АЛБАТТА, кўрилган ва кўрилаётган тадбирлар кишига бироз бўлсада, таскин-тасалли бағишлайди. Бу жабрдийдалар ёлғиз эмаслигидан, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мадад кўрсатилаётганидан далолат беради. Аммо, барибир, ўкинчли бир армон кишини изтиробга солади: ахир шу ишлар олдинроқ амалга оширилса, фожианинг олди олинса бўлмасмиди? Нега биз доимо кечикиб юрамиз? Нега ҳамиша кўзимиз кеч очилади? Кўчкининг туб сабаби нимада? Жигаристонда бўлиб ўнлаб одамлар билан суҳбатлашганимда, азадор хонадонларга кириб, жамоамиз номидан ҳамдардлик билдирганимда ҳам, офат жойини қадам-бақадам кезганимда ҳам бу саволлар хаёлимни тарк этмади.

Маълум бўлишича, бу ерда аввалари ҳам икки бор тупроқ кўчган экан. Уларнинг ўрни ҳозир ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Дастлабкиси 1954 йили рўй берган. Ўшанда икки хонадонни тупроқ босиб, беш кишининг бошига етган. 15 йиллар чамаси кейинроқ сал наридан бўлган кўчки, гарчи одамларга зиён-заҳмат етказмаса-да, кўпчиликни таҳликага солиб қўйган. Аҳолига кўчиш лозимлиги уқтирилган. Шу орада қишлоқ ўртасидан ўтувчи сой анча юқоридан бўғилиб, тўғон қурилган. Сув ёпиқ зовур орқали оқизилган. Ўн йилча бурун тепаликда ёриқ пайдо бўлган. Вақт ўтгани сайин катталашиб, тош ташласа, тушиб кетадиган даражада чуқурлашган. Аҳоли бу ҳақда раҳбарларга хабар қилган. Масала депутатлар томонидан қатъий ўртага қўйилгач, мутасаддилар ёриқни кўздан кечириб, геологларни ёрдамга чақиришган. Улар ҳақиқатан ҳам кўчиш хавфи борлигини аниқлашган. Шундан сўнг масъул кишилар уйма-уй юриб, одамларга кўчиш лозимлигини тушунтиришган. Уларга бошқа жойдан ер берилишини, хоҳловчиларга квартира ажратилишини айтишган. Афсуски, бу сафар ҳам аҳоли, кўпроқ қариялар кўнишмаган. Баъзилари, раҳбарларнинг айтишларича, ўшанда бирор корҳол юз берса, ҳеч кимга даъво қилмаймиз, деган мазмунда тилхат ҳам беришган. Шу тариқа можаролар бир қадар сокин тус олган.

В. ТЎРАЕВ суратга олган

Орадан бир йил ўтгач, аниқроғи, шу йил апрель ойида тепаликка учта трактор келтирилади. Мақсад хавфнинг олдини олиш эди. Тракторчилар дастлаб тепаликнинг юқори қисмини суришади. Байрам арафасида ёриқдан сал қуйироққа тушиб, иш бошлашади. Ана шу пайтда улар тебранишни ҳисобга олмай, эҳтиётсизликка йўл қўйганларми ёки биринчи май кечаси бўлган зилзила ҳамда ўша кезларда ёққан ёмғир таъсирида тупроқ бўшашиб, тепалик мувозанатини йўқотганми, бу ҳақда эндиликда тайинли бир фикр билдириш жуда қийин. Аммо бошқа нарса аниқ: тракторлар юқорида ишлаётган кунларда аҳоли пастда яшайверган. Ҳолбуки, бундай вазиятда иш бошлашдан олдин, қандай бўлмасин, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жилла қурса, одамларни вақтинча кўчириб туриш лозим эди, Акс ҳолда, шошмаслик зарур эди.

ЭНДИ ЎЗ-ЎЗИДАН яна бир савол туғилади: хўш, нима учун аҳоли ҳар қанча тушунтиришларга, қистовларга қарамай, кўчишга унамади. Менимча, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, Жигаристон кўҳна гўшалардан ҳисобланади. Гап-сўзларга қараганда, бу атрофлардан қадим ўтмишда хитойликлар олтин қазиб олишган экан. Қишлоқ тарихи эса тахминан XVII асрларга бориб тақалади. Унда азалдан бир-бирига қонқариндош одамлар яшаб келишган. Шунга кўра, Жигаристон номини олган бўлса ҳам ажаб эмас. Лекин, нима бўлгандаям, ота-боболари ҳоки ётган, ўз киндик қони тўкилган жойни ташлаб кетишга одам боласининг кўзи қиймайди. Иккинчи жиҳати — қишлоқ аҳли асосан кончилардан иборат. Уларга ўзлари яшаб турган, иқлими нисбатан мўътадил, обҳавоси анча тоза жой қулай. Кўчиш таклиф қилинган ер эса, айтишларича, экологик жиҳатдан анча нобоп. Унинг ён-атрофида Ангрен ГРЭСи, резина-техника заводи, чўчқачилик фермаси жойлашган. Устига-устак, оилаларга 4 сўтихдан ер ажратиш мўлжалланган. Бизнинг давримизда эса бир жойдан иккинчи жойга кўчишнинг, янги ер олиб ҳовли-ўй қурмоқнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, қишлоққа ўрганган одамлар шаҳар шароитида оёғи ердан узилиб, кўп қаватли уйларда яшашни истамасликлари ҳам табиий.

Худди шу сабаблар боис жигаристонликлар, гарчи камбағаллик ва етишмовчилик туфайли тор уйжойларда, чор атрофи наридан бери тўсилган ҳовлиларда турмуш кечирсалар-да, давр талабидан анча ортда қолган паст-баланд, қинғир-қийшиқ, ёлғизоёқ йўлли қишлоқда яшасалар-да, уни ташлаб кетишни истамаганлар. Узоқ йиллар ҳадиксираб бўлса-да, ўз уйим, ўлан тўшагим деб яшайверганлар. Бунинг учун уларни айблаб бўлмайди. Бор-ди-ю, қишлоқ аҳлига ўз вақтида бошқа жойдан кўпроқ ер берилганида, тўй-томошалари, маърака-маросимлари бир, жони-танлари, мозорлари бир ҳам-қишлоқларни ёппасига кўчириш имконияти яратилганида, ҳозирга келиб улар бу қадар оғир мусибатга учрамаган бўлардилар. Модомики, шундай экан, нега бу ҳақда олдинроқ жиддий ўйлаб кўрмадик? Умуман, биз токайгача узоқни кўзламай, табиат билан ҳисоблашмай, уни менсимай яшаймиз? Жумҳуриятимизда Жигаристон сингари хавфли зоналарда жойлашган қишлоқлар, аҳоли пунктлари озмунчами? Ёки ўз бефарқлигимиз, табиат қонунларини назар-писанд этмаслигимиз туфайли бундан атиги тўрт йил муқаддам пскентликлар бошига тушган мусибатлар, икки-уч ҳафта мобайнида оҳангаронликлар, ғалабаликлар чеккан ғам-ташвишлар ёдимиздан шунчалар тез кўтарилдими? Ўшанда сув тошқини туфайли бўрижарлик 6 киши тилсиз ёв қурбони бўлганини унутдикми?

Ангренга ва Оҳангарон туманига қарашли Тўқберди, Кўчбулоқ, Боғи сўрх, Аппартак қишлоқ-маҳаллалари аҳли ҳам узоқ йиллардан буён хавотир остида яшаб келмоқдалар. Бундай хавфли зоналарда, экологик муҳит ёмонлашган ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари хавфсизлигини таъминлаш, рўй бериши мумкин бўлган фожиалар олдини олиш керак. Фақат бу жараёнда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, аксинча, етти ўлчаб бир кесиш лозим. Айниқса, аҳолини бошқа жойларга кўчиришда халқ билан бамаслаҳат иш юритиш даркор. Акс ҳолда, қош қўяман деб кўз чиқаришимиз ҳеч гап эмас. Унинг жабрини эса бегуноҳ кишилар тортади. Бундай хатоларимизни авлодларимиз асло кечирмайдилар. Табиат эса ўзига нисбатан ўтказилган ҳар бир зуғум ва етказилган талофот учун ўн карра, юз карра ортиқ ўч олади. Буни унутмаслигимиз лозим. Зеро, биз тириклар учун ҳар бир фожианинг сабоғи муҳимдир.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

Икки тақдир фожиаси

АРМОН

ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ полковниги Шариф Ширинбоевни яқиндан билар эдим. Унинг отаси Самарқанддаги инқилобий ҳаракатнинг фаол иштирокчиси, «Мусулмон меҳнаткашлар Иттифоқи» раҳбарларидан бири — Абдуқаюм Ширинбоев етук фазилатли, зиёли, маърифатпарвар одам эди.

Ота касбини танлаган Шариф Ширинбоев 30-йиллар бошида ГПУ (давлат сиёсий бошқармаси)га ишга ўтди. 1937-1941 йилларда НКВДнинг топшириқларига кўра, турмуш ўртоғи Жамила Асқарова билан қатор Шарқ мамлакатларида бўлди.

Шариф ака 30-йиллардаги ўзбек зиёлисининг типик вакили, десам хато бўлмас. Унинг қиёфасида маърифатпарварлик, камтарлик, жасурлик ва матонат мужассам. Бироқ мудҳиш 1937 йилда ёш чекистни Лубянкага чақиришади. НКВД генерали дағал товушда ундан «Чет элда махсус вазифани бажаришга тайёрмисан?» деб сўрайди ва жавобини кутмаёқ қўлини тўппончасига югуртиради. Шариф ака «Йўқ!» деса, генерал уни жойидаёқ отиб ташлаши аниқ эди. Қўполдан-қўпол, палапартиш тайёрланган бундай операцияга бориш эса ўлим билан баробар. Чунки НКВД 1937 йилда ажойиб разведкачи кадрларини йўқ қилгач, мушкул аҳволда қолганди. Немис, инглиз, япон разведкачилари усталик билан иш кўрастган Шарқ мамлакатида ишлаш учун совет разведкачиси катта билим, тажриба ва маҳоратга эга бўлиши, мусулмонлар урф-одатини, Шарқ адабиёти ва фалсафасини яхши билиши шарт эди. Шариф ака бу вазифани уддалади, ўзбекларга ҳар томонлама яқин мамлакатда бой савдогар ўғли қиёфасида иш бошлади. Ўша мамлакат разведкасига ишга кириб, оддий ходимдан махфий полиция полковниги даражасигача кўтарилди.

Ҳозир Шариф аканинг хотираларини, у билан 70-йилларда бўлган суҳбатларимизни эслаб, барчасини ошкоралик замони нуқтаи назаридан таҳлил этарканман, кўз олдимда бутун бошли бир авлод фожиаси рўй-рост гавдаланади. Биз «турғунлик» деб атаётган даврлардаги суиистеъмолчилик, адолатсизлик, кўзбўямачилик Шариф акадек қилни қирқ ёрадиган разведкачига маълум бўлса ҳам, бу ҳоллар большевиклар фирқаси темир гвардиясига мансуб чекистнинг эзтиқодини бўшаштирмади. У охир-оқибат адолат тантана қилишига, Октябрь ғояларининг софланишига қаттиқ ишонарди. Афсуски, орзулари амалга ошмади. Аксинча, ўзини адолатсизликлар гирдобига ташлади.

1980 йилда Шариф ака ўзига Улуғ Ватан уруши қатнашчиси гувоҳномасини беришмаганидан шикоят қилди.

— Бу гувоҳнома, — деганди ўшанда у, — фашистларга қарши қўлида автомат ушлаб жанг қилганларгагина берилармиш. Мен эса бундай жангчи бўлмаган эмишман.

Бу собиқ разведкачига нисбатан илк адолатсизлик эмас эди. Бегона Шарқ разведкаси полковниги бўлиб инглиз, япон разведкалари резидентларини ер тишлатган, қанчадан-қанча жосуслар тармоғини фош этган, неча бор душманлар суиқасдидан жабр кўрган, олти ой ўлим камераси даҳшатини бошидан ўтказган темир иродали Шариф ака менга Тўхрондаги саргузаштини ҳам гапириб берганди...

1943 йилги СССР, АҚШ ва Англия давлатлари раҳбарларининг Теҳрон учрашуви ҳақида биласиз. Немис разведкаси ана шу учрашувни барбод қилишга қаратилган ғоят махфий операция режасини ишлаб чиққани ҳам эндиликда маълум. Ҳарбий разведка, контрразведка ҳамда Герман империяси хавфсизлик бош бошқармаси ҳамкорлигида тайёрланган бу операция «Олисга сакраш» деб номланган, унга кўра, АҚШ президенти Рузвельт ўғирланиши, Англия бош министри Черчилль ва СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Сталин ўлдирилиши керак эди. Операцияга уста разведкачи, СС штурмбанфюрери Отто Скорцени раҳбар қилиб тайинланади. 1943 йил ёзида Муссолинини қутқаргач, унинг номи жуда машҳур бўлиб кетганди...

Скорцени тажрибали офицерлардан махсус гуруҳлар тузиб, жасур, мерган ва топқир одамларни ишга жалб этади. Улар қаторига Ровно партизанлари разведкачиси, гауптман Пауль Зиберт либосида юрган Николай Кузнецов ҳам кириб қолади ва бу ҳақда Москвани огоҳлантиради.

В. Бережковнинг «Теҳрон. 1943 йил» китобида шундай сатрлар бор: «Кузнецов радиограммаси Совет разведка хизматининг бошқа манбалардан олган ахборотини тасдиқлар эди». Ўша бошқа манбалардан бири Шариф Ширинбоевнинг ахбороти эди. 1941-1945 йилларда у Эронда ишлаган, немис корчалонлари ташаббуси билан тузилган «Милион» ташкилоти — савдогарлар уюшмасига аъзо бўлиб, чорва, газлама, қанд савдоси билан шуғулланди. Шу баҳонада кўп мижозлар орттириб, уларнинг ишончини қозонди. Бу ишонч уни немисларга хизмат қилаётган кишилар даврасига олиб кирди.

ТЕҲРОН АТРОФИДА НЕМИС РАЗВЕДКАСИ минтга яқин қўпорувчилардан иборат тўдани ҳужумга тайёрлаган Скорцени Италиядаги тажрибасига таяниб улардан чалғитувчи куч сифатида фойдаланишни кўзлаган, хилват қишлоқлардан бирига макон қурган қўпорувчилар қизил аскарлар кийимида ниқобланган. Ўша вақтда Эронда СССР қўшинлари борлиги боис бу одамларда шубҳа туғдирмасди. Гестапо резиденти Майер арманлар қабристони гўркови, абвер резиденти Шульце-Холтус эса мусулмон мулласи ниқобида пухта тараддуд кўрган, Берлин билан мунтазам радиоалоқада бўлишган. Парашютчилар уларга олтин қўймалар, қурол-яроғлар келтириб туришган. Шариф Ширинбоев ана шу қўпорувчилар зонасига озиқ-овқат келтирувчи савдогарга айланади. Унинг қўриқчилар ва хавфсизликни таъминловчи воситалар ҳақидаги маълумотлари совет разведкасига тегишли жавоб чоралари кўришга имкон беради. Теҳрондаги суиқасднинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Аммо Москва унга лоақал уруш ветерани гувоҳномасини беришни ҳам эп кўрмади.

Мен Тошкент шаҳар Куйбишев тумани ҳарбий комиссари полковник Омон Бобобековга воқеани тушунтирдим. Пировардида, Шариф ака «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» деган ҳужжатга эга бўлди.

Шариф ака билан китоб тайёрлаганимиздан кейин ундан парчалар эълон қилиш учун рўзнома-ю, ойномалар идораларида қанча сарсон бўлганимизни эслашим оғир. Китобни босиш учун эса масъул идорадан тўрт йилдан кейин — Шариф ака оламдан ўтгандан сўнг рухсат берилди. Октябрь ишига, Совет ҳокимиятига бутун умрини бахшида этган инсон хизматига ана шундай лоқайдлик билан жавоб қайтарилди. Афсуски, ҳозиргача ҳам биз ёзган китоб олам юзини кўргани йўқ.

«АВЛИЁ МИКОЛА»

Истеъфодаги полковник Қаҳҳор Шарипов дунёқараши ва эзтиқоди билан Шариф ака авлодига мансуб. Тақдири ҳам аянчли кечган.

У ГПУда разведкачилик фаолиятини 12 ёшидан бошлади. 30-йилларда Ўзган, Ўш атрофларида қароқчилик билан шуғулланган Усмон Али, Жонибек, Ғойиб пансод тўдалари ҳақида маълумотлар йиғиб, қишлоқмақишлоқ кезди. Баққол сифатида эшак миниб, хуржун орқалаб, кўплаб қонхўр тўдалар маконларини аниқлади. Шу аснода қўлга тушиб қолиб, азоб-қийноқларга дучор бўлди. Икки марта ўлимдан қолди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда у Ғарбий Белоруссиядаги Осовец қалъасида жойлашган чегарачилар полкида взвод командири эди. Беш кеча-ю беш кундузлик оғир жангда яраланиб, асир тушиб қолди. Лагерда ўзбек ҳарбий асирларидан махфий антифашист ташкилотини тузди. Концлагердан қочгач, поляк партизанлари сафида жанг қилди. Партизанлар уни ўзларига отряд командири қилиб сайлашди. У турли миллат вакилларидан иборат 300 жангчига бош бўлиб, кўп операцияларда қатнашди. Фашистлар унинг боши учун катта мукофот эълон қилишгани ҳам бежиз эмас. Немислар уни икки марта қўлга туширишди, лекин иккала сафар ҳам чекистларга хос топқирлиги туфайли душманни доғда қолдириб кетди.

Мен Қаҳҳор Шариповнинг Польша ўрмонларидаги фаолиятига оид кўп ҳужжатларни кўрганман. Улардан бирида Людова армияси II округи 2-отряди жангчиси Ҳантохун Бекмуродов шундай деб ёзган: «1942 йил май ойи кечаси лагерга партизанлар ҳужум қилишди. Бизни очлик ва ўлимдан қутқарганлар орасида ўзимнинг севимли взвод командирим Шариповни кўриб қолдим. Қучоқлашиб кўришдик, биргалашиб йиғладик. Ҳалок бўлганларни ёдга олдик. Қаҳҳор Шарипов партизанлар командири экан. Унинг отрядида мен билан юртдошларимдан Ғулом Шаҳобиддинов, Асқарали Юсуфжонов, Маматисмоил Йўлдошев, Худойберди Усмонов, Алижон Ғозиев, Деҳқонжон Мамаровиев, ўшлик Абдуғани Назиров, андижонлик Ҳабибулла Раҳимов, тошкентлик Ҳожиакбар Абдуқодиров, Ғозибоев ва бошқалар хизмат қилишди».

Поляклар Қаҳҳор Шариповни қилич чопмас, ўтда ёнмас, сувда чўкмас «Авлиё Микола» деб аташган.

Уруш тугаб Қаҳҳор юртига қайтмоқчи бўлганда, польшалик қуролдошлари, партизан отряди командирлари, фирқа ташкилотлари раҳбарлари совет қўмондонлигидан уни қолдиришни сўраб ёзган илтимоснома ҳам қизиқ: «Ўртоқ Шарипов Гмин бошқармаси, маҳаллий аҳоли ҳамда фирқамиз учун фойдали ва зарур одамлигини ҳисобга олиб, Сиз ўртоқ майор ҳарбий комендантдан ўртоқ Шарипов Қаҳҳорни биз билан ишлашни давом эттириш учун қолдиришингизни илтимос қиламиз».

Қаҳҳор Шарипов поляк контрразведкаси раҳбари сифатида Яблоново-Легионово туманларида яширин юрган фашист тўдалари ва жосусларини йўқотишда маҳорат кўрсатди. Душман агентлари унинг уйига икки марта бомба ташлашди, бироқ ниятларига эришолмадилар. Бу воқеалардан кейин поляклар «Авлиё Микола»нинг ўлмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилишган. Бироқ ғолиб йигитни она юртида мудҳиш синовлар кутарди. Минглаб ҳарбий асирлар пешонасига битилган кўргулик уни ҳам четлаб ўтмади. НКВД гумашталари Шариповни қамоққа олишди. Ўш қамоқхонасидаги 13 ойлик азоб-қистовлардан сўнг оқланди. Лекин нафасини ростлай-ростламас, 1947 йил ёзида яна ҳибсга олиниб, Қозоғистонга олти йилга сургун қилинди. Сургундан сўнг муҳтожлик, идорама-идора сарсон-саргардонликлар бошланди. У тирикчилик кўйида табиблик қилди, деҳқончилик билан рўзғор тебратди. Ҳамма жойда уни лоқайдлик ва шубҳа кутарди. Ниҳоят, у ўзининг аҳволи ҳақида Польша элчихонасига ёзди. Машҳур «Авлиё Микола» тақдири ҳақида жон куйдирган элчихона ходимлари Мудофаа министрлигига мурожаат қилишди... Фақат 1967 йили Польша давлат Кенгаши раиси Мариан Спихальский Қаҳҳор Шариповни Варшавага олий мукофот олишга чақиргандагина, марказдаги тўралар ҳовлиқиб қолишди. Шариповнинг «Қизил Юлдуз» ордени, «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари ўзига қайтарилди. Польша армияси полковниги лавозимидаги Шариповга Совет Армияси сафидаги хизматлари эвазига полковник унвони берилди.

Варшавада унга партизанлик Олтин крести ва орденлар топширилди. Шунда у ўзининг Польша миллий қаҳрамони деб эзтироф этилганини билди. Поляк дўстлари, қуролдошлари унга кўп иззат-икром кўрсатишди.

ХАР ЙИЛИ Қ. ШАРИПОВГА Польшадан таклифномалар келарди. Польша ўз қаҳрамонини ҳар гал янги мукофот билан сийларди...

Қаҳҳор аканинг нафақаси эса хизматига яраша эмас, жуд кам эди. Бу ҳақда Хрушчев ва Брежневга, мудофаа министрига бот-бот ёзган хатлари натижасиз қолди. Кўпйиллик сарсон-саргардонликлар, руҳий изтироблар, турмуш зарбалари охир-оқибат уни бедаво дардга — рак касалига мубтало қилди. Унинг дардаламлари кўп эди...

Вафотидан икки йил сўнг уйига ўтиб, рафиқасидан ҳол-аҳвол сўраганимда, Вера опа менга Польшадан келган мактубларни кўрсатди. Польша элчихонаси Шариповни янги 1987 йил билан табриклаб хат йўллабди. Ўлганидан кейин ҳам поляк дўстлари «Авлиё Микола»ни ёдлашибди. Биз эса... инсонни вафотидан кейингина эмас, тириклигида ҳам эъзозламаймиз. Бу фожиадан қачон қутуламиз?

Ҳамдам СОДИҚОВ

ТАСКИН ТОПМАЁТГАН ДАРД

Орол муаммосига доир яна бир бор — тўртинчи марта қарор қабул қилинди. Бу сафар денгизни «қутқариш»га мамлакат парламенти қўл чўзди. Қарорнинг номланиши ҳам узундан-узун: «ССЖИ Олий Кенгашининг Орол проблемаларига доир «Мамлакатни экологик жиҳатдан соғломлаштиришнинг кечиктириб бўлмас чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани тўғрисида». У барча матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Бу қарорни мен аввалги учала қарорга қиёслай туриб, шакли-шамоили ва моҳияти жиҳатидан бирор фарқ топаманми, деб узоқ уриндим. Беҳуда. Тўрталаси ҳам эгизак!

Ҳукумат парламентининг олдинги қарорларни шунчаки такрорлаб, яна бир нообъектив қарор қабул қила олишига ишонгинг келмайди. Шундай қарорлар қабул қила олар экан, демак, икки йилдан сал ошиқ вақт ичида парламентимиз буйруқбоз маъмурий системанинг ўртамиёна устқурмасига айланиб бўпти-да.

Майли дейлик, бу қарорни иккинчи Чернобиль — Ороллдаги экологик қиёмат ҳақида, бир йил муқаддам Қизил китобга ёзилган — ҳалокатли, фожиавий қисматга юз тутган уч миллиондан ортиқ халқнинг тақдиридан бехабар ёки бу хусусда сал-пал биладиган парламент аъзолари қабул қилган ҳам бўлсин. Ахир коммунистлар ҳокимият тепасида турган шунча йиллар ичида Қорақалпоғистонда биринчи бор яқиндагина аҳоли ялпи диспансер кўригидан ўтказилди ва у ҳар юз одамнинг етмиштаси бедаво дардга чалинганлигини ошкор этди. Бу қандоқ гап? Бу қандай кўргилик! Ўша юз кишидан етмиштаси эртага рўй беражак ўлимини кутиб яшаши даҳшат эмасми? (Қиёмат бундан бошқача бўлмайди!) Яна ичани сув, егани овқат йўқ, на яшагани дурустроқ уй-жой, на дори-дармон бор! Маданийлашган давлатларда инсон ҳеч бўлмаса мана шу оддий тирикчилик воситалари билан таъмин этилган.

Орол муаммоларига доир қарорни қабул қилган халқ депутатлари Оролбўйидаги ҳақиқий аҳволдан бехабар эканликларига ишонгинг келмайди. Депутатлар ҳам ҳеч бўлмаса газета ўқиб, телевизор кўриб туришса керак, ахир! Неча йилдан бери матбуот Орол фожиаси, табиат ва одамларнинг ҳалокат ичида қолганлиги хусусида бонг уриб келяпти. Буни кўрмаслик, эшитмаслик, ҳис этмаслик учун кўзлар басир, қулоқлар кар, дийдалар тош бўлмоғи керак. Кравченко бош бўлиб келмасидан бурунги телевидение Орол фожиаси ҳақидаги «Диагноз» фильмини бир неча бор намойиш этган, совуққон ва ростгўй кинокамералар эса денгизнинг собиқ қирғоқларидан ҳафталаб репортажлар олиб кўрсатганди. Аллақачон бутун дунёга маълумки, Орол бўйидаги юз минглаб одамлар иложсизликдан пестицид ва гербицидларга тўйинган заҳар-заққум сувларни ичишмоқда. Шунинг оқибатида қўлсиз, оёқсиз, бош чаноғисиз майиб-мажруҳ болалар туғилмоқда. Газеталар ва кўплаб журналлар, шу жумладан адабий нашрлар миллионлаб муштарийларини Орол фожиасидан огоҳ этди. Фақатгина «Новый мир» журналининг ўзи «Орол—88» экспедицияси тадқиқотлари эълон қилинган 1989 йили 1,1 миллион нусхада чоп этилди.

Депутатлар буларни кўрмаслиги, ўқимаслиги, билмаслиги мумкин эмасди. У ҳолда нега мана бундай силлиққина силаб-сийпаланган, тарашланган қарор дунёга келди? Олий Кенгаш аъзоларининг уни қабул қилишдаги роли қандай? Тўғриси, Олий Кенгаш депутатлари қарорни айнан эскича қолип ва кўрсатмалардан нусха кўчиргандек: **яхшилансин, кўтарилсин, таклиф этилсин, оширилсин, ишлаб чиқилсин, таъминлансин** қабилида қабул қилиб партаппаратчиларга, эски маъмурий услубларга анчайин мос пашиб қолган кўринадилар. Билмадим, бу «қизғин» сифатномаларга Олий Кенгашнинг барча аъзолари овоз бердиларми ёки Кенгашдаги 80 фоизи коммунистлардан иборат бўлган гуруҳнинг ўзи?!

Кулгили, бироқ бениҳоя аламли ҳол. Яқинда «Правда»да КПСС МКнинг «МК ва ССЖИ Министрлар Советининг Байкалга доир қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида»ги қарори босилиб чиқди. Бунақа қарорлар бир неча бор қабул қилинган. Қарор ҳақидаги қарорларнинг —қарорбозликнинг ҳеч қандай нафи бўлмади. Байкал бўйидаги целлюлоза-қоғоз комбинати қандай ишлаб келган бўлса, шундай ишлаб турибди. Жаҳондаги энг тоза (бўгун ончалик ҳам тоза бўлмай қолган) сувли ноёб кўлни қандай булғаб келган бўлса, шундай булғаб ётибди.

Оролда эса худди Байкал мисолида бўлганидек, Марказқўмнинг учта қароридан сўнг ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Мана қарорбозликнинг тўртинчисини ҳам кўрдик. Бу галгиси — Олий Кенгашники! Бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, бу қарордан сўнг ҳам Оролбўйида ҳеч нарса ўзгармайди, ҳеч қандай шарофатли ҳодиса рўй бермайди. Шунинг учун ҳам ўзгармайдики, аввало, Ўрта Осиёдаги суғорма деҳқончилик ниҳоятда ночор аҳволга солинган. Унинг қони шу даражада аёвсиз сўриб олинганки, бу қарорларнинг кучи ўлган одамнинг оғзига сув томизиш билан тенг. Юқоридан энг қуйи бўғинларгача мафкуралаштирилган маъмурий-буйруқбозлик системасининг сиқуви остида ер батамом ҳолдан тойдирилган, хароб қилинган. У энди аллақачон бангига айланиб бўлган: икки-уч ҳисса сув, ботмон-ботмон минерал ўғит ва заҳри қотил берсангизгина ҳосил беради. Бироқ бу йўл фақат Оролнигина эмас — Оролдан Помиргача бир амаллаб жон сақлаб қолган ҳаммаҳамма нарсани ҳалокатга олиб боради. Оролни, у билан бирга бутун Ўрта Осиёни фақат ерни тўла хусусийлаштириш ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуриш дастури билангина қутқариб қолиш мумкин.

Олий Кенгаш қарори ҳақида бутун бир трактат ёзиш мумкин, лекин унинг бирон сатри ҳам Орол муаммосини қоғозбозлик йўли билан «ҳал этиш» фойдасига бўлмайди. Биринчидан, қарорда янглик сифатида мана бу факт маълум қилинган: «Сувидаги шўр миқдори ошиши туфайли денгиз балиқчилик аҳамиятини бутунлай йўқотди, ноёб балиқлар генофонди йўқолиши жараёни кечмоқда». Ахир Орол ўзининг денгизлик аҳамиятини йўқотганига 15 йил бўлди. Ноёб балиқлар генофонди ўша вақтдаёқ буткул йўқолиб бўлганди. Иккинчидан Амударё ва Сирдарёга пестицидлар билан булғанган 20—22куб километр миқдордаги ифлос сувнинг тушиб туриши ҳалигача тўхтатилгани йўқ. Демак, Оролбўйидаги ҳар ўн кишидан еттитаси худди аввалгидек заҳар-заққумга тўйинган сувни ичмоқда. Сабзавотполиз экинларига, Мўйноқ ва бошқа жойлардаги ҳавзаларга балиқчиликни тиклаш учун ҳам мана шундай оғуланган сувлар берилмоқда. Демак, одамлар ичимлик сувдаги заҳарлар билан бирга истеъмол қилаётган қовун-тарвуз ва балиқ маҳсулотлари билан ҳам қўшимча равишда оғу ютмоқдалар.

Учинчидан, қарорда бир неча марта катта-катта қилиб Орол денгизини босқичма-босқич тиклаш тўғрисида ёзилган. Ўтган йили денгиз сатҳи яна салкам бир метр пастга тушди. У аллақачон иккига ажралиб бўлган. Бағрида бир вақтлар мавжуд бўлган 1090 куб километр сувнинг атиги 400 куб километригина сақланиб турибди. Демак, қарорда айтилганидек, Оролни босқичма-босқич тиклаш учун кам деганда унинг 700 куб километр сувини қайтариб бериш керак. Агар денгизга ҳар йили 50 куб километрдан сув қуйиб турилса (амалда бунинг иложи йўқ, чунки икки буюк дарё—Сирдарё ва Амударёнинг ўртача йиллик оқими 117 куб километр холос), денгиз сатҳидан ҳар йили 35 куб километр сув бўғланиб кетаётганини ҳисобга олганда унинг тарихий сатҳини тиклаш учун 46 йил керак бўлади. Йилига 40 куб километрдан сув қуйиб турилганда эса (эски суғориш системаси шароитида бу ҳам амри маҳол) 140 йил керак бўлади.

Қарорда биттагина очиқ ҳақиқат бор. У шундай баён этилган: «Минтақадаги экологик вазият инсон ихтиёридан чиқиб кетган». Агар шундай бўлса бутунлай консерватизм руҳидаги бундай қарорни қабул қилишнинг нима кераги бор! Ёки бу ҳозирги ССЖИ Олий Кенгаши қиёфасининг шу шаклда акс этишими?

Григорий РЕЗНИЧЕНКО,
«Орол-88» экспедицияси раҳбари

Москва

Боборахим МАШРАБ таваллудининг 350 йиллиги олдидан

ДИЛИ ДАРДЛИ ХАЛҚНИНГ ШОИРИ

Машраб шеърларини мутолаа қилар экансиз, «дил» ва «дард»ни сўзларнинг кўп учратасиз, баъзан эса бу сўзлар ёнма-ён келади: «Мени даврон букун дарду аламга мубтало қилди», «Бахти қаро бўлган билур бахти қаронинг дардини», «Дилда дардинг бўлмаса, дарди сарминг кавлама», «То дилингга дард тегмай, орзулардин жудо», «Жаҳонда топмадим ҳамдард, қолдим нотавон, ёлғуз», «Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдим»... Бу бежиз эмас, албатта. Машраб дунёда ниманики севса — юракдан, дилдан севади ё аксинча нимаданки нафратланса, ниманики ёқтирмаса, бу ҳолда ҳам виждонига қарши бормади. У ҳамиша рост сўзни айтишни одат қилди. Ёруғ дунёга «Рози дилимни очғали келдим», дейди Машраб бу ҳақда. Ҳур фикрли, ғоят ростгўй, шу туфайли ҳам «замонга сиғмаган» буюк шоиримиз дили пок инсонларнинг доимий ҳамдами бўлди, паст, қалби кўр, ичи қора кимсалар эса уни ўзларига ёв деб билдилар. Оқибатда Боборахим Машраб шахсига, унинг асарларига муносабат ҳам турли даврларда турлича бўлди; адабий-фалсафий мероси бир жойга тўпланиб, ҳар томонлама чуқур ўрганилмади, адабиётшуносликда бир-бирига зид қарашлар, фикрлар баён қилинди. Улуғ шоир юбилейига қизғин тайёргарлик кетаётган айни пайтда ҳам бундай аҳвол давом этмоқда: машрабшуносликда тўғри, илмий теран фикрлар билан бирга, илмий асосланмаган, пала-партиш фикрлар ҳам айтилмоқда, ишончли бўлмаган манбалар босиб чиқарилмоқда. Хуллас, машрабшуносликнинг кўпгина масалалари ойдинлаштирилиши жуда зарур вазифалардан бўлиб турибди. Шу жиҳатдан Узбекистон Фанлар академияси президиуми уюштирган давра суҳбатини Машраб ижодини ўрганиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш борасидаги яна бир амалий қадам дейиш мумкин.

Давра суҳбатини ЎзФА ҳақиқий аъзоси Аҳмадали Асқаров бошқариб борди. Йиғилишда Узбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, ЎзФА Қўлёзмалар институтининг директори, ЎзФА мухбир аъзоси Азиз Қаюмов, ЎзФА Адабиётшунослик институтининг директори, филология фанлари доктори Тўра Мирзаев, профессорлар — Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Исматулла Абдуллаев, филология фанлари номзодлари, машрабшунос олимлар — Муҳсин Зокиров, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, «Узбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бош муҳаррирининг ўринбосари, филология фанлари номзоди Иброҳим Ғафуров қатнашдилар. Давра суҳбатини адиб Ҳамид Ғулом бошлаб берди.

Ҳ. ҒУЛОМ: — Машраб жуда улуғ сиймо. Ҳазрат Навоийдан кейин энг халқчил шоиримиз Боборахим Машраб ҳисобланади. Мен Машрабнинг ғазалиёти қадар ўз халқининг юрагига сингиб кетган шу даражада халқчил ғазалиётни билмайман. Улуғ шоирларимиз кўп, бахтли халқмиз. Лутфий бир дунё, Бобур бир дунё, Огаҳий бир дунё. Лекин Машраб алоҳида бир дунё. Шунинг учун Машраб ҳақида жуда кўп рисолалар, тадқиқотлар яратилди. Улар орасида эса, назаримда, энг мукаммали, шоир ижодини, унинг шеърларидаги эзгу ғояларни батафсил таҳлил қилгани Абдурашиднинг тадқиқоти. Бу асар кўп жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг III томида босилган. Шу рисолада ҳам Машрабни Ғафур Ғулом андижонлик дейди, дейилади-да, эътироз билдирилмайди, устознинг ҳурмати учун. Малеҳо Самарқандий, бизнинг асримизда Фитрат, Ғафур Ғулом Машрабнинг наманганлик эканини инкор этмайдилар, лекин у Андижонда туғилган, кейин косиб отаси билан Наманганга бориб қолган, дейдилар. Мен ҳам шу кишилар таъсирида шундай фикрда бўлганман. То Машрабнинг «Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман» сатри бор шеъри топилгунча. Демак, Машраб ўз асарига асослансак, Наманганда туғилган. Энг муҳими, бу эмас, албатта. Асосий масала — Машрабнинг ижоди, унинг дунёқараши, фалсафаси. Мана шунга асосий эътиборни қаратишимиз керак. Ҳозир Машраб ҳақида кўп мақолалар босилмоқда. Мана, адабиёт газетамизда Исматулла Абдуллаевнинг «Машраб ва «Мабдаи нур» мақоласи чиқди. Унда олим кўп манбаларни текшириб «Мабдаи нур» асарининг Машрабники эканини исботлайди. Мен ҳам шу хулосага қўшилиб, фикримни айтмоқчиман. Бизнинг кўп классикларимиз авлиёлар, пайғамбарлар, улуғ шайхлар ҳақида рисолалар ёзганлар. Масалан, ҳазрат Навоийнинг ҳам шундай асари бор. Бу бир анъана бўлган. Биз шундай қабул қилишимиз керак. Машраб ҳам устозларига эргашиб «Мабдаи нур»ни ёзган бўлиши мумкин. Буни қандайдир айб эмас, балки шоирнинг фазилати деб биламан. У анъанагаа содиқ қолган. Лекин биз ҳар бир ижодкорга унинг асосий асарига қараб баҳо беришимиз лозим. Асосий асари қайсиси, унда қандай ғоялар тарғиб қилинган, ижодкорнинг бадиий маҳорати сирлари нималардан иборат? Шу жиҳатдан қараганда, Боборахим Машрабнинг асосий асари — унинг девони. У «Девони Машраб» дейиларди, ҳозир «Девонаи Машраб» дейилмоқда. «Қиссаи Машраб» ҳам дейилади. Менингча, «Қиссаи Машраб», деб айтсак, мантиқан тўғрироқ бўлади. Айни вақтда у девон, Машрабнинг бутун ғазалиёти шунда. Ишончим комилки, бу китобни шоирнинг яқин шогирдларидан, ҳаммаслакларидан бири тартиб берган. «Қиссаи Машраб»да у кишининг ҳаётидан қизиқ-қизиқ ҳикоялар китоб ҳошияларига чекиб кетилган. Жуда ҳаётий, ибратли ҳикоялар ҳам бор, шу билан бирга, баъзан инсоний ахлоққа тўғри келмайдиган ҳикоялар ҳам учрайди. Уларга, албатта, ҳушёрлик билан қараш керак. Энди, мана шу асосий асарида шоир қандай ғояларни олға суради? У аввало тасаввуф ғояларини олға суради, буюк бобокалонимиз, турк шеъриятининг отаси Аҳмад Яссавий таълимотини тарғиб қилади, шу эзгу ишга ҳаётини бағишлайди...**

Ҳали Машраб ҳаёти ва ижодининг ўрганилмаган саҳифалари кўп. Масалан, унинг Қашқардаги ҳаёти ҳақида биз нимани биламиз? Нега уни Шоҳ Машраб деганлар? Машрабни дорга остирган Маҳмуд Қатағон ким? Шоирнинг замондошлари-чи? Нега етмишдан ўтган чол одамни осиб ўлдирганлар? Гуноҳи шунчалар оғирмиди? Бундай саволлар кўп. Уларга тўғри жавоб топиш учун қаттиқ меҳнат қилиш, тинимсиз ижодий изланиш керак бўлади. Яна бир таклифим шуки, Машраб юрган йўллар бўйлаб олимлар, ёзувчилар, санъат кишиларидан иборат эътиборли илмий экспедиция уюштириш зарур.

А. ҲАЙИТМЕТОВ: — Юбилей Машраб шеъриятининг мухлислари, халқ учун катта байрам бўлибгина қолмай, балки машрабшунос олимлар учун катта синов ҳамдир. Ёзувчини тор доирада ўрганиб, унинг ғиботи билан машғул бўлиш бошқа катта доирага, кенг халқ оммаси олдига олиб чиқиб, ижодига баҳо бериш бошқа. Бу катта синов.

Машраб татарлар орасида ҳам, уйғурлар орасида ҳам жуда машҳур. Ғазаллари қўшиқ бўлиб кетган. Шарқий Туркистонда ҳатто уни авлиё каби эъзозлайдилар. Бинобарин, Машраб меросини қардош олимлар билан биргалашиб тадқиқ этсак эиён кўрмаймиз.

Машраб юбилейи баҳонасида кўп масалалар ўртага тушади. Масалан, халққа шоир ҳақидаги ҳамма ҳақиқатни етказа оламизми? Менингча, китобхонга бор гапни очиқ айтишимиз керак. Ҳал қилинган масалаларни ҳал қилинган деб, ҳал этилмаганларини ҳал этолганимиз йўқ деб айтавериш лозим. Нега буларни айтаётирман? Чунки Машраб ҳаётининг, адабий-фалсафий меросининг тадқиқ қилинмаган жиҳатлари кўп. Бироқ бизга бир умид тасалли беради: юбилей муносабати билан бу улуғ сиймо ҳақидаги бор фикрлар юзага чиқади, меросини чуқур ўрганамиз ва халққа кенгроқ танитамиз, тасаввурларимиз аввалгидан бойийди. Шу маънода юбилейнинг фойдаси катта.

Одатда, юбилейларни сиймоларнинг туғилган кунларига боғлаб ўтказишмоқда. Лекин кишиларни вафот этган кунларида ҳам эслаш мумкин. Бизнинг халқимизда бу удум қадимдан бор. Ахир, ота-онамизга уларнинг ўлган кунларида худойи қиламиз-ку! Машрабнинг дорга осилганига бу йил 280 йил бўлади. Шоирнинг юбилейини ўтказар эканмиз, ана шу санани эслаб ўтиш имкони ҳам бор...

Жалолиддин Юсупов нашрга тайёрлаган «Меҳрибоним, қайдасан» мажмуаси, барча камчиликларидан қатъи назар, машрабшуносликда, Машраб асарлари матнларини яратишда янги қадам деб қаралиши керак. Жалолиддин катта меҳнат қилган. Албатта, ҳамма ҳам китобни пухта қилиб чиқаришни хоҳлайди. Афсуски, бунга эришишнинг ҳозирча иложи бўлмаётир. Юсупов ҳам, табиий, бу мураккаб ишнинг тўла уддасидан чиқолмаган.

Энди бир оғиз «Тазкираи қаландарон» ҳақида. Асардан лавҳалар босилгач, Муҳсин Зокиров домладан қўлёзмасини сўрасам, «Қўлёзма йўқ, фалон вақтда бир кишидан кўчириб олганман», дедилар. Чунки ўқиганда шубҳа туғиладиган жойлари бор-да. «Шарқ юлдузи»да бу тўғрида ҳеч нима дейилмабди. Писанда қилиб кетилиши зарур эди.

М. ЗОКИРОВ: — Мен Машраб ҳақидаги биринчи мақоламни 1939 йили ёзган бўлсам, мана эллик йилдан ошибдики, унинг ижоди билан шуғулланаман. Шу давр мобайнида Машрабнинг йиғирмадан зиёд қалами девонларини кўриб ўрганиб чиқдим. 50-йилларнинг ўрталарида Ленинобод пединститутида ишладим. Бир куни ҳамкасбим Обиджон Орифий билан бозорда юргандик. У киши менга бир чолни кўрсатиб, «Эслаб қолинг, қўлида зўр китоби бормиш», деди. Кейин чол билан танишдик. Уни Оқил қаландар дейишаркан. Асли аштлик бўлиб, машҳур Зобир қаландарнинг авлоди экан. Бир неча марта ҳамсуҳбат бўлгач, Оқил қаландар Орифий айтган китобни кўрсатди. «Тазкираи қаландарон» Боғистон кентлик Машрабнинг шогирди Исҳоқ Боғистоний қаламига мансуб бўлиб чиқди. Китобнинг 11-12 бобида Машраб ҳаётига доир воқеалар ҳикоя қилинган эди. Мен асардан ўзимни қизиқтирган жойларни кўчириб олдим. Шунча қилдим, бироқ чол китобни сотмади. Кўчирганларимни бир марта йўқотиб ҳам қўйдим. Хайрият, кейин топилди. Қўқонлик бир шогирдим китобнинг муқоваси суратини олган экан. Шу ҳам қўлимда сақланади. Тазкира содда услубда, халойиқ тушунарли тилда ёзилган. «Тазкираи қаландарон»дан «Шарқ юлдузи» журналининг ўтган йилги август сонида эълон қилинган лавҳалар шу тариқа қўлимга тушган. Менинг бир нуқсоним борки, қизиқиб ўқиган нарсам 10-15 йил ёдимда сақланади. Журналдаги баъзи жойларни шу тариқа хотирамда тиклаганман.

Кейинчалик Ленинободга бориб китобни қидирдим. Оқил қаландар оламдан ўтган экан. Хўп суриштирдим, бироқ, афсуски, «Тазкираи қаландарон»нинг изи топилмади...



Адабиётшунос Исматулла Абдуллаев фидойи машрабшунослардан. Олим ўтган йилнинг кузида ҳамда шу йилнинг 12 апрелида «Узбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида эълон қилган мақолаларида эътиборли манбаларга асосланиб Машрабнинг қаерда ва қачон туғилгани ҳақида фикр юритган, машҳур «Мабдан нур», «Кимё» асарлари ҳам унинг қаламига мансуб эканини исботлаган. У давра суҳбатида аввало шулар ҳақида гапирди. Кейин «Шарқ юлдузи»га М. Зокиров тайёрлаб берган «Тазкираи қаландарон» асарининг борлигига шубҳа билдирди.

— Бу киши «Тазкираи қаландарон»ни бировдан кўчириб олдим, дейди, — деди сўзини давом эттириб И. Абдуллаев. — Бирпасда шунча нарсани кўчириб бўладими? Ёддан тикладим, дейдилар яна. Бу ҳам одам ишонадиган гап эмас. Эски қўлёзмаларни ўқишнинг ўзи кони машаққатку! Биз ҳам қўлёзмаларни қанча заҳмат чекиб, луғатлар кўриб ўқиймиз. Бу осон иш эмас. Мен ишонмайман. Китоб бўлса, кўрсатсинлар. «Шарқ юлдузи»да чиққан асар ишончсиз, деб биламан. Олим одам манбани кўрмасдан, уни қайта-қайта синчиклаб ўқимасдан, пухта текширмасдан фикрмулоҳазаларини жамоатчиликка ҳавола этмаслиги керак. Илм ҳалолликни талаб қилади...

А. АБДУҒАФУРОВ: — Айтишга мажбурман. Бу ерда айтилаётган гапларнинг кўпи 1978 йили «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида босилган мақоламда ёзилган. Домла Исматулла Абдуллаевнинг мақоласидаги далилларнинг юз фоизи демайману, 70—80 фоизи менинг мақолаларимда келтирилган, «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг III жилдига кирган илмий ишимда эса фикрларимни батафсилроқ баён қилганман...

Энди Муҳсин домла эълон қилган Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асарига келсак. Албатта, бу кишини ёлғончига чиқаришимиз ҳам қийин, лекин бир нарсани кўрмасдан туриб, унга ишониш ҳам осон эмас. Домла чорак асрдан кейин баъзи парчаларни хаёлимда тикладим, дейди. Ишониб бўлмайди бу гапга. Эртакни ҳам шунча йилдан кейин ёдда тиклаш мумкин эмас. Эҳтимол, домла қўлёзмани кўргандир, бирор жойдан чиқиб қолса, масала шунда ойдинлашар. Ҳозир эса бунга ишониб бўлмайди...

Ҳ. МУҲАММАДХЎЖАЕВ: — Мен қўлим етган жойдаги барча манбаларни кўриб боришга ҳаракат қиламан. Кўрган манбаларимнинг айниқса биттаси жуда маъқул бўлди. Бу — Фитрат домланинг Турди Фароғийга бағишланган мақоласидир. Олим Турдининг биографиясини яратишда унинг асарларига суянади. Таваллуди, таржимаи ҳолига доир фикрларини шоирнинг шеърларида учрайдиган далиллар, айрим ишораларга асосланиб билдиради. Бу, менингча, тўғри принцип. Биз ҳам бирор ижодкорнинг илмий биографиясини яратар эканмиз, энг аввало, унинг асарларидаги далилларга, унинг ўз иқрорларига суянсак, тўғри йўл тутган бўламиз. Машраб асарларида ҳам унинг шахсий ҳаётига алоқадор муҳим далиллар бор. Жумладан, у бир неча шеърида ўзининг наманганлик эканини айтади. Лекин бирор жойда андижонликман, деган гап учрамайди.

Машрабнинг туғилган йили тўғрисида турли фикрлар бор. Ислом Аҳмедов 1654 йил деб ёзган. Ликошин, Карцев, Шорасул Зуннун, Абдурашид Абдуғафуров шоир 1640 йили туғилган, дейдилар. Ликошинга ишонса бўлади. У ҳатто «Наманган шаҳрининг ўртасидаги катта бозор яқинида, қаландархона ёнидаги Маддоҳон маҳалласида шоҳ Машраб туғилган уйнинг қолдиқлари ҳанузгача сақланган», деб ёзади. Ликошин ўз маълумотларини наманганлик зиёлилардан Нодим Намангоний иштирокида аниқлаганини айтади. Ҳокимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих», Мирза Олим Тошкандийнинг «Ансоб ус-салотин» асарларида ҳам Машрабни наманганлик дейилади.

И. ҒАФУРОВ: — Жуда қимматли фикр алмашув бўлди. Менинг назаримда, бугунги муҳокаманинг Машрабни бундан кейин нашр қилиш ва ўрганишда жуда катта таъсир қуввати бўлади. Бир илтимосимиз шуки, Азизхон ака, агар имкони бўлса, Қўлёзмалар институтидаги, Шарқшунослик институтидаги, умуман мавжуд манбаларнинг ҳаммасини бир-бирига қиёслаб, ўрганиб чиқиб Машраб асарларининг илмий танқидий матнини тайёрлаш пайти келди, деб ўйлайман. Жалолиддин Юсупов ўзи ўрта мактаб ўқитувчиси, Азизхон акага ўхшаш, Абдуқодир ака ёки Абдурашид акага ўхшаш йирик олим эмас. Минг раҳмат, шунча қўлёзмаларни ўрганиб, шу ишни қилибди, бу катта гап. Лекин, барибир, ўша танқидий матннинг йўқлиги, мавжуд барча қўлёзмаларни солиштирилмаганлиги Машрабнинг олтиндан ҳам қимматли асарларини ўқишда ҳар хилликлар, чигалликлар туғдиради. Агар шундай танқидий матнни яратишга киришилса, ҳозир шунга қодир кучлар бор, қувватлар етарли, бу ишни бемалол амалга ошириш мумкин. Фақат бунга сиз томонингиздан имдод бўлиши керак. Менинг назаримда, Машрабга катта ҳайкал қўйилларди. Бу ҳар хил чигалликларнинг давом этишига ҳам чек қўйган бўларди.

А. ҚАЮМОВ: — Машраб юбилейини ўтказиш-ўтказмаслик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Юбилейни ўтказамиз. Ҳукумат қарори бор, комиссия бор. Менингча, адашмасам, юбилей ноябрь ойига режалаштирилган. Бу қатъий. Иккинчидан, Ҳамид аканинг фикрларини асос қилиб олишимиз керак. Машраб ижодининг ғоялар дунёсини, Машраб меросининг ўзбек маданияти, умуман, туркий халқлар маданияти тарихида тутган ўрнини илмий аниқлашимиз зарур. Мана шу — асосий масала. Машраб халқ ҳаётини қандай аниқлик билан, ростгўйлик, юксак бадиият ҳамда соддалик билан халққа етиб борадиган усулда ифодалаганига асосий диққат-эътиборни қаратмоғимиз керак. Машрабнинг наманганликми, андижонликми экани тўғрисидаги самарасиз баҳсга қатъий чек қўйайлик. Иккинчи марта бу масалага қайтмаслик керак. Исматулла ҳам, Абдурашид ҳам буни жуда асослаб исботлаб бердилар. Ҳамма гап шундаки, кекса авлод — Бокий домла учун ҳам, Ҳабибий, Чархий, Пўлатжон домлалар учун ҳам мазкур масала умуман кун тартибида турмаган. Улар учун Машраб Намангоний бўлган. Бу ва бунга ўхшаш баҳсларнинг келиб чиқишига адабиёт тарихини ўрганишдаги узилишлар, авлодлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг изчил давом этмай қолгани сабаб бўлган. Оқибатда бунга ўхшаш кичкина масалалар бот-бот кўтарилиб турибди.

Машрабнинг туғилган йилини 1640 йил деб қабул қилайлик. Майли, шартли равишда. Исматулла ҳам, Абдурашид ҳам яхши далиллар келтирдилар. Эҳтимол, кейинги тадқиқотлар янги далилларни юзага чиқарар, масалага янада ойдинлик киритар. 5-10 йил фарқ масаласи бир гап бўлар. Шуни қабул қилайлик. Тадқиқотларни изчил давом эттириш — энг муҳим масала шу. Биз Машраб меросини халқ мулкига айлантиришни, унинг бой руҳий-маънавий оламини, теран фалсафасини, рангин бадиятини, образлар системасини чуқур тадқиқ этишни асосий ўринга қўйишимиз шарт.

Менинг шу муносабат билан Муҳсин Зокировга нисбатан бўлаётган ишончсизликка ҳам эътирозим бор. Яхшимиёмонми, бу одам бир асарни рўёбга чиқарди. Эҳтимол, баъзи гаплар ёдидан кўтарилиб, чалкашликлар содир бўлгандир. Лекин «Тазкираи қаландарон»да баён этилган воқеалар мантиқи ниҳоятда кучли. Менингча, бир-икки бадиий асар учун сюжет беради. Шундай гўзал сюжетки, энди битта-яримта адибимиз ундан фойдаланар, деб ўйлайман.

Ҳ. ҒУЛОМ: — Бу киши эълон қилган парчаларнинг тили ҳам одамни, қисман бўлса-да, ишонишга мажбур қилади. Ахир, Муҳсин Зокировнинг ўзи бундай тилда ёзолмайди-ку!..

А. ҲАЙИТМЕТОВ: — Илм аниқликни талаб қилади. Ҳозир, муайян маънода, машрабшуносликда шу вақтгача амалга оширилган ишлар якунланаяпти-да, шунинг учун бир нарсани аниқлаштириб кетсак: айрим манбаларда Машрабни андижонлик дейилса-да, аксар манбаларда Наманганда туғилган, деб ёзилган, десак. Бу илмий жиҳатдан ҳам тўғри бўлади. Иккинчи фикр шуки, шоирнинг туғилган йилини унинг ўзи ҳақида шеърида айтган «Ёши етмиш бирга кирган бандайи радди фалак» деган сўзларига асосланиб аниқланганини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади.

А. АСҚАРОВ: — Машраб мероси — халқимизнинг буюк маънавий бойлиги. Машраб асарлари ўзбек халқининг теран тафаккурини дунёга намойиш қилишга қодир дурдоналардир. Улуғ шоиримиз меросига тор синфий нуқтаи назардан ёндашиб баҳо беришлар катта хато. Ҳар бир ҳодиса ўзининг номи билан аталиши керак. Адабий жараёнга бирёқлама ёндашишлар энди ортда қолиб кетди. Биз кўп йиллар мобайнида Машраб асарларининг каттагина қисмини диний деб эътиборсиз қолдириб келдик. Ахир, улар умуминсоний қадриятлар-ку!

Кўпчиликнинг фикри шунга келаётирки, Машрабнинг ижодий меросини олимларнинг забардаст бир коллективи бирлашиб ҳар томонлама чуқур ўрганмаса бўлмас экан. Ҳозир Машраб ижодини турли илмий муассасаларда ўрганмоқдалар, ҳар ким ўз ҳолича. Бу ишга турли институтларнинг олимлари аралашмоқдалар. Энди Машраб ижодини жонбозлик билан тадқиқ этишни ҳоҳловчи барча илмий кучларнинг бошини бир ерга қовуштириб машрабшунослик марказини ташкил этиш вақти етибди. Шундагина Машраб ижоди ҳар томонлама чуқур, илмий ўрганилади, мукаммал тадқиқотлар яратилади, шоир асарларининг танқидий матнлари, академик нашрлари юзага келади; шундагина халқимиз оташин шоирнинг бутун адабий-фалсафий мероси ҳақида тўла тасаввурга эга бўлади. Мен бу фикрларни албатта Академия президиумига, керак бўлса, республикамизнинг раҳбарларига етказаман. Ўйлайманки, бу муҳим ишга зарур маблағни ҳам топамиз. Мен ваъда бераманки, Академиямиз доирасида Машраб ижоди масалалари билан шуғулланадиган махсус ижодий илмий марказ тузамиз. Менингча, бу хайрли ишда Адабиётшунослик институтимиз бош-қош бўлиши керак.

Давра суҳбатимизни якунлар эканман, йиғилишимиз очиқ, эркин фикр алмашув тарзида ўтганини таъкидлашни истардим.

Давра суҳбатини Маҳмуд САЪДИЙ ёзиб олди

ЗИЁСИ БАРЧАГА БАРОБАР

Биз учун, биринчи навбатда, улуғ боболаримизнинг инсоният маънавий-руҳий оламига қуёшдек кўтарилиб, шеърият осмонида ҳамон порлаб турганликлари, сахийлик билан ҳаммага баб-баробар зиё ва маърифат ёғдуларини таратиб, бадиий завқ-шавқ ва чин инсоний ғурур улашаётганликлари чексиз бахт эмасми!

Боборахим Машраб андижонликми ёки наманганликми, баҳсига дуч келганда кейинги пайтларда қадимий бир ривоят тез-тез ёдимга тушадиган бўлди.

Нақл этишларича, бир гуруҳ қора ниятли кишилар Муҳаммад алайҳис-саломни мот қиламиз, деган ғараз билан:

— Сен Аллоҳни яккаю ягона, бутун мавжудот ва барча жонзотнинг яратувчиси, қудратли ва шафқатли, ҳар бир воқеа-ҳодисадан тўла бохабар, деб қўтирмоқчи бўласан. Қани, айт-чи, сенинг Аллоҳинг ҳозир, шу пайтнинг ўзида назарини қайси тарафга қаратиб турибди: чапгами ё ўнгга, олдингами ё орқага, юқоригами ё пастга? — деб савол ни, менинг шоду ҳуррамлигим ва қайғу-ҳасратларимни, шубҳа-андишаларим ва ғазаб-нафратимни, махфий илинж ва ширин хаёлларимни юксак бадиий воситаларда ифода эта олди, менинг дардли ва умидли дилимдан ватан топди, натижада менинг бир бўлагимга, юрагимнинг, шууримнинг, фалсафамнинг ажралмас бир қисмига, одобахлоқим, юриш-туришим, феъл-атворимнинг бир кўринишига айланди. Бу самимий иқрорни, қаерлик бўлишидан қатъи назар, ҳар бир машрабхон, шеъриятнинг ҳар бир чин мухлиси қатъий ишонч билан айта олади. Бунда ҳеч қандай хато ёки муболаға йўқ.

Бу олам аҳли ичра дил паришон бўлмасун ҳечким! —

деб наъра тортган Машраб ҳаммага баробар ва у барчаники. Бошқа бир ғазалда эса шоир ўзининг умумга алоқадор эканлигинн махсус таъкидлагандек кўринади:

Ҳеч билмасман ўзумни
қайси миллат халқиман, —

ва шу ўриннинг ўзида ниҳоятда муҳим изоҳ беради:

Ҳар қаерда бекасу бечорага
ҳамхонаман!

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

беришибди. Шунда пайғамбаримиз айтган эканлар:

— Қоронғи ҳужранинг ўртасига бир шамъ ўрнатиб ёқинглар. Унинг шуъласи қайси томонга қараётган бўлса, Аллоҳнинг ҳам юзи ва назари худди шундай!

Маълумки, шамъ шуъласи ҳар томонга баб-баробар зиё таратади, қайси томондан ким унга боқмасин, худди ўзига қараётгандек, унга нур бахш этаётгандек туюлади...

Боборахим Машрабнинг қаерлик эканлиги ҳақида гап очилганда, бу ривоятнинг ёдимга келишига асосий сабаб, эҳтимол, шоир меросининг умумўзбек мулки бўлганлиги, барча туркий халқлар учун тенг қимматли ва ардоқли эканлиги, барчанинг дилига яқинлиги ва ҳаммасининг ундан баб-баробар маънавий озуқа олиши бешубҳалиги бўлса керак...

Мен Машраб ҳақида ёзган барча ишларимда уни наманганлик деб ёзганман. Аммо, мен шундай деб ўз қатъий ишончим бўйича, ҳақиқатни ёзар эканман, унга ҳеч қачон бирорта махсус маъно берган эмасман. Худди Навоий Ҳиротда, Бобур Андижонда, Абдулла Қодирий Тошкентда туғилган, дейилганидек. Ишончим комилки, Машрабни андижонлик деб ҳисобловчи мутахассислар ҳам худди шундай — уларда тарихий ҳақиқатни оддий ва одатий қайд этишдан бошқа мақсад бўлмаган. Чиндан ҳам, гап бирор ижодкорнинг, жумладан, Машрабнинг қаерда ва қачон туғилганида эмас. Муҳими шундаки, Боборахим Машраб менинг она тилимда менинг ҳақимда, менинг ҳис-туйғуларим ва орзу-интилишларим.

Эҳтимол, шоирнинг дилдилидан чиққан бу самимий иқрор ўринсиз баҳсларга узил-кесил чек қўйишда бош мезон бўлгандир...

Ҳафталикнинг шу саҳифасида Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми ташаббуси билан ўтказилган машрабшунослар йиғинидан, ҳисобот ҳам эълон қилинмоқда. Йиғинда машрабшунослик ҳолати ва вазифалари ҳақида муҳим масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, мутахассислар бундан буён шоир таржиман ҳолига оид маълумотлардаги турлиликка чек қўйиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Мутахассислар қабул қилган бу илмий хулоса фойдасига яна бир далил келтириш ҳам ўринли кўринади. XIX аср охири — XX аср бошларида яшаб ижод этган шоир Ҳожи Собир Самарқандийнинг асримиз бошида литографик усулда босилган баёзининг 40—41-бетларида бир ғазал эълон қилинган. Ғоявий-бадиий томондан, шунингдек, шеърият талабларига изчил риоя этиш жиҳатидан камчиликлардан холи бўлмаган бу ғазал биз сўз юритган масалага равшанлик киритувчи ишончли далиллардан бири сифатида қимматлидир.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ҳожи Собир САМАРҚАНДИЙ

ҒАЗАЛ

Ошиқларнинг ошиқи Машраби Намангоний,
Бир худонинг мажнуни Машраби Намангоний.

Дунёни талоқ этгон, ҳарисни тепиб юргон,
Оламни уч айлангон Машраби Намангоний.

Танбури кошғарий, қўлга, туштилар ярим йўлга,
Балх шаҳрини чўлига Машраби Намангоний.

Ул Балх шаҳрига боргон, Маҳмуд била айтушгон,
Ишқига шаҳид бўлгон Машраби Намангоний.

Дорни тагига боргон, жаллодга назар қилгон,
Мардони худо бўлгон Машраби Намангоний.

Бордилар Мадинага, ҳазратимни қошига,
Раҳмати худо анга Машраби Намангоний.

Ҳамани қилур барбод, бу дасти ажалдин дод,
Авлиёи модарзод Машраби Намангоний.

Тақдирига тан бергон, жаннат ичига киргон,
Ҳурлар била айш этгон Машраби Намангоний.

Кошғар шаҳрига боргон, ҳар шаҳрга ғазал айтгон,
Ҳожига назар қилгон Машраби Намангоний.

АВВАЛ ОТ, КЕЙИН ЧАВАНДОЗ

Жумҳуриятимизда миллий мустақиллик ғояси ва миллий онгнинг кучайиши ижобий самаралар бера бошлади. Ўзбекистон Фанлар Академияси таркибидаги Тил ва адабиёт институти икки мустақил илм маскани — Тилшунослик ва Адабиётшунослик институтларига айлантирилди. Демак, жумҳурият Давлат тили бўлган она тилимизни ҳар томонлама чуқур ўрганишга, халқ маънавиятини ойнаси бўлмиш қадим сўз санъатимизни жаҳон адабиётшунослиги даражасида тадқиқ этишга қулай имконият очилди. Илмгоҳларнинг аталишига келсак, бирига Маҳмуд Кошғарий, иккинчисига Алишер Навоийнинг қутлуғ номлари берилиши ҳар бир зиёли ўзбекнинг кўнглидаги гапдир.

Тил ва адабиёт институтининг илмий нашри «Ўзбек тили ва адабиёти»нинг келажаги ҳам кишини ўйлантиради. Икки катта соҳани баҳоли қудрат ёритиб келган ойнома илмга қўйилаётган янги талаблар асосида иккига ажралиши ва бири тил, иккинчиси адабиёт илмининг чинакам баковулига айланиши ҳаётий зарурат. Бинобарин, бундан уларни қандай аташ муаммоси келиб чиқади.

Таклифим: Ўзбекистон ФА Тилшунослик институтининг илмий нашри, менимча, «Тил» деб номланиши мақсадга мувофиқ. Уни «Ўзбек тили» деб аташ ҳам мумкин, бироқ ойномада асосий эътибор ўзбек тилига қаратилиши нақд. Иккинчидан, «Тил» номи остидаги нашрнинг қамрови анча кенг ва бозор иқтисодиёти шароитида уни оммага қизиқарли қилиш имкони кўпроқ бўлади, деб ўйлайман. Бундан ташқари, тилшуносликнинг оқсаётган соҳаси умумий тилшунослик. Исталаётган ном ўз-ўзидан ушбу соҳага эътибор қаратишни тақозо этади, яъни жисм исмга мослаша боради.

Маълумки, адабиёт сўз санъати, ёзувчининг ягона иш қуроли ҳам сўз. Адабиётшунослик ҳам аслида бадиий сўз ҳақидаги илмдир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ФА Адабиётшунослик институтининг илмий нашрига «Сўз» номини таклиф қиламан. «Сўз» «Ўзбек адабиёти», «Ўзбек адабиёти масалалари» каби биз ўрганиб қолган номлардан кучсиздек туюлади. Лекин диққат қилинса, «Сўз» тўлиқроқ ва салмоқлироқ маънога эга эканлигини англаш қийин эмас.

Мухтасар номли, олий мақсадли минбар ўз доирасига илғор илмий кучларни жалб этиши тайин. Аввал от, кейин чавандоз, дейдику халқимиз ҳам. Ният холису мақсад улуғ бўлса бас.

Сувон МЕЛИЕВ,
Ўзбекистон ФА Адабиётшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

АСОВ ДАРЁДАН ҚАТРАЛАР

Ёзувчилар уюшмасига чорпахилдан келган бир киши ёнида қизи билан кириб келди. Марғилонлик экан. Бир даста шеърини ўқиб чиқдим. Ўқидиму мисраларнинг мазмундор, пишиқ-пухталиги, туйғуларининг самимийлиги кўнглимни яйратиб юборди. Яна янги шеърлар олиб келишини сўрадим. Улар ҳам бақувват, таъсирли ёзилган эди.

Абдукарим Жумабоев ёшлигида ёруғ дунёни ҳайрат кўзлари билан кўрарди. Тасодиф дард туфайли кўзи ожиз бўлиб қолди. Лекин ўрнига табиат унинг қалб кўзини очди. Куюнчак шеърларида унинг оламни, одамларни чуқур кўриши, аниқ тушуниши аён кўриниб турибди.

Йўқликдан қўлингга
олдингми қурол,
Тўқликдан қўлингга
олдингми қурол,
Шўхликдан қўлингга
олдингми қурол,
Ненин талашасан, биродар!—

дейди шоир изтироб билан. Бу мисралар Қорабоғдаги ёки Ўшдаги қонли воқеалар иштирокчиларига таъна, дашном каби янграйди.

Маъруф ЖАЛИЛ

Абдукарим ЖУМАБОЕВ

ТАМОМ

Қай куни сўз-ла, нигорим, бўлғуси ҳижрон
тамом,
Қай куни орзу ушалғай, қай куни армон тамом.
Ҳар маҳал, нозу адонинг янгисин кўргай кўзим,
Қай куни бўлғай бу нозу, бу азоби жон тамом.
Айрилиқдан ўртанур дил тилга келмас
бир калом,
Қолмади сабр айламоққа тоқату имкон тамом.
Икки соҳилда турармиз, ўртада уммон—фироқ,
Унда сен ҳайрон турарсан, бунда мен
гирён тамом.
Не турур сенсиз Каримга бу жаҳоннинг қиймати,
Мен учун қолмас замину, мен учун осмон тамом.

РАЪНОЛАНУР

Раъноланур, раъно десам, раъно деманг деб,
Зеболанур, зебо десам, зебо деманг деб.
Қизлар аро ҳусну латофатда ягона,
Танҳоланур, танҳо десам, танҳо деманг деб.
Шаҳлоларига термулиб қолсам агарда,
Шаҳлоланур, шаҳло десам, шаҳло деманг деб.
Келмай туриб кетмоқ учун излар баҳона,
Айтилмаган гапларим бир дунё деманг деб.
Қокиллари қоматига зебо ярашмиш,
Ороланур, барно десам, барно деманг деб.
Шайдо десам, Карим севги садоқатингга,
Уяладур не бўлса ҳам шайдо деманг деб.

ТАҚДИР

Милтираган ёғду кўринмас
Кўзларимга зим-зиё олам.
Яшар экан ёруғ дунёда
Ажаб нурга зор бўлиб одам.

Атрофимда мотамсаро ранг,
Гўё қуёш ўчай деган шам.
Яшар экан зулматга кўниб
Тақдирига тан бериб одам.

Гоҳи йиғлаб, гоҳи овуниб,
Юрак бағрин эзганда алам
Чидар экан алдаб ўзини
Нимадандир умидвор одам.

Яхшиямки, дилда муҳаббат
Ва ёнимда сен борсан, санам.
Яхшиямки, эзгу ташвишлар
Турфа ўйлар билан банд
одам.

Бўлмасанг сен бу зулмат
ичра
Мажол қолмай, қўймоққа
қадам.
Ўтар эдим бир шарпа
янглиғ
Тақдиримга тан бериб
мен ҳам.



Йўлдош ЭШМУРОДОВ

БЕДАНА

Бутун бошли шаҳар енгил нафасда,
Туш кўриб ухлайди осуда-хотир...
Ёлғиз бир бедана бўзлар қафасда
Туролмам сўзларга ағдармай ахир:
Пит-билдиқ, пит-билдиқ, пит-билдиқ,
Севилдик, тутилдик, қул бўлдик.

Қайдадир севгимнинг баҳори қолди
Вужудим ўртайди оташ навоси.
«Кўксимни тўлдирган гиёҳлар қайда,
Нафасим бўғади қафас ҳавоси»
Пит-билдиқ, пит-билдиқ, пит-билдиқ,
Севилдик, тутилдик, қул бўлдик.

Қабариқ шаҳарнинг шамоли йўқдир,
Оташда борадир юрагим ёниб.
«Эгам берадиган сувлари ўқдир,
Кўз ёшдай аччиқдир хўжамнинг дони».
Пит-билдиқ, пит-билдиқ, пит-билдиқ,
Севилдик, тутилдик, қул бўлдик.

Тушунмас бизларни бу карахт шаҳар,
На ҳижрон ситами бегона ошиқ.
«Қачон одиллигин ёдлагай башар,
Оҳ, қаён борардик тоғлардан ошиб».
Пит-билдиқ, пит-билдиқ, пит-билдиқ,
Севилдик, тутилдик, қул бўлдик.

Оловдай қудратли митти қуш қалби...
Тун бағрин тилади нолиш садоси.
Неки тирик жон бор севсин ўз қавми,
Мен ҳам унинг каби эркнинг гадоси.
Пит-билдиқ, пит-билдиқ, пит-билдиқ,
Севилдик, тутилдик, қул бўлдик.

●

Хаёл, сен энг йироқ юлдузнинг
Мунгли нигоҳлари каби сокинсан.
Гўё унутгандай ўзимни
Тикиламан сенга олисдан.

Шивирлаб-шивирлаб толмайсан,
Кўзингни олмайсан кўзимдан.
Хаёл, сен безавол бир майса —
Мен сени асрарман ўзимдан.

Фалакнинг қайсидир буржида
Нур сочма қайсидир дақиқа.
Сен мени болангдек қучавер,
Хаёл, сен — ҳақиқат, ҳақиқат.

●

Очларнинг номидан тўқ гапирмасин,
Қизларнинг номидан гул гапирмасин.
Ҳеч кимса хор бўлмас ўз сўзин айтса,
Кўпчилик номидан қул гапирмасин.

Кейинги йилларда адабиётимизга талантли ёшлар кўплаб кириб келмоқдалар. Сиёсий курашлар, иқтисодий тангликлар авж олган, амалий ишдан, ғамхўрликдан кўра сўзбозликлар кучайган шароитда бадиий ижод оламига қадам қўймоқ, ҳақ сўзни айтиш учун интилмоқ осон иш эмас. Ёшлар илк машқларидаёқ ана шундай яхши ниятни кўнгилларига жо қилганлари маълум бўлмоқда. Буни тез-тез ўтказилиб келинаётган ёш ижодкорлар семинарлари, кўрик-конкурслари натижалари ҳам кўрсатмоқда. Ижодкор ёшлар бадиий ижоднинг барча турлари ва жанрларида ўзларини синаб кўрмоқдалар. Айни пайтда долзарб мавзуларга — тарихни ҳаққоний ёритиш, Ватан, юрт тақдири, табиатни асраш, умуман олганда, инсон қисматига куюнчаклик билан муносабат қиладилар. Буни саҳифамизда асарлари биринчи бор эълон қилинаётган ёшлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Буюк аждодларимиз ёшликка куч-қудрат, асов дарё, чақин ҳаёт дея нисбат берганлар. Истардимки, ёш ижодкорларимиз асарларида ҳам ана шу хусусиятлар ўз ифодасини топсин.

Қўқонлик Абдулатиф Турдалиев халқимизга кечикиб танилаётган шоирлардан бири. Истеъдодга ғамхўрлик етишмаганлигидан (ва эҳтимол ўзининг ўта камтарлигидан — афсуски, ҳозирги вақтда камтарлик модадан қолди) Абдулатифнинг нафис қуйлари узоқ вақт ҳеч кимга эшитилмади

Келинг, дўстлар, кечикиб бўлса ҳам, бу куйни тинглаб кўрайлик...

Маҳкам МАҲМУДОВ

Абдулатиф ТУРДАЛИЕВ

●

Суманбар тераклар тебранар елда,
Офтобнинг олтинин талашар барглар.
Тағин бу жойларни соғиниб келдим,
Кундай ёйилганда кузги эртаклар.
Қадрдон Ватаним, қадрдон замин,
Хизматинг қилмадим деярли ҳали.
Кўнглимга чўктириб фонийлик ғамин,
Қалам ҳам йўнмабман мадҳинг битгани.
Бари бир сен билан ғурурим осмон,
Кўзимга нур сочар шу атлас диёр.
Мен ўлиб кетсам-да афсус демасман,
Қоларман бир зарранг бўлиб бахтиёр.
...Бунда-чи, табиат қилур тантана,
Анҳорлар қўймайди шўх оқишини.
Шу қурғур тераклар шитирлар яна,
Асло ўлмасликка чорлаб кишини...

ОНА ТИЛИМГА

Бағринг ичра излаганим маржондир,
Соҳибжамол диёримнинг бўйнига.
Сен қайтадан мени орзу-ла ёндир,
Йўқса менга шеър не учун, куй нега?
Кета бошлар мендан нари ёшлик — ўт,
Кела бошлар дилга сокин кексалик.
Туйғуларим энди — баҳорий булут,
Она тилим-уруғингни ташла, эк.
Кўклаб чиқар ундан нурли келажак,
Мен яшарман унинг сўлим тонггида,
Ташна дилга зилол орзу келажак,
Туғилади ёшлигим ҳам янгидан.
Йўқолмасдан кетмас балки, бу сўзим,
Гарчи сўзга мен қашшоқман, сен — ғани.
Халоскорим, қасоскорим ҳам ўзинг,
Келаяпман бағринг аро синггани.

●

Соғинчдай соф қорлар ёғди самодан,
Ишқи йўқ юракдай музлади замин.
Соғиниб кўчангга бордим дамо-дам,
Синдирмоқ истадим ҳижроннинг дамин.
Чиқсанг-чи, азизим! «Оромим йўқдир,
Муздан-да совуқдир бу ҳижрон» — дейман.
Сочимга оқ хатлар келаётирлар
Қайдандир? Кимдандир?.. билмасман ҳали.
Аразли нигоҳинг қўмсаб, хотирлаб,
Келдим-ку мен яна узр айтгали.
Чиқсанг-чи, азизим! «Кўзларим толди,
Йўлларда қолди кўп пушаймон», дейман...



Сўнгги йилларда шеъриятимизда қайта қуриш шарофати билан публицистик руҳ кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто айрим шеърлар рўзномаларнинг бош мақолаларидан фарқланмайдиган бўлиб қолди. Чўқмор кўтарган, мушт ўқталган шеърлар шеъриятимизда барқарор бўлиб қолди. Бу ўзига хос «касаллик» менга шеъриятимизнинг эмас, аввало бизнинг ичдан шафқатсиз бўлиб бораётганимиз, ботиний хасталигимиз оқибати бўлиб туюлади. Яроқ ёзган, капалак қўнган, бола товуши келиб, жийда гули анқиб турган шеърлар тобора камайиб бормоқда.

Шу сабабдан ҳам, Беҳзоднинг анъанавий шеърларини ички соғинч билан ўқиб чиқдим. Мен бу шеърларнинг ҳаммаси юксак савияда ёзилган деб айтолмайман. Бироқ улардаги яширин имкониятларни сезган ҳолда ёш ижодкор дўстимни далилроқ юришга ундайман.

Беҳзод, энг аввало, танлаган йўли — анъанавий шеърият йўли машаққатли эканини англасин. Зеро, бу йўл ўзидан олдин ўтганлардан мерос улуғвор обидалар ёқалаб ўтади. Умидим, ёш дўстим ҳам бу кўҳна йўлда ўзининг диққатга арзигулик изини қолдирсин. Улуғ бобомиз Мир Алишер Навоий йили деб эълон қилинган йилда адабиётга кириб келаётган дўстимни бобомизнинг руҳи қўлласин.

Хуршид ДАВРОН

Беҳзод НОРБОЕВ

УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ

Фараҳли кундан-да, ўзгача бу тун,
Заминга қўнгандай самовий руҳлар.
Намозшомгулларни этганча мафтун,
Бир пари ухлар.
Ҳарир пардасини тутар каҳкашон:
«Юзингга солмасин соя андуҳлар».
Юлдузлар юртидан тушгандай, ишон,
Бир пари ухлар.
Кўзини лўқ қилиб суқланар фалак,
Борлиқни тутади «оҳ»лар, ҳам «уҳ»лар.
Юзини доғ босган оймома ҳалак,
Кўзини куйдириб
Бир пари ухлар.

СЎНГГИ ТИЛАК

Оҳлар урсам ёрилди тошлар,
Аё жоним бўлди-я ҳалак,
Санамларга бўлиб талошлар...
Соҳибдилдан келмаса дарак.
Ёрил, юрак,
Ёрил-а, юрак.
Кўнглим каби эридингми, қор,
Жулдур камзул кийдингми, фалак?
Яна ёрсиз келдими баҳор...
Соҳибдилдан келмаса дарак,
Ёрил, юрак,
Ёрил-а, юрак.
«Паноҳида асрасин яздон».
Ёлғон экан айтгани малак.
Нечун чиқмай турибсан, эй, жон...
Соҳибдилдан келмаса дарак,
Ёрил, юрак,
Ёрил-а, юрак.
Ёлвораман, қарағимда ёш,
Дунёдаги энг маъюс тилак:
«Дунёсида топмадик дилдош,
Соҳибдилдан келмади дарак.
Ёрил юрак,
Унутиш керак».

МУҲАББАТ

I

Ёмғир шивирлайди
Бойчечак кулган.
Мен энди минг йиллар яшасам керак.
Ун саккиз ёшида гуллаб яшнаган
Муҳаббатнинг ватани — юрак.

II

Ёмғир ёғиб ўтди,
Бойчечак сўлган.
Энди яшамоқдан йўқдир ҳеч маъни.
Бунча безовта дил,
О, кимдир ўлган.
Юрак — муҳаббатнинг кафани.

●

Бу тун ҳам ой каби дил ярим,
Руҳимни тўзғитмоқ истайди шамол.
— Юзингни бир кўрсат, эй, ёрим.
— У эса кўрсатмас.
— Эҳтимол...
«Кўнглингни менга бер», сўрар
ялмоғиз,
О, келгин, яхшиси, жоним ол.
— Ўткинчи очунда қолдинг-ку, ёлғиз
— У энди қайтмайди.
— Эҳтимол...
Яримта кўнглимда яшайди умид,
Кўзлари киртайиб ҳориган, беҳол.
— Шод-хуррам яшагин уни унутиб,
— У ахир келмайди.
— Эҳтимол...
Оқибат кун келар, бўламан адо,
Келмади дил кутган гул жамол.
Қабримдан таралар уч ғамгин садо:
— Келади!
— Келмайди!
— Эҳтимол...

Суюндиқ МАМИРОВ

ДАРД

Сўзларингга ишондим.
Қимгадир «ёрилмасанг» бугун
Эртага ўлардинг аниқ.
Энди мингга кирасан —
Тили йўқ одам.

БОСИҚЛИК

Ҳеч ким, ҳеч маҳал
Ҳатто, сиз мақтаган дарахтдек
Пойидаги жонсиз япроққа
Хотиржам тикилиб туролмас,
Чўнтагида олтин бўлса-да.

ЭҲТИЁТКОР ОДАМГА

Шу кеча ухлай оласанми —
Сенсиз узолмай турса
Сўнги баргин дарахт.
Ташқарида бўрон бўлса-ю
Адашиб кетишдан қўрқсанг.
Шу кеча ухлай оласанми?...

ҲАСАД

Етмаса-да осмонга боши
Мағрур турибди тоғлар,
Қасдма-қасд янтоқ бош
кўтармоқда.
Дўстгинам, кўзларингни оч,
Сенга қандай тасалли берай.

ИСТАК

Алласиз ухлаган гўдаклар,
Тушларига аждарлар кирсин.
Эрталаб онадан бесўроқ,
Боболар қиличин қидириб юрсин.

Тўлқин ҒОЗИ ЮНУС ўғли

АДИБНИНГ ХОЛИС ХИЗМАТИ

1937 йили мен қисқа муддатли муаллимлар тайёрлаш курси — рабфакни битириб, Қашқадарёга йўлланма билан ишга кетдим. Ўша пайтда замон алғов-далғовли, матбуотдан совуқ хабарларни ўқиб, дадамдан жуда хавотир олардим. Ҳатто уйдагилар тушимга ҳам кириб чиқа бошлади. Қашқадарёга борганимга уч ой бўлгач, Тошкентга келдим. Тасодифни қарангки, уйга келсам, бегоналар ҳовлимизда юришибди. Ичкарига аста мўраласам, танишлардан бири «кет!» ишорасини берди. Орқамга қайтиб, бир қариндошимизникига бордим. Эртасига уйга келдим, қўни-қўшнилардан дадам, ойим, сингилларимни олиб кетишганини эшитдим. Ўша кундан бошлаб ташвишли кунлар бошланди. Ким билан маслаҳатлашиш, дардлашишни билмайман. Танишбилишлар мендан юз ўгиришди. Шунда бирдан Абдулла акамни эслаб, уйларига нажот истаб бордим. Абдулла акам уйда эканлар. Сўрашиб ёнларига ўтқаздилар, чой-нон қилдилар... Мен бўлган воқеани айтиб бердим. Абдулла акам анча хаёл суриб, хафаланиб: «Сенга қийин бўлибди. Бечора ойинг, сингилларингда нима айб? Даданг билан менинг кунимиз бетайин замонга тўғри келди-да. Тўкайга ўт кетди. Ҳўл-қуруқ баробар ёнаяпти. Мен ҳам эгарланган отдек тайёр турибман. Сен ўзингга эҳтиёт бўл. Ҳамма билан сўзлашаверма», дедилар. Мени кузатар чоғида: «Эндиги келишингда дарвоза эшигидан келмагин. Манови боғ томондан келгин», деб боғнинг орқа томонидан чиқариб юбордилар.

Орадан уч ойча вақт ўтди. Ҳамон қариндошимизникида юраман. Ишлай десам, қўрқаман. Ёнимдаги бор пулни сарфлаб бўлдим. Чорасизликдан яна Абдулла акамнинг олдиларига бордим. Ҳол-аҳвол сўраб, ўтқазиб қорнимни тўйғаздилар. Абдулла акамга: «Пулим қолмади. Дадамнинг уч қопқоқли тилла соатларини сотмоқчиман», деб қўйнимдан соатни олиб, у кишига тутқаздим. Абдулла акам соатга узоқ тикилиб қолдилар. Мен ўрнимдан турдим. Абдулла акам қўлимга пул бердилар-да: «Тўлқин, эрта ўтиб, индинга келгин», деб кузатдилар.

Айтган вақтларида келсам, Абдулла акам сандалда нотаниш бир киши билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Абдулла акам: «Келдингми?» деб сўрашиб, ўтиришга таклиф этдилар. Фотиҳадан сўнг мени нотаниш кишига таништирдилар. Чўнтакларидан дадамнинг тилла соатларини олиб, қаршимдаги кишига бердилар-да: «Мана шу соат сотилади. Ўзларингиз бемалол келишинглар», деб бизни ҳоли қолдириб ташқарига чиқиб кетдилар. Нотаниш киши оғир табиатли, босиқ сўйлайдиган киши экан. Аввал соатни обдон текширди. Сўнг соатни мақтаб кетди. У соатнинг соф тилласини, оғирлигини ҳисоблаб умумий баҳосини айтди. Мен рози бўлдим. Олди-сотди ишлари битгач, Абдулла акам лаганда овқат олиб кирдилар. Таомдан сўнг олувчи соатнинг баҳосини менга қандай тушунтирган бўлса, Қодирийга ҳам шундай гапирди. Абдулла акам эшитиб бўлгач: «Сизнинг намозхон, инсофлилигингизни инобатга олиб, бу ерга таклиф этгандим. Соат тўғрисида сиз билан аввалдан сўзлашмаганлигимнинг сабабини тушунгандирсиз. Ҳамкасб дўстим оиласи билан ҳибсхонада ётибди. Аҳволи нима кечяпти? Билмадим. Ҳаммамиз ҳам Оллоҳнинг бандасимиз. Бошимизда нима ишлар бор? Билмаймиз. Дўстимнинг ўғли қийналиб қолиб, мажбуран шу олди-бердига қўл урибди. Дўстим бундан хафа бўлмаса керак. Мол-дунё топилади. Инсон топилмайди. Менинг холис хизматимдан иккингиз ҳам рози бўлсангиз бас», деб фотиҳага қўл очдилар. Мен Абдулла акам билан хайрлаша туриб, «Йўқ, керакмас», дейишларига қарамай, аввал олган пулимни қайтариб бериб кетдим.

Нашрга Хондамир ҚОДИРИЙ тайёрлади

Ила ТУГАН

ОНА БЎРИ ВА ШАҲЗОДА

БИЗ киммиз?
Насл-насабимиз қаердан?

Юрагимнинг тенг ярмида бу муқаддас тупроқнинг биринчи одамлари — саклар, массагетлар, оппосиоқлар, бақтрийлар, сўғдийлар ва яна кўплаб қадимий кўчманчилар, деҳқонлар, балиқчилар, овчилар — ул кезларда Ўрта Осиёда кун кечирган халқларнинг қони оқади.

Бу менинг халқимнинг Она томондан бошланиши. Она-Туркистон Ўрта Осиё.

Ватанга беқиёс меҳр-муҳаббат, ўз еримизга абадий боғлиқлик, деҳқончилик ва ҳунармандчиликка мойиллик бизда-онадан.

Биз киммиз?

Насл-насабимиз қаердан?

Юрагимнинг иккинчи ярми жўшиб оқаётган кўчманчи турк, қарлоқ, қипчоқ қонига аранг дош беради.

Бу менинг халқимнинг Ота томондан бошланиши. Биздаги Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, озодлик ва эрк сари мангу интилиш-ундан.

Ота Туркистон. Олтой.

Олтой ва Ўрта Осиё?

Ҳа, улар менинг халқимнинг ибтидоси.

Биз ўзбеклар, қадимги сўғдлар ва туркларнинг авлодимиз, аждодларимиз номлари инсоният тарихида, асрлар оша улуғлансин!

Халқимнинг Ота томонини ўйлаб асрлар қаърига нигоҳ ташлайман.

Эрамизнинг боши.

Хунн қабиласининг сўнгги қолдиқлари Олтой, Марказий Осиёдан ғарбга томон чекинмоқда. Халқларнинг буюк кўчманчилик даври охирламоқда.

Хуннлар ўзларидан олдиндаги қабилаларни қанчалик сиқиб боришса, уларни орқадан сианбийлар-табаслар, телеутлар, хи(татаби)лар шунчалиқ исканжага оларди, буларнинг барчасини эса четдан кўчманчи Вэй салтанати диққат билан кузатиб турарди.

...Тобас уруғи ғарбий хуннларнинг кindик қони тўкилган сўнгги гўшаларни ҳам яксон қилди. Жони узилаётган бу уруғда ёши улуғлардан бирор киши қолмади. Ва мана уларнинг қолган-қутгани қудратли ва шафқатсиз душманга қарши жангга кирди.

Карнай-сурнайлар садоси тобаслар ғалабасидан далолат берди: хуннлар тор-мор этилди, уруғнинг сўнгги эркаги, бир пайтлар улуғвор қабиланинг 9 ёшли шаҳзодаси тобаслар қўлида маҳкум.

Энди ҳеч ким, ҳеч қачон ёвқур хуннларни жангга олиб киролмайди. Ҳозир уларнинг сўнгги томири бу заминдан батамом кесиб ташланади.

Ғолиблар ўзларининг мутлақ ғалабалари натижасидан маст ҳолда «мурувват» кўрсатишади. Шаҳзоданинг оёқ-қўлини танасидан жудо қилиб ўзини балчиққа отишади.

...Хаёлидан не ўтдийкин, менинг ном-нишонсиз аждодбошимнинг, балчиққа ботар экан?

Тўлин ой ўз юксакликларидан унга лоқайдгина нур туширарди. Лекин ажал билан тиллашаётган шаҳзода уни кўрмасди. Унинг кўзларида ёш эди. Бу оғриқ ё қўрқув ёшлари эмас, бу ўз яқинлари, туғишганлари учун олинмаган қасос алами ёшлари эди! Оғзидан чиққани йиғимас, лаънатлаган чинқириқ.

Ниманидир улкан, паҳмоқ сояси унинг олдида пайдо бўлиб юлдузли осмонни тўсиб қолди. Сассиз-садосиз келган, тайёр овқатнинг ҳидини билган бу махлуқ унинг баданини лойдан торта бошлади.

— Тамом! — шаҳзода оғир сўлиш олди. У қонхўр йиртқичнинг тишларига тикилди.

— Тамом! — ҳорғин розилик аломатини билдиради шаҳзода ва ўлимга чоғланади.

Шу пайт...

Йиртқичнинг иссиқ ва ҳўл тили унинг заъфарон, эзилиб кетган юзини ялай бошлади. Тил мажруҳ баданнинг кесилган жойларини ялайди — аянчли фарёд еру-кўкни тутиб кетади. Кўзи қонга тўлган шаҳзода зум ўтмай олдида она бўрининг башарасини кўрди, у эса асталик билан шаҳзоданинг кийимидан ушлаб, ўз елкасига олди ва ботқоқликдан нари кетди.

Осмондан бу ҳолатни кўриб ўз ҳайвоний тасаввурига сиғдиролмай мағрур бургут лол. Она бўри инсон боласини кўп ва хўп ортмоқлаб юрди. Ниҳоят, олис тоғ ён бағридаги ғорга у хунн шаҳзодасини олиб келди.

У роса тўққиз йил, тўққиз ой ва тўққиз кун аста ўзига келаётган шаҳзоданинг тепасида ўтириб чиқди, унга табиатда не раво кўрилган бўлса, шу билан шифо бўлди.

Шаҳзоданинг яралари битиб, кесилган оёқ-қўлининг қолдиқларига суяниб юра бошлаган ҳамоноқ, у яна интиқом шашти билан ёна бошлади.

Лекин, бир гал, гўзал Баҳор ўз ҳусни-латофатини табиат узра кўз-кўз қилиб ёйган кезларда у ўзининг содиқ йўлдоши — мурувватли бўрига бошқача (севувчи) кўз билан қараб лол қолди.

Бу турк аждоди дунёга келган буюк, муқаддас Лаҳза эди.

...Ёв эса беор эди. Чўл-биёбонлар оша бўрининг мурувватн ила шаҳзоданинг омон қолгани шамол тезлигида тарқади. Тўрт томонга тобасларнинг жанговар лашкарлари қўйилди. Шаҳзоданинг изига тушишди.

Ёв ғорни ўраб олди. Шаҳзода анча кунгача тобасларнинг тошбўронига дош берди, ёнидан эса содиқ (лекин оғирлашиб қолган) бўри кетмади, гарчи унинг ҳамлалари душманга қаттиқ зарба бўлиб етмаса-да, уларнинг ғазабини қўзғарди.

Ниҳоят, ёв ғорга бостириб кирди, лекин у ерда хунн уруғининг сўнгги вакили — шаҳзоданинг жасадини топишди, холос.

Ингичка қонли из ғорнинг энг зимистон қаърига қараб кириб кетганди, лекин ҳеч бир тобасликнинг ичкарига киргани юраги дов бермади.

Улар томонидан узоқ ғорнинг барча туйнукларига соқчилар қўйилди. Кунларнинг бирида тоғу тошлар узра Олтой ёнбағирлари бўйлаб даҳшатли ёввойи ҳайқириқ янгради. Лаҳза ўтгач, бу ҳайқириққа номаълум жонзотларнинг ўткир чинқириғи қўшилиб, баланд тоғу дараларга урилиб кучли акс-садо берди.

Тобаслар қўрқиб тум-тарақай қочишди, лекин узоқ пайтгача улар қулоғи остидан бу қичқириқ кетмади.

Орадан ўн йил ўтди. Ғорнинг кираверишида она бўри жон берарди. Унинг доно кўзлари аста сўнар, илгари кумушдек товланган қари жунлари энди тўзиб, рангини йўқотганди.

Унинг сўнгги ярим бўрича-ярим одамча қўшиғини, сўнгги хунн шаҳзодаси билан ҳаёт ато этган жигарлари — фарзандлари эшитишди.

Турк, Ашино[1] авлодининг дастлабки ўн ўғлони ўз оналарининг алласини эмас, унинг видо қўшиғини эшитишди...

Бир неча ўн йиллар ўтиб, туркларнинг 500 оиласи Олтой тоғларидан Буюк чўл кенгликларига тушишди. Уларни тили жуда ҳам ўхшашиб кетадиган бир қатор қабилалар қарши олдилар. Шу йўсин ягона эл, бир халқ, бир юрт пайдо бўлди.

ЛЕКИН, ўшанда уни улуғ ва фожиали қисматлар кутаётганини ким билсин эди! Аммо улар қисмати қанчалик оғир бўлмасин, қанчалик улкан ғалабаларни ҳам, аламли мағлубиятларни ҳам бошидан кечирмасин, улар она бўри уларга меҳрибонлик билан қараб, бало-қазолардан асрагувчи ўзларининг зангор байроқларини мағрур ҳилпиратиб ўтишади, улар шу тахлит ўзларининг буюк саҳройи маданиятларини яратишадики, у Хитой, Эрон, Византия каби маданиятлар билан бемалол рақобат қила олади.

Бир неча асрларга туркийлар Олд, Ўрта, Марказий Осиё, Хитой, Узоқ Шарқ, Оврупо учун жасурлик ва фидойиликнинг тимсоли бўлиб қолишади.

Улар инсоният тарихида бу эътирофга тўла ҳақлидирлар.

Туркийлар. Аждодларимиз. Қонимиз.

1. Ашино — А+шино: «шино» — бўри (мўғул тилида, Хитой қўлёзмаларида ҳам шу сўз ишлатилган), «а» — префикс, Хитой тилида «мурувватли» деган тушунчани билдиради.

ФУРҚАТ, ШАҲЗОДА ФАНСУРУЛЛО ВА ГЕНЕРАЛ ЖЎРАБЕК

Шариф ЮСУПОВ, филология фанлари доктори

ХАР ЮМУШНИНГ ЎЗ МАВРИДИ БЎЛАРКАН. Жумладан, классик шоирларимизнинг табаррук қаламидан битилган асарларни тўлалигича эълон қилишнинг ҳам. Етмиш йилдан зиёд муддат ичида фикри жиловланган тадқиқотчиларимиз, ноширларимиз замон тақозоси билан ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган бўлиб қолган эдилар. Шу боисдан ўтмишдаги бой маданий меросимиз нодир намуналарининг қаноти-қуйруғини қирқиб, «энди бинойи қуш бўлдинг», деб бехабар ўқувчиларга ҳавола қилишар, ўқувчилар эса бори шу экан-да, деб ишонишар эди.

Муҳаммад Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг ўнларча асарлари давр тақозоси, мафкурамиздаги ҳақиқат йўлидан тойинишлар туфайли шу алфозга туширилган эди.

Дарвоқе, оташқалб шоирнинг эҳтиросли асарларидан бири — «Сабоға хитоб»нинг яратилганига роса бир аср бўлди. 1891 йилнинг 14 майида Тошкентдан йўл олиб, Самарқанд, Бухоро, Ашхобод, Боку, орқали Истанбулга бориб қолган Фурқатга оз фурсат ичида тошкентлик дўстлари, бу шаҳарда ўтказган, ажойиб воқеаларга бой ҳаёти роса хумор қилган эди. У Истанбулнинг Миллат боғида сайр этаркан, у ердаги «мардумнинг ғунчадек хуррам кўриб», ҳаётининг энг бахтли онларини, дўстларининг қувонч, қаҳқаҳа тўла суҳбатларини беихтиёр эслайди. Шундан сўнг «саргаштаи саҳрои ғариб» шоир «боди сабоға хитоб бирла Тошканддаги аҳбобларига салом» йўллайди. Бу шеърий мактубни таҳлил этган забардаст олим ва шоир Мақсуд Шайхзода унда Фурқатнинг 28 дўсти ҳақида ғоят қизиқарли фикрлар мавжудлигини ёзган эди. Бироқ асарнинг совет даврида нашр этилган қайси нусхасини қараманг, шоир дўстларининг сони 27 нафарлигича қолади. Демак, синчков тадқиқотчи Шайхзода «Сабоға хитоб»нинг инқилобдан олдинги нашрини таҳлил этган бўлиб чиқади. Зотан, у «Туркистон вилоятининг газети»да 1892 йил 16 апрелда тўлалигича эълон қилинган эди. Бизнинг давримизда чоп этилган Фурқат «Танланган асарлар»ида эса бошқа ўнларча байтлар қаторида Фансуруллобекка бағишланган ўн бир байт ҳам қисқартириб ташланган экан. Бунга Фансуруллобек сўнгги Қўқон ҳукмдори Худоёрхоннинг кенжа ўғли эканлиги сабаб бўлган деб бемалол айтиш мумкин. Чунки «Танланган асарлар» нашр этилган даврдаги сиёсий вазиятда шу жиҳатнинг ўзи Фансуруллобек ҳақидаги қисмни ҳеч сўзсиз қисқартириб ташлаш учун етарли бўлиб, унинг шахсини, отадан 6—7 ёшларида ажралиб қолганидан сўнг яна 46 йил ичида нималар билан шуғулланганини, қайси фазилатлари билан Фурқатдек забардаст шоирнинг қалбини забт этганлигини ўрганишга имкон бермас эди.

Фурқат Юсуф бойвачча исмли дўсти ҳақидаги юрак сўзларини тугаллагач, унинг ҳовлисидан чиқиб келаётган сабога хитобан ёзади:

Чиқиб андин даги бир кўчаи тор,
Бегим ҳавлиси анда, жаҳд ила бор.
Бегим, жоним, афандим Фансуруллоҳ,
Зиҳи шаҳзодан зул иззаул жоҳ.
На ман танҳо, улус шаҳзодасидур,
Ҳама шаҳзодалар озодасидур.
Кириб кўргонда ер ўпқил, дуо қил,
Кўзунгга ҳоки посин тўтиё қил.
Дегил: Эй нахл боғи шаҳрёри,
Гули парвардан давлат баҳори,
Ки бир авворан саҳрои ғурбат,
Эрур ном анга Зокиржон Фурқат,
Эмиш ул хастадил кечмиш замона,
Намакпарвардин бул остона.
Чекиб обиҳўраш Рум сори они[нг],
Иқоматда эрур афкори они[нг].
Басе, шаҳзодаларга ҳамнишиндур,
Алар шаҳзодан ҳам нозанинидур.
Аларни суҳбатида, эй неку зод,
Сизи айлар муҳаббат бирла кўб ёд.
Забонингни дуога қойил айла,
Туруб анда ижозат ҳосил айла.

Фансуруллобекнинг невара куёви, таниқли манбашунос олим Фузаил Исломов (1907—1989-йиллар) қайинбобосига тегишли Фузулий девонининг охирги бўш саҳифаларига 1964 йил 28 апрелда қилган қайдида аниқ гувоҳларнинг фикрига асосланиб, «Фансуруллобек, Фурқат, Муҳйилар билан яқин муносабатда бўлиб, уларга қўлидан келганча ёрдам қилиб турган. Фурқат ўзининг Истанбулдан ёзган маснавий мактубида бошқа ёр-дўстлари қаторида Фансуруллобек ҳақида ҳам бир неча байт ёзган», деган эди.

«Сабоға хитоб»да айтилган «кўчаи тордаги бегим ҳавлиси» эса Шайх Ҳованд Таҳур даҳасининг Занжирлик маҳалласида Олимхўжа деган кишидан ижарага олинган ҳовли бўлиб, Фансуруллобек у ерда узоқ муддат яшаганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

Энди Фурқат дўстининг ҳаёти ва фаолиятига назар ташлайлик.

Қўқон хонлигидаги ўзаро урушлар, тож-тахт талашлари 1875 йилга келиб, айниқса, авжга чиқди. Худоёрхоннинг энг ишонган вазирлари Исо авлиё ва Абдураҳмон офтобачи хоннинг душманлари тарафига ўтиб, ҳатто унинг тўнғич ўғли Насриддинбекни ҳам ўзларига оғдириб олиб, ўша йил июль ойининг охирида Худоёрхонни Қўқондан Хўжандга, уч-тўрт кун кейин эса Тошкентга, Туркистон генерал губернатори Константин Петрович фон Кауфман ҳузурига нажот тилаб қочишга мажбур қилдилар. Худоёрхон Тошкентга севикли хотини Оғача ойим, ўғиллари Ўрмонбек ва Фансуруллобекни бирга олиб келган эди.

Худоёрхон валиаҳд қилиб қолдирмоқчи бўлган Ўрмонбек Оғача ойимдан эмас, хоннинг бошқа хотинидан — «Дарвоз подшозодаси» лақабли хотинидан туғилган бўлиб, қирқ икки ёки қирқ уч кунлик вақтида онаси вафот этади. Дарвоз подшозодасидан бир неча кун кейин қиз кўрган ва қизи нобуд бўлган Оғача ойим ўзини катта таҳликага қўйиб бўлса ҳам (чунки Ўрмонбек бирор оғир дардга чалинса ёки нобуд бўлса, хоннинг ғазаби қандай тугашини ҳеч ким билмасди) Ўрмонбекни эмизиб, тарбиялайди, унга ўз фарзандидан ҳам ортиқ меҳр қўяди ва шу олижаноб иши учун бўлса керак, орадан уч-тўрт йил ўтиб Фансуруллобек дунёга келади. Ҳар иккала фарзанд тарбияси билан Оғача ойим қаттиқ банд бўлиб юрган вақтларда Худоёрхон Қўқондан Тошкентга қочишига тўғри келади.

Қўқон хонлигидаги алғов-далғовлардан манфаатдор бўлган, хонлик территориясини Россияга қўшиб юбориш ҳирси билан яшаётган Туркистон генерал губернатори Худоёрхонни 1875 йил август ойининг 8-куни Тошкентда ўта ҳийлакорлик билан кутиб олади, хон яшаб турган Бешёғоч даҳа Дарҳон маҳалладаги ҳовлига бутун шоп-шалопи ва катта амалдорлари билан «меҳмон» бўлиб келади, эртаси кунига хонни ўз уйига «меҳмон»га айтади.

Бирор ҳафта чамаси Тошкентда яшаган хонни гўё Петербургга «оқ подшо» ҳузурига юбораётгандек бўлиб, сафарга жўнатади. Айни вақтда Оренбург губернаторига уни узоқ муддат уй қамоғида сақлаб қолиш ҳақида фармойиш берилади ва Худоёрхон шу тариқа тузоққа илиниб, уй қамоғида икки йил қолиб кетади. Буни қарангки, Худоёрхон ҳали Оренбург йўлида эканидаёқ «Туркистон вилоятининг газети»: «29 август ойида чоштгоҳ вақтида бизнинг давлати Русия аскари Хўқанд шаҳрини фатх айладилар», дея янги катта хиёнатдан дарак беради.

Отасидан тож-тахтни тортиб олиб, хонлик гаштини сурмоқчи бўлган Насриддинбек рус аскарларига қўмондонлик қилиб Қўқонга келган Фон Кауфман оёқлари остига ўзини ташлаб: «бизларни гуноҳларимизни марфуъ айлаб, раҳм қилиб саломат қолдирсангиз экан», дея юз тубан кетади. Орадан бир ярим ой чамаси вақт ўтгач, отаси кетидан Владимирга сургун қилинади. Оренбург полицияси назорати остида яшаган Худоёрхон тузоқдан қутулиш йўлларини излай-излай 1877 йил охирида ўз мақсадига эришади. У ҳақда орадан анча вақт ўтгач «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1878 йил 21 июнь сонида қуйидаги хабарни ўқиймиз:

«Айтадурларким, Ўрунбурҳдин кетган Хўқандни илгариги хони Худоёрхон ўзини танитмасдин қазоқия либосини кийиб, Туркмония саҳросидин ва Бухор вилоятларидин ўтуб, Афғонистонга тобе Тахтапулға борибдур. Чун Тахтапулға борғандин сўнг Шералихоннинг (Афғонистоннинг ўша вақтдаги бош ҳукмдори. — Ш. Ю.) Кобулдан юборгон фармойиши бўйинча Худоёрхонинг қўлидаги барча пулларини олиб, ўзини Эрон мамлакатиға ўтказиб юборибдурлар». Орадан тўққиз ой чамаси вақт ўтгач, ўша газетада Худоёрхоннинг чет элдаги қисмати ҳақида яна бир материал эълон қилинади: «Илгари вақтларда Хўқандга хон бўлуб турғувчи ва охир вақтда Ўрунбурх шаҳриға бориб истиқомат қилган Худоёрхон ўтган йили Ўрунбурҳдин қочиб кетган эди. То алҳол қайға борғонидин маълум хабар етушган йўқ эрди. Аммо ушбу яқинда Макка мазмаъидин қайтиб келган бир ҳожи Худоёрхон тўғрисида айтган хабаридин зоҳир бўладурки, ушбу йил Худоёрхон Макка мазмаъиға бориб ҳаж қилғон экан. Худоёрхон хонлиғ вақтида бир кишини шаҳардин бадарға айлаб, тасарруфидаги амволларини хазинаға олиб, ўзини қайдаб юборғандин сўнг ул бечора ночор ҳажга бориб, бир неча йилдин буён ўшал тарафларда турғон экан. Чун Худоёрхон ҳаж учун Макка мазмаъиға борғанда ул киши Худоёрхонни кўруб: Эй, ноинсоф, манга мунча жабр-зулм қилиб, ахийри ўзунгнинг ҳам аҳволинг шул бўлдиму! — деб тош бирла оғзиға уруб, Худоёрхонни тишини синдирибдур.

Баъдаз он хон ўшал ерни улуғларига арз қилиб, урган киши билан тафтишга тушган экан. Аммо ишлари нечук бўлуб битушгани маълум эмасдур. Ба ҳар тақдир ҳуд шу кунларда Худоёрхоннинг ўзи Шом шаҳрида турғон эмиш» [Ўша газета, 1879 йил, 25 апрель 9-сон].

ХУДОЁРХОН ҲАЁТИНИНГ ШУНДАН КЕЙИНГИ ҲАФТА ва ойлари ҳақида икки йирик мутахассиснинг, яъни филология фанлари доктори Собиржон Иброҳимов ҳамда Фузаил Исломовнинг қайдлари мавжуд.

Масалан, Собиржон Иброҳимов «Меҳнат ва турмуш» ойномасининг 1971 йил 5-сонида Қўқондан бадарға қилинган киши билан хоннинг учрашуви Бағдод шаҳри бозорида рўй берганини айтгач, **«Худоёрни Бағдоддан олиб кетаётганларида йўлда унинг тоби қочиб қолади. Карвонлар Афғонистоннинг Мазори Шариф деган шаҳрида тўхтайдилар. Худоёрнинг касали тобора зўрайиб, шу ерда вафот этади. Уни шу ердаги Каррух қабристонига дафн этадилар»,** деб ёзганди.

Фузаил Исломовнинг юқорида зикр этилган Фузулий девонига қайдида бошқа қайинбобоси Тожиддинхон эшон ҳаждан қайтар чоғи Худоёрхон билан Ҳижозда ёки Ирокда ҳамсафар бўлгани, Бағдоддаги кўнгилсиз воқеадан сўнг хон тезда қаттиқ касал бўлиб қолгани ва ниҳоят, Каррух манзилига етгач вафот этганлиги ва ўша ерга дафн этилганлиги ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз.

Шу муносабат билан Худоёрхоннинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақидаги масалага ҳам қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Зотан бизга маълум тарихий манбаларнинг бирортасида ҳам бу сана умуман кўрсатилган эмас. Ҳатто охирги мўътабар манбалардан бўлмиш Ўзбек Совет Қомусида ҳам Худоёрхон ҳақида мақола бериларкан, унинг «туғилган ва ўлган йиллари номаълум» дейилган.

Бошқа маданиятли халқларда асло бундай эмас. Уларнинг етти-саккиз аср аввал ўтган подшоларининг ҳам туғилган, вафот этган саналари аниқ. Вақоланки, Худоёрхон ўтган аснинг сўнгги чорагида, тарихчилар учун кечагина оламдан ўтган. Инқилобдан олдинги ишончли манбаларга синчков нигоҳ ташланса, бу масалани асосан ҳал этишга кўмаклашадиган фактларга дуч келамиз. Чунончи, 1895 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган «Энциклопедический словарь»да Қўқон хонлиги ҳақида берилган материалда Худоёрхон 1845 йилда, 16 ёшида биринчи марта тахтга чиққанлиги айтилади (қаралсин: том XVa, 623-бет). Иккинчи томондан, «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1879 йил 25 апрель сонида фикр юритилган Худоёрхоннинг ҳажи, синхрон жадвалга кўра, 1878 йил ноябрь ойининг охирига тўғри келган. Ҳаж маросими одатда бир ой чамаси давом этишини, Ҳижоз ўлкасидан Афғонистоннинг Мазори Шарифига қадар карвон билан яна икки-уч ойда етиб келишини ҳисобга олсак, Худоёрхон 1879 йилнинг биринчи чорагида бу шаҳарда бўлган. Шу тариқа энциклопедик луғат маълумотига қараганда, Худоёрхон 16 ёшида, 1845 йилда тахтга чиққан бўлса, у 1829 йилда туғилган ва 1879 йилда вафот этган, деган тўхтамга келиш мумкин.

Худоёрхон вафоти ҳақидаги хабар унинг юртига етишгач, хоннинг аянчли қисмати ҳақида муаллифи номаълум бир мухаммас, шунингдек, Мулла Сиддиқ Котиб ҳамда Фурқатнинг мухаммаслари ёзилиб, ўтган аснинг 90-йиллари биринчи ярмида «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлимининг ахборот»да русча сўзма-сўз таржимаси билан нашр этилганлиги маълум. Бу ҳар уч мухаммасни машҳур ўзбек маърифатпарвари Сатторхон Абдулғаффоров ёрдамида русчага ҳам таржима қилиб, чоп эттирган Н. Остроумов бу асарлар халқ орасида кенг тарқалганини, кўпроқ Рамазон ойида, кўп кишилик йиғинларда, шунингдек, ўзига тўқроқ одамлар уйидаги шахсий зиёфатларда чолғу асбоби жўрлигида ижро этилганини ёзади (қаралсин: «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлимининг ахборот». Том VII, 1892, 51-бет).

Худоёрхон ҳақидаги Котиб мухаммаси ҳам, Фурқат мухаммаси ҳам Фурқат орқали қўлга киритилганини Н. Остроумов алоҳида қайд этади.

Фурқатнинг «Мухаммас Муҳамад Худоёрхон тилидан» деб аталувчи асари шу туркумдаги мухаммаслар орасида алоҳида ўрин тутади. Гап шундаки, масалан, Котиб Худоёрхон Қўқон хонлиги тахтида ўтирган даврдаги номатлуб, ғайри шаръий ишлар учун бутун айбни вазирлар Исо Авлиё ҳамда Абдураҳмон офтобачи зиммасига юклаб, хоннинг ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринса, Фурқат айланма йўл билан бориб, хонни эл-юрт ғамини ўйламаган, фақат шахсий маишат ва дабдабани кўзлаган ҳукмдор сифатида ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришга муваффақ бўлади.

Фурқатнинг бу асари 1890 йил 3 июнь куни, яъни Тошкент эрлар гимназиясида акт мажлиси ўтказилган куни гимназия директорига топширилган бўлиб, Н. Остроумов уни «Ахборот»нинг 1893 йилги саккизинчи сонида биринчи марта эълон қилдирган. Инқилобдан илгари яна бир марта, 1914 йилда Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт» тўпламида тошбосма йўли билан, инқилобдан кейин бир марта, 1971 йилда «Меҳнат ва турмуш» журналининг 5-сонида Собиржон Иброҳимов томонидан чоп эттирилган. Лекин кейинги икки нашрни тайёрловчилар Фурқат мухаммасининг «Ахборот»даги ишончли нусхасидан эмас, балки бошқа нусхадан фойдаланганликлари маълум бўлади. Негаки, Фурқат томонидан асарга ёзилган муҳим аҳамиятга эга бўлган сўзбоши ҳар иккала нашрда ҳам йўқ. Масаланинг шу томонини ва мухаммас совет даврида атиги бир марта, шунда ҳам кам нусхали ойномада чоп этилганини ҳисобга олиб, уни илк нашрдаги мукаммал ҳолида муштарийлар ҳукмига ҳавола қилмоқчимиз:

МУХАММАС МУҲАММАД ХУДОЁРХОН ТИЛИДАН

Фарғона қаламравининг фармонравоси Сайид Муҳаммад Худоёрхон марҳумеким, нечанд йил секкаи давлат анинг шоҳлиқ номинда эрди ва гўси салтанати жаҳонпанолиқ бомида баногоҳ ҳазрати аҳком ал аҳкомайн фармони бирла давлат ҳумоси анинг бошидин соя кўтариб, рахти завиясидин чиқиб, меҳнат бодиясиға тушган хусусида ғурбат вайронасида ўзини ғариб кўруб, чархи кажрафторни(нг) бедодидин шикоят қилиб, асоси давлат ва ҳадоми ҳашаматларини ёд айлаб, бир мунча ҳасратангез ва надоматомезлиқ бирла деган сўзларини истимоъ қилғон кишилар таҳririдин мусаввада айлаб, ул марҳумнинг ўз тилидин камиҳа Зокиржон Фурқат мухаммас шаклида адо қилдим. Чунким дақиқбинлар кўзиға сухан раъноси назм либоси бирла зебо кўринур бўлғай.

Демиш хон бир куниким, давру давронлар қаён қолди!
Сарири салтанатда ҳукм-фармонлар қаён қолди!
Мунаққаш хоналар, заррин намоёнлар қаён қолди!
Равоқу пештоқу қасри кайвонлар қаён қолди!
Муқарнас, шаҳнишин заркор айвонлар қаён қолди!
Бор эрди хизматимда кеча-кундуз яхши ҳамдамлар,
Белиға боғлаган тилло камар гулчеҳра маҳрамлар,
Мисоли Бу Али Сино, Фалотунтабъ одамлар,
Фатонат бобида олғон ҳама хатти мусалламлар,
Ўшандоғ аҳли донишлар, сухандонлар қаён қолди!
Эди олтун жилав, хизматда ҳозир доимо қуллар,
Турарди ҳар тараф саф-саф сиёсатлиқ ясовуллар,
Чиқиб сарбоз машқидин фалак узра ғало-ғуллар,
Юрардилар тақиб олдимда шотирлар жаложуллар,
Насим отлиғ ҳабаш —аркимда дарбонлар қаён қолди!
Ўшал «Афғон боғ»им эрди Эрам боғини тақлиди,
Тузар эрдим бориб ул ерда доим базми Жамшиди,
Менга ийд эрди ҳар кун элни бўлса йилда бир ийди,
Бориб кўрмоқ ўшал ерларни йўқтур эмди уммиди,
Анингдек жаннатосо боғ-бўстонлар қаён қолди!
Муяссар эрди комимға ҳамиша яхши дилбарлар,
Башарнаслу малаксурат париваш, ҳурпайкарлар,
Бинафша зулфи, райҳон хатти гулчеҳра суманбарлар,
Сиҳи қад, ғунча оғизлиқ баҳори нозпарварлар,
Назокат боғида сарви хиромонлар қаён қолди!
Югуруб ҳар тараф саркорлар юз минг шитоб айлаб,
Берурдилар хазинамға хирожини ҳисоб айлаб,
Келурдилар чиқиб ҳар йилда саҳродин таноб айлаб,
Хиёнат айламай, бир ҳарф ёзса изтироб айлаб,
Неча заррин қалам мирзои девонлар қаён қолди!
Фалак чекти бу манзилға ғаму андуҳ ила рахтим,
Бошимдин кетти давлат, юз ўгурди толеъу бахтим,
Ҳаводис айлади барбод охир тож ила тахтим,
Кўрубон қилсалар ғамхорлиғ бу ҳолати сахтим,
Манинг-чун жон нисор этган қадрдонлар қаён қолди!
Кечарди офиятлиқ вартасида моҳ ила солим,
Суруру шод эдим, побастаи ғам эрди помолим,
Улуб фархумда кундин-кун саодат бирла аҳволим,
Ҳамиша айлар эрдилар дуойи умру иқболим,
Валоят ҳосил этган яхши эшонлар қаён қолди!
Саёҳат айлар эрдим ҳар йили атрофни чандон,
Ки аввал Марғинону Андижону сўнгра Шаҳрихон,
Насими «Шаҳработ»имдин топар эрди фароғат жон,
Чиқиб андин, шикор айлаб борурдим Чуст ила Косон,
Эсиз, ул Тўрақўрғону Намангонлар қаён қолди!
Фароз эрдим, ғаribликка тушуб охир нишиб ўлдум,
Фароғатдин баҳиду дарду меҳнатга қарийб ўлдум,
Зану фарзанду молу мулку зардин бенасиб ўлдум,
Қолиб меҳнатда танҳо, ҳам мусофир, ҳам ғариб ўлдум,
У Насриддинбек ўғлум бирла Ўрмонлар қаён қолди!
Ўшал саркардаларким, эрдилар ҳар ишда сирдошим,
Қани, мундоғ ямон кунларга туштум, бўлса йўлдошим,
Ҳаводис тошидин юз пора бўлди тутсалар бошим,
Дилу жоним, қариндошим, жигарбандим, эмукдошим,
Атодин ёдгорим Бек Султонлар қаён қолди!
Бошингга тушса иш, биз бош берай деб лоф урганлар,
Ўзум бирла ҳама давлатни ҳам роҳатни кўрганлар,
Шукуҳу шавкатимни балки мендин яхши сурганлар,
Бузуб аҳдин, ямонлиғ кунда мандин юз ўгурганлар,
Букун ул кўрнамаклар, аҳди ялғонлар қаён қолди!
Киши Жамшид янглиғ етти иқлимға амир ўлса,
Фаридун фар, Сикандар ҳашмату Хисрав сарир ўлса,
На чора бир кишини илкида қулдек асир ўлса,
Қани қўл олган эшонлар, бу кунда дастгир ўлса,
Ўқушган «Ҳирз дафъи»ни дуохонлар қаён қолди!
Қабул айлаб худо бу тавба бирла оҳ-зоримни,
Яна Фарғонаға бир йўл етургайму гузоримни,
Қувонса нотавон кўнглум кўруб ёру диёримни,
Дуогўлар ичинда яхши билган эътиборимни,
Дариғо, Фурқатийдек дийда гирёнлар қаён қолди!

Шеър муаллифи хўқандлик Зокиржон Фурқат Мулло Холмуҳаммад ўғли.

[Баъзи сўзлар изоҳи: қаламрав — мамлакат; секка — пул устига уриладиган муҳр; бом — том; аҳком ал аҳкомайн — ҳукмдорлар ҳукмдори, яъни худо; ҳумо — давлат қуши; рахт — йўл; меҳнат — машаққат, уқубат; бодия — дашт; ҳадом — ходим; истимоъ қилган — ўзи эшитган; тақрир — гап; мусаввада — қоралама; дақиқбин — чуқур идроклиқ; сарир — тахт; кайвон — осмонга бўй чўзган; муқарнас — гўзал қуббали нақш; фатонат — ҳушфаҳм, зийрак; жаложил — қўнғироқ; дарбон — эшик соқчиси; сиҳи қад — хушқад; саҳро — дала, экинзор; ҳаводис — ҳодисалар, ўзгаришлар].

ЭНДИ ФАНСУРУЛЛОБЕККА ҚАЙТАЙЛИК. 1875 сентябрь ойи бошида генерал-губернатор фон Кауфман томонидан алдов билан Россия ичкарисига жўнатилган Худоёрхон севикли хотини Оғача ойимни, Оғача ойим тарбиясидаги ўғиллари Ўрмонбек ва Фансуруллобекни ҳам ўзи билан бирга олиб кетишга қарор қилган эди.

Бунинг сабабини, Оғача ойим ҳақида Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида айтган фикрлар билан ҳам изоҳлаш мумкин. «Худоёр ўзининг иккинчи давлатида бунга (Оғача ойимга — Ш. Ю.) ўйланган эди, — дея ёзганди роман муаллифи. — Худоёр тахтни ташлаб Бухорога кетишга мажбур бўлгандан кейин, кўп хотинлари унга вафосизлик билан эр қилиб кетганлари ҳолда, Оғача ойим эрининг хорлик ва муҳтожлик кунларига шерик бўлиб юрган ва шу вафодорлиги жиҳатидан хоннинг эътимодини қозонган эди».

ТАРИХ ва ТАҚДИР

Роман давомида А. Қодирий Оғача ойимни ўта гўзал, баъзан давлат ишларига ҳам аралашиб, хонни ўз фикрларига ўннатта оладиган тадбиркор аёл сифатида ҳам тасвирлайди. Ҳарқалай «Меҳробдан чаён»га Оғача ойимга махсус боб ажратилганлиги бежиз эмасди.

Ўрмонбек, бир томондан, етим бўлгани учун, иккинчи томондан, валиаҳдликка мўлжалланганлиги учун хон уни алоҳида эҳтиёт қилар эди. Фансуруллобек эса Оғача ойимнинг ҳаёт қолган ягона фарзанди, хоннинг ёш жиҳатидан энг кичик ўғли бўлганлиги учун (у ўша вақтда етти-саккиз ёшларда эди) хон шу қарорга келган эди. Дастлаб «Россия императори ҳузурига кетаяпман, у хонлик тахтини қайтариб олишимга ёрдам беради», деб ўйлаган хон сафарга чиққанидан сўнг бироз вақт ўтгач, генерал-губернатор ва императорнинг саммийлигига шубҳа қилиб, кўнгли яқинлашиб келаётган фалокатни сезади шекилли, Туркистонга бориб Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилганидан сўнг Оғача ойим ва икки ўғлини ўша ердаги яқин одамларидан бирининг уйига ташлаб кетади. Хоннинг шубҳалари ўринли бўлиб чиқади: Оренбург шаҳрига етгач, ўша ернинг губернатори одамлари уни қалбаки навозиш билан кутиб оладилар, губернатор хонни зиёфат қилади, улар бир-бирлари билан совға алмашинадилар, Тошкентда чиқиб турган газеталар бу ҳақда хабарлар эълон қиладилар. Бироқ шундан сўнг икки ярим-уч йил чамаси хондан ҳеч қандай дарак бўлмайди. Кейинчалик маълум бўлишича, Оренбург губернатори император фармойишига асосланиб, Худоёрхонни уй қамоғида сақлашни буюрган экан. Эри тақдиридан бехабар Оғача ойим икки ўғли билан Туркистонда уни китоб яшайверади, ниҳоят 1879 йилда хоннинг вафоти ҳақидаги хабар етиб келганидан кейин ўша йилиёқ Тошкентга қайтиб келади. Хоннинг бошқа хотинларидан бўлган ўғиллар — Муҳаммад Аминбек, Муҳаммад Умарбек ва Ибн Ямингбек бу вақтда Тошкентда истиқомат қилар эдилар. Уларнинг ёрдами билан Занжирлик маҳалласидаги Олимхўжа деган кишининг ҳовлисида яшай бошлайдилар. 1883 йилда Ўрмонбек 18 ёшда шу ҳовлида вафот этади. Шундан сўнг Оғача ойим ягона фарзанди Фансуруллобек билан ўша ҳовлида яшаб туради. Фансуруллобек Туркистонда ва Тошкентда эски мактабда таълим олгач, Шайх Ҳованд Таҳурдаги Эшонқули додхоҳ мадрасасида таҳсилни давом эттиради. Мадрасада ўқитиладиган дарслар орасида, айниқса, аруз илми уни мафтун этади ва Худоёрхон фарзандлари орасидан ягона шоир етишиб чиқади. Фансуруллобек яратган ғазал ва мухаммаслар XIX аср охири ва XX аср бошларида тартиб берилган қўлёзма ва тошбосма баёзларда тез-тез учраб туради. Фансуруллобек Хисрав тахаллуси билан ижод қилган.

Юқорида эслатиб ўтилган Фузулий девонининг охирги бўш саҳифаларига қилинган қайдида Фузаил Исломов бундай ёзади: **«Фансуруллобекнинг Хисравдек исмли ёлғиз ўғли бўлган ва Тошкентда вафот қилган. Шу ўғли номини у ўзига тахаллус қилиб олган экан. Хисравнинг ғазал ва мухаммасларини Шарқшунослик институти фондидаги босма манбаларда кўрдим».**

Фузаил Исломов шахсий кутубхонасида сақланаётган Фузулий девонининг сўнгида Фансуруллобек томонидан Алишер Навоий ғазалига боғланган эҳтиросли тахмис матни берилади. Шу муносабат билан Фузаил Исломов яна бундай ёзади: **«Бу китоб асли Худоёрхоннинг ўғли Фансуруллобекнинг қўлида бўлган. Ушбу варақдан тўрт варақ юқорида хати муллоҳи билан ёзилган мухаммас Фансуруллобекнинг Навоий ғазалига боғлаган мухаммасидир. Бу варақдан юқоридаги Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг рубоийсини ва Жомий ғазалига боғланган мухаммасни шоир Муҳйи ўз қўли билан ёзган. Бунга қараганда, бу китобни Муҳйи ҳам кўрган ва ўқиган. Бу китоб қандайдир йўл билан Шарқий Туркистоннинг Чувачак шаҳрига бориб қолган. Буни тошкентлик Мирмақсуд ака марҳум бировнинг қўлидан Чувачакда сотиб олиб, бир зиёфатда қайинпадаримизга (Фансуруллобекнинг куёви Шаҳобиддинхон Тожиддинхон ўғлига — Ш. Ю.) ҳадя қилган эди. У кишидай бизга ҳадя қилинган».**

СУРАТДА: Жўрабек фон Кауфман асирлигида. 1870 йил.

Фансуруллобекнинг бу тахмиси унинг шоир сифатида қанчалик забардаст бўлганини кўрсатувчи далил эканини ҳисобга олиб, уни муҳтарам муштарийлар эътиборига ҳавола этамиз:

Этмайин зоҳир низо найлай бу айёмим била,
Лаҳза суҳбат тутмадим ул чашми норомим била,
Бул жиҳатдин тўлди оғуйи алам жомим била,
Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,
Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била.

Гаҳ ичиб май дайр пири соғари эҳсонида,
Гоҳи боғлаб қўлни шайхи бериё фармонида,
Гоҳ юруб дайр ичра, гоҳи хонақоҳ айвонида,
Тунга етмас кунни ўткардим ўлуб ҳижронида,
Кунга етгайманму, вах, бу субҳи йўқ шомим била.

Бир неча аҳли маъоний фатҳиға соҳибқирон
Дедилар: ғам дардини нафъи шароби арғувон,
Бу сўз эшитгач кириб майхонаға мен нотавон,
Ҳар маеки онсиз ичтим топғали ғамдин амон,
Заҳри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим била.

Бўлмайин ул ваҳши кўзлиқ бир нафас ром, эй рафиқ,
Субҳи айшим мисли асром айлади шом, эй рафиқ,
Йўқтур оромим мени, кўб қилма дашном, эй рафиқ,
Қайда бўлсун музтариб кўнглумға ором, эй рафиқ,
Тутмадим ором чун бир дам дилоромим била.

Ул нависимға бу дарди меҳнатим пайғомин эт,
Ҳажр аро тортган азоби кулфатим пайғомин эт,
Ўйрулур бошимға ҳадсиз заҳматим пайғомин эт,
Эй сабо, ул гулга муҳлик фурқатим пайғомин эт,
Ваҳки, жон нақдин анга еткур бу пайғомим била.

Ҳаддин афзун журмим охир тоқатимни этти тоқ,
Сабрим олғай бир тарафдин меҳнати дарди фироқ,
Бу тирикликдин кечиб, марг ила айлаб иттифоқ,
Кўнглум ичра бут ғами, куфр ичра ўлсам яхшироқ,
Аҳли дин олинда борғунча бу исломим била.

Ғам ўтиға сийна бирён эairмагумдур ичмайин,
Ғунча янглиғ кўглими қон эairмагумдур ичмайин,
Мисли Хисрав оҳу афғон эairмагумдур ичмайин,
Эй Навоий, ўлсам, армон эairмагумдур ичмайин,
Бир сабуҳи гулзори бода ошомим била.

Шеъриятга, шоирларга ихлоси баланд Фансурулло Фурқат Тошкентда яшаган 1889—91-йилларда 22—25 ёшлар орасидаги йигит эди. Ўзининг ҳамшаҳри бўлмиш забардаст шоир Тошкентда эканини билгач, табиийки, у билан танишиш, дўстлашиш, айниқса, шеърият ҳақида суҳбатлашиш, ўз шеърий машқларини кўрсатиб ундан маслаҳатлар олиш истаги тез орада уларни яқинлаштиради. Фурқат Фансуруллобекнинг Занжирлик маҳалласи тор кўчасидаги ҳовлисида бир неча марта бўлади, ундан кўп илтифотлар кўради. Шунинг учун ҳам Истанбулга бориши биланоқ энг яқин дўстлари қаторида Фансуруллони соғиниб, «Сабоға хитоб» шеърий мактубининг салмоқли бир қисмини унга бағишлайди.

Иккинчи томондан, Фансуруллобекнинг қайнотаси Жўрабек додхоҳ ҳам Фурқат билан ғоят яқин муносабатларда эдики, қайнотасининг Қорасувдаги катта боғида бўлган суҳбатларда ҳам у Фурқат билан бир неча бор учрашган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Фурқат Тошкентдан жўнаб кетгач, русча яхши хат-саводга ҳам эга бўлган Фансуруллобек ўлка ижтимоий ҳаётида фаол қатнашади, Туркистон матбуотида ҳамкорлик қилади.

Масалан, Туркистонда жадидчилик ҳаракати авж ола бошлагач Фансуруллобек жадид матбуотини вужудга келтиришда катта фидойилик кўрсатди. Жадидларнинг илк газетаси бўлмиш «Хуршид» ҳақида фикр юритар экан, Зиё Саид «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар» китобида (1972) унинг «Ношир ва муҳаррири Мунаввар қори ибн Абдурашидхон. Фансуруллобек Худоёрхонов газетанинг энг атоқли ва яқин ёзишувчиси (муаллифи — Ш. Ю.) эди», дейди. Бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун «Хуршид»нинг 2-сони Фансуруллобекнинг дастурий мақоласи «Сабаби тулуъи «Хуршид» билан очилганлигини айтиш кифоя.

ТУРКИСТ

СЎЗ ЖИЛОСИ

«АЛИШЕР НАВОИЙ» ПЬЕСАСИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

РУС СОВЕТ АДИБАСИ Вера Смирнованинг Уйғун ижоди ва тил хусусиятларига берган баҳоси жуда характерлидир: «Уйғун ниҳоятда ёрқин, тўла маънода замонавий, миллийлиги, мавзуи, сўз қурилиши ва лугат состави нуқтаи назаридан «шарқона», шу билан бирга, Ўрта Осиё ранглари ва жилваларини ўзида акс эттирган шоирдир». Муаллифнинг бу фазилатлари, айниқса, «Алишер Навоий» пьесасида яққол аксини топган.

Қаҳрамонлик билан лиризмни бўрттириб кўрсатиш, фожиа ва драматизмга юморни сингдириб юбориш «Алишер Навоий» асарига хос хусусиятлардан биридир. Санъаткорлар ўз ғоявий ниятларини очиш, воқеаларни ҳаққоний тасвирлаш мақсадига тилни тўла бўйсундира олдилар. Уларнинг услуби ижтимоий ва бадиий вазифаларни бажариш заминида рўёбга чиқади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳақиқий санъаткорлар услубни ташқи томондан бе-

Қуёнларнинг иши сенга аёндир.

Бу ерда луқмалар инсоннинг ички оламини айнан акс эттириш билан бирга, чиройли, ширали бадиий усулда, чуқур қофиялашган, оҳангдор тарзда ижод этилган.

Инсон нутқи унинг тафаккурининг мураккаб жараёнини, турли фаолиятини, кайфиятини ифода этади. Драматурглар қаҳрамонга сўз беришдан олдин унинг ўша вақтдаги вазиятини тўла тасаввур қилган бўладилар. Бу ҳол муаллифларга қайси сўзни қандай ишлатишни билишни тақозо этади. Улар энг керакли, мос тушадиган сўзларни танлаб, қўллай олишлари керак. Уйғун ва И. Султон тилдаги кичик штрихларни ҳам катта ҳақиқат билан боғлайдилар, ғоявий ниятни кенгроқ очишга йўналтира оладилар.

Хатти-ҳаракат билан сўзнинг бирлиги — пьесанинг муҳим хусусиятларидан. Ибора оҳанги билан ички хатти-ҳаракатнинг уйғун кечиши драматургларнинг ижодий ютуқларидандир. Ҳаракат деганда персонажнинг фақат ташқи уринишларигина кўзда тутилмайди, балки қалбнинг ўсиши, инсоннинг руҳий-ҳиссий ҳолати ва ўзгариши ҳам назарда тутилади. Тўғри топилган, матнда ўринли қўйилган сўз бошқа сўзларнинг маъносини ҳам, муаллифлар ғоявий ниятини ҳам кучайтиришга хизмат қилади, алоҳида тасвирий кучга

эга бўлиб кетади. Жумларни турлича тузиш усуллари тилни бойитиш билан бирга, бадиий асарнинг ҳам қизиқарли ва ўқишли чиқишига олиб келади. Драматурглар ҳар бир луқмада маънони ёрқинроқ ва аниқроқ изҳор этадиган сўз бўлишини ва жумла тузишда урғуни шу сўзга бериш кераклигини яхши биладилар. Сўзларни жумлаларда турлича қўйиш, фақат бошқача оҳанг беribгина қолмай, маъносини ҳам ўзгартиришга сабаб бўлади. Пьесадаги сўзларнинг ҳаммаси масалани, воқеани, шахслар фаолиятини, содир бўлган вазиятни, конфликтни кенгроқ, аниқроқ ёритишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд қилишимиз керакки, муаллифлар овози билан ўтмишдаги шахслар овози чатишиб кетади. Булар эса эски сўзларни тушунишни енгиллаштиради ва персонажлар нутқидаги архаизмни кучсизлантиради, замонга яқинлаштиради. Ишлатилган эски сўзлар ва жумлалар, қаҳрамонларнинг архаик нутқлари романтик ёки натуралистик характерда берилган эмас, балки улардан узоқ ўтмишдаги инсоннинг жонли овози эшитилгандай бўлади.

Уйғун ва И. Султон қайтариладиган, айнан бир-бирига ўхшаган жумлалардан қочишга тиришдилар. Улар кўпинча ҳар бир жумланинг ўзига хос бўлишига жиддий аҳамият бердилар. Агар қайтариқ иборалар учраса ҳам, улар мазмунни кучайтириш, характерни бўрттириш ёки бир-бирига ўхшаш вазиятни изҳор қилиш учун ишлатилган. Масал учун «Алишер Навоий» пьесасида қуйидаги байт уч марта қайтарилади ва ҳар сафар янги оҳанг ва маъно касб этади:

Қилиб тўй, сўнг бўлурмиз
бирга доим,
Сени кўп кўрмасин менга
худойим.

Биринчи марта бу сатрларни улуғ шоир Гулига ўз боғида изҳор этади ва ишқининг қатъий эканлигини билдиради, севгилисида тўла ишонч туғдиришга уринади. Иккинчи сафар Гулининг қалби муҳаббат билаб лиммо-лим тўлганда, хурсандчилигини ичига сиғдиролмай, дугонаси Қундузга ёрилади. Шу дақиқада ўша байт юрагидан отилиб чиқади. Сўнгги марта эса, бу байт зид вазиятни, қайғули шароитни, қаҳрамоннинг чуқур ички оламини, руҳий азобларини билдириш учун, яъни Гули Ҳусайн Бойқаро ҳарамига тушиб қолгандан кейин айтилади.

ҲАР БИР ЯНГИ ОБРАЗ, ҳар бир янги фикр ўзига хос, қайтарилмас ифодани билдиради. Асарнинг кичик ҳажми ёки қисқа жумлалар уни катта мазмундан, жиддий фикр ва мулоҳазалардан маҳрум этмайди. Драмада луқмалар поэзиядаги рубойиларга ўхшаш лўнда ва мазмундор бўлишига эришилган.

Аслини олганда, «Алишер Навоий» — психологик, чуқур лирик драма. Бу асарда катта ғоявий мазмун ғоят чиройли бадиий шаклда ўз аксини топган. Бу шакл муаллифлар ғоясини, асар мавзуини тўла ва чуқур, ўзига хос усуллар билан ифодалашга имкон берган. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, «Алишер Навоий» драмасини ёзишда Уйғуннинг поэзия соҳасида орттирган улкан ижодий тажрибаси жуда қўл келган.

Пьесада Навоий ижодига хос шаклий хусусиятларни, унинг такрорланмас услубини сақлашга ҳаракат қилинган. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, муаллифлар улуғ шоир асарларига асосланган ҳолда уларнинг мазмунидан, руҳидан келиб чиқиб, Навоий фаолияти ва характерига, ижодининг пафосига мос келадиган мисралар, монологлар, диалоглар, эпизодлар яратганлар. Улар Навоийнинг халқ ўртасида кенг тарқалган шеърларини усталик билан қўллаганлар. Шоирнинг «Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо», «Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт» жумлалари билан бошланувчи ғазалларини, «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» деб бошланувчи рубойсини ёки «Фарҳод ва Ширин»дан олинган «Кўзум чиқсун, сени кўргунча мундоқ...» сатри билан бошланадиган байтларини эслаш кифоя.

Пьесанинг ўзига хос хусусияти яна шундаки, унда фалсафа шеъриятни бойитса, поэзия фалсафага оҳангдорлик, жозибадорлик, майинлик бахш этади. Бу ўз навбатида асарга айрича руҳ, жозиба берган. Тўғри, «Алишер Навоий»да драматик ҳаракат кучлироқ ва янада салмоқлироқ берилса, яхши бўларди. Аммо бундай ҳаракат ўрнини баъзан фалсафа билан йўғрилган, кучли ва таъсирчан лирик поэзия ишғол этади.

Маълумки, пьеса саҳнада қўйилганда ремаркада бериладиган пейзаж тушиб қолади, уни саҳна безагида кўрсатиш лозим. Иккинчидан, қаҳрамонларнинг пейзажга муносабати орқали у бажарадиган поэтик вазифа англашилади, очилади. Пейзажни қаҳрамоннинг кайфиятига ҳамоҳанг ҳолда айрича тасаввур этилади. Дейлик, бахтсиз одам унга бепарво қарайди, табиатнинг гўзаллигидан баҳраманд бўла олмайди. Бахтиёр киши учун табиат кўринишлари ўзининг бутун борлиғи билан намоён бўлади, унинг кўркамлигини тўлалигича ҳис қилади. Уйғуннинг аксар пьесаларида ҳам пейзаж қаҳрамонларнинг кайфиятини аниқлаш учун қўлланилади, у характерларга ижобий таъсир кўрсатади. Булардан ташқари, пейзаж қаҳрамонларнинг ҳиссиётини уйғотади, кечинмаларини ўзгартиришга хизмат қилади, янги фикр ва мулоҳазалар туғдиради.

«Алишер Навоий» пьесасида берилган бир пейзажга эътибор беринг: «Навоийнинг Ҳирот ташқарисидаги боғи. Ўртада икки қаватли шийпон. Узоқда Ҳирот ва унинг қўрғони, қалъаси кўриниб туради. Шийпоннинг бир ёғи мармар ҳовуз, атрофи гулзор. Нарида чўзилиб кетган мевали дарахтлар». Улуғ шоирнинг боғи қандай эканлиги қисқа ва лўнда характерланади. Боғнинг бутун манзараси кўз олдимизда яққол намоён бўлиб туради. Энг муҳими, боғ ва гулзорнинг персонажларга таъсирини ва воқеалар оқимида ўрнини очишга катта аҳамият берилганлигидир. Гўзал гулзор улуғ шоирга илҳом бағишлайди, қаҳрамонни характерлаш ва унга муносабат билдиришга хизмат қилдиради:

Кўзимнинг нури кел,
тоза гулим, кел,
Кўнгил боғида сайроқ
булбулим, кел!

Навоий қалбидан отилиб чиққан бу оташ сатрлар тўлалигича пейзажга боғлиқ. Боғнинг гўзаллиги таъкиди севгилиси Гулини таърифлашда жуда қўл келади. Унинг севгилиси эса бу ҳолни янада кучайтиради ва бўрттириб изҳор этади.

Уйғун суҳбатларнинг бирида бундай деган эди:

«...физикнинг миясида формула, шоирникида шеърий банд туғилади, қийинчилик билан ечилган тенглама баайни аниқ топилган ноёб қофиядек ички бир садога эга бўлгани каби, яхши шеърий банд ҳам формула сингари аниқ бўлмоғи керак». Санъаткоримиз поэзияда ҳам, драматургияда ҳам аниқлик ва ихчамлик, лўндалик учун курашган ва уларни амалга ошириш учун жиддий уринган.

Пьесада ўзига хос, оригинал киноялар учрайдики, уларнинг ҳар бири ўз ўрнида катта ғоявий-бадиий қиймата эга. **«МАЖДИДДИН:** Авом шоиримизни ҳурмат қилади, шоиримиз ҳам авомнинг тилини яхши биладилар». Ҳа, бунга ўхшаган киноялар сероб. Бу каби мисолларда бадиий таъсирчанлик билан сўзлар ва образлар аниқлигининг уйғунлашиб кетганлигини кўрамиз. Уйғун ва И. Султон ўринсиз, ошиқча батафсил изоҳ беришдан ва керагидан ортиқ кенг тасвирдан қочишга уриндилар. Улар баъзан муболаға ва шарж усулларидан фойдаланадилар.

ПЬЕСА САҲНАВИЙ БЎЛИШИ УЧУН ҳозирги театр талабларига мослаштириб ёзилиши керак. Шу принциплар назарга олинмаса, яхши пьеса саҳнада ўзининг муҳим қийматини кўрсатолмай қолиши ёки спектакль чўзиқ чиқиб, зерикарли бўлиб қолиши мумкин. Шуларни назарга олиб, «Алишер Навоий» пьесаси икки вариантда яратилди: бири саҳна учун, иккинчи, асли варианти, ўқувчилар учун. Бу ҳол, шубҳасиз, пьеса тилига таъсир этган. Ўз-ўзидан саҳнавий вариантда қисқартириш юз беради: баъзи луқмалар, эпизодлар, айрим эпизодик персонажлар олиб ташланади. Биз ушбу мақоламизда китобларда чоп этилган пьесанинг тўла вариантларини асос қилиб олганмиз.

Хулоса сифатида айтсак, «Алишер Навоий» пьесаси бўйича ҳам ўзбек тилини ўрганиш мумкин ва керак. Чунки у ҳар бир ўқувчи учун яхши бадиий манбадир.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

СУРАТДА: «Алишер Навоий» спектаклидан кўриниш

ЮЛДУЗЛАРДАН БИРИ

Ҳурматли редакция!

Кейинги вақтларда ўзига хос ижро услубига эга бўлган кўпгина ёш хонандалар етишиб чиқдилар. Улар орасида Сайёра НАЗИРОВАнинг ҳам ўз ўрни бор. Ана шу хонанда ҳақида газетангиз саҳифаларида ўқишни истардим.

Гўзал ХАЛИЛОВА, ўқитувчи

Бугун кўпчиликни санъат оламидаги, айниқса қўшиқчиликдаги янги номлар ҳайратга солмай қўйган. Чунки халқ орасидан чиқаётган истеъдодлар кундан-кунга кўпаймоқда, уларнинг ўзликларини намоён этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб берилмоқда. Лекин асосий гап ана шу ёш истеъдоднинг ўзида қолган. Зеро, биз айтаётган кўпчилик орасида ярқ этиб кўзга ташланиш, нафақат кўзга ташланиш, санъат оламида ўз бўстонини топиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Кимки бунга эришган экан, демак, ундан жиддий бирор нарса кутса бўлади. Қаҳрамонимиз Сайёрахон ана шундайлардан. Тўғри, у катта саҳнага чиққанидан буён ҳамиша ишлари олдинга юришиб, пиллапоялардан фақат юқорига кўтарилгани йўқ. Аммо, муҳими, у ўз услубини яратишга, уни сақлаб қолишга доимо интилди ва бунга эришди ҳам. Бундан ҳам муҳими, у ўз мухлисларига эга бўлди. «Биласизми, — дейди Сайёрахон, — ҳаётда ҳар қандай воқеалар учраб турар экан. Баъзан ишларинг юришиб кетади, кетма-кет янги қўшиқлар дунёга келаверади. Баъзан эса турли сабаблар билан йўлнинг четига чиқиб қоласан, омадсизликнинг ниҳояси йўқдай туюлади. Бундай пайтларда менга санъатга муҳаббат ёрдамга келди. Қолаверса, мени илк бор саҳнат оламига етаклаб кирган дадам ҳамиша кўмакдошим бўлдилар».

Ҳа, қизалоқдаги истеъдодни дастлаб унинг отаси сезди ва бу истеъдод учқунларининг алангага айланишига катта ҳисса қўшди. Сайёра Назирова 1970 йили, ҳали 2-синфда ўқиб юрганидаёқ санъат байрамида қатнашиб, тенгдошлари орасида истеъдодини намоён этди. Дастлабки қадам қутлуғ бўлди. Уни республика телевиденисининг болалар кўрсатувларида иштирок этишга таклиф қилдилар. 1976 йили эса, «Куйланг, ёш хонандалар» телевизион конкурсда муваффақиятли қатнашди. Шундан сўнг ўтказилган барча кўрик-конкурсларда ўз маҳоратини намойиш этди. Айниқса, «Қизлар давраси» кўрсатувлари, турли байрам концертлари унинг ижодий шаклланишига катта ёрдам берди. Мактабни тугатган Сайёра Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирди. Қизиқ...

— Сайёрахон, ахир, сизнинг санъатдаги йўлингиз тайин эди-ку. Ота-онангиз ўз ихтиёрлари билан қўшиқ бўстони эшигини очиб беришган, дастлабки қадамларингиз умидбахш бўлган ва бирдан...

— Тушундим. Нима учун бирорта санъат ўқув юртини эмас, педагогика институтини танладинг, демоқчисизда. Очиғи, санъатдаги таржимаи ҳолимнинг кетишига қараганда, шундай бўлиши керак эди. Лекин... ҳаёт — ҳаёт-да, ўртадаги ҳар хил истиҳолалар сабабми, ишқилиб, ўқитувчилик касбини танладим. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки онам 30 йилдан буён мактабда тарих фанидан дарс бериб келадилар. Табиийки, мен ҳам ёшлигимдан онамга ҳавас қилиб ўсганман, ўзимнинг худди онамга ўхшаш шогирдларим бўлишини орзу қилганман. Бугунга келиб иккита асосий орзум амалга ошди. Ҳам ўқитувчилик қиляпман, ҳам санъатдаги ҳаётим давом этяпти. Хуллас, бир йўла

санъат соҳасидан кетмаганимга ачинмайман. Чунки иккита касбни эгалладим.

Сайёра ҳақ: ачинишга ўрин йўқ. 1985 йили институтни битирди ва Тошкент Давлат дорилфунунининг тарих факультетида иш бошлади. Педагоглик билан бирга, университет маданият саройи қошида ташкил этилган «Адолат» ансамблида ҳам бадиий раҳбарлик қилди. 1988 йили Югославияда Ўзбекистон кунлари бўлиб ўтди. Республикамиздан борган санъаткорлар орасида Сайёра Назирова ҳам бор эди.

— Ўша ердаги концертларимиз менда бир умрлик таассурот қолдирди. Ўшанда санъатнинг қудратига, халқларнинг дилларини яқин қилувчи кучига имон келтирганман. Миллати бошқа, тили бошқа югославиялик дўстларимиз баъзи қўшиқларни жўр бўлиб, биз билан бирга куйлаганлар. Ўшандаги ҳаяжонларимни ҳали-ҳали ажиб бир туйғу билан эслайман.

1989 йилдан Сайёра Охунбобоев номидаги республика тиббиёт билим юртида фалсафа, этика, эстетикадан дарс бера бошлади.

— Бахтимга билим юрти директори Турсуной Умарова санъатга ихлос қўйганлардан чиқиб қолди, — дейди у. — Албатта, мен ўзимнинг севимли касбим — қўшиқчиликсиз яшолмайман. Шунинг учун билим юртида ансамбль тузишга киришдим. Бу ишда директоримиз ниҳоятда катта ёрдам кўрсатдилар. Унга «Сарвиноз» деб ном бердик. Ҳозир бизга 30 га яқин ёшлар қатнашмоқдалар. Билим юртида ўтказиладиган ҳар бир тадбирда ансамблимизнинг ўз ўрни борлигидан жуда хурсандман.

Сайёранинг шодлиги табиий. Ахир, ким ўз меҳнатининг самарасидан қувонмайди, дейсиз? Қизиғи шундаки, Сайёранинг шогирдлари ҳам ўзига ўхшаб икки касб эгалари. Ансамблдаги фаолияти билан бирга, С. Назирова ўз репертуари устида ҳам жиддий иш олиб бормоқда. Чунки бир жойда тўхтаб туриш санъатда мутлақо мумкин эмаслигини у яхши тушунади. Албатта, унинг яхши қўшиқларини мухлислари ҳамон севиб тинглайдилар. Улар орасида «Эркаю бебошгинам» (Д. Ҳамзахўжаева), «Санъат сари етаклади» (П. Мўмин), «Бўлди гулзор» (В. Саъдулла), «Лола сайли» (М. Улуғова), «Чинор тагида чашма» (П. Мўмин), «Сезилмасмуш» (Ҳ. Худойбердиева), «Суйганларим бор» (У. Абдуазимова) ва бошқа кўплаб қўшиқлар бор.

— Айниқса, Ҳабиба Охунованинг «Алла» қўшиғини севаман. Эҳтимол, она бўлганим учундир, шу қўшиқни эшитсам, дилим аллане-

чук орзиқиб кетади. Тилаш Ҳўжамбердиевдан илтимос қилиб, «Алла»ни ўргандим. Албатта, уни Ҳабиба опадек ижро этолмасам ҳам, бутун меҳримни тўкишга ҳаракат қилдим.

Кези келганда шуни айтиш керакки, барча бошловчи қўшиқчилар каби Сайёранинг ҳам ўз севимли хонандалари бўлган. Айниқса, Санобар Раҳмонова жўшиб куйлаганда, унинг ҳаваси келарди. Муҳаббат Шамаева тароналари қаерда жаранглашмасин, жон қулоғи билан тингларди. Энг муҳими, умрбоқий ўзбек классик қўшиқлари Сайёранинг санъат билан ёнган қалбига малҳам бўларди. Шунинг учун бундай қўшиқларни маромига етказиб куйлаш унинг эзгу орзуи. Албатта, замонавий қўшиқлар устида ҳам тинмай изланишни давом эттирмоқда. Бастакор ва хонанда Аҳмаджон Дадаев, шунингдек Тилаш Ҳўжамбердиев ва Тельман Ҳасанов хонанда изланишларига кўмаклашмоқдалар. Қадим Марғилон халқимизга кўплаб ажойиб санъаткорлар туҳфа этган. Узоққа бормайлик, мана, бугун эстрадамизда чарақлаб турган иккита Юлдуз — Усмонова ва Абдуллаевани олайлик. Халқимиз улардан қанчалик хурсанд. Сайёра ҳам ана шу юлдузлар осмонида ўзига хос из қолдирса ажабмас. Бизнинг истагимиз, бу из қутлуғ бўлиб, ўзидан сўнг яна янги юлдузларга йўл очаверсин!

Гулчеҳра УМАРОВА

ЭЛ МЕҲРИ

ЁДНОМА

Санъат ихлосмандлари жарангдор қўшиқлар соҳибаси, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Меҳрихон ая Абдуллаеванинг радио орқали тараладиган қўшиқларини яхши эслаб қолишган. Севимли санъаткоримиз ҳаёт бўлганларида эди, шу кунларда 78 баҳорни кўрган бўлардилар.

Меҳрихон ая ёшлигидаёқ отасиз қолди. Беш боланинг тарбияси ва уй тебратиш ёлғиз она зиммасига тушади. Инқилобдан сўнг Меҳрихон Наманганда янги очилган хотин-қизлар клубига ёзилди. Клуб аъзолари савод чиқариш билан бирга, бадиий тўгаракка қатнашиб, ўзбек миллий куй ва қўшиқларини қунт билан ўрганишарди. Кейинчалик Наманганда ташкил қилинган «Танқидий» группасига ёш ҳаваскор Меҳрихон ҳам келиб қўшилади.

1928 йили таниқли санъаткорлар Муҳиддин Қориёқубов ва Акбар Муҳамедов Наманганга ташриф буюришиб, «Танқидий» группаси тайёрлаган концертни мароқ билан кўришади. Шунда икки ҳаваскор — Меҳрихон ва кейинчалик турмуш ўртоғи бўлган Ҳамро Абдуллаев уларнинг эътиборини тортади. Машҳур санъаткорлар уларни Самарқандда янги очилган музикали театр-студияга таклиф қилишганида, улар хурсандлигидан ўзларини қўярга жой тополмадилар.

Бу ёш санъат ғунчалари студияга келиб, Тамарахоним, Ҳалимахоним, Мукаррамахоним, Уста Олим Комилов, Абдуқодир найчи каби бир қатор санъаткорлар билан яқиндан танишадилар. Улардан орқада қолмаслик учун ўз устларида тинмай ишлайдилар, янги куй-қўшиқлар топишга ҳаракат қиладилар. Меҳрихоннинг овозини эшитган М. Қориёқубов унга драматик ролларни ҳам бера бошлади. Ўшанда у Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима» асарида бой қиз, «Гулсара» асарида Файзихон, Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» асарида эса канизак сингари хилма-хил образларни ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлади.

1936 йили Тошкентда Ўзбекистон Давлат филармонияси ташкил этилиб, Меҳрихон ая шу ансамблга қабул қилинади. Ансамбль қатнашчилари республика бўйлаб сафарларга чиқиб, катта зарбдор қурилишларда ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Айниқса, Катта Фарғона канали Меҳрихон ая ҳаётида унутилмас бўлиб қолди. Меҳрихон ая ой-куни яқинлашиб қолганига қарамай, канал қурилишига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида Катта Фарғона канали қурилишига келади. Бир неча концерт муваффақиятли якунланди. Эрта тонгда дувдув гап бўлиб қолди. Ўша кечаси Меҳрихон аянинг учинчи фарзанди дунёга келди. Бу яхши хушхабар канал қурилишига бошчилик қилаётган Усмон Юсуповга ҳам етиб боради. Ўша заҳоти уч минг кишилик митинг чақирилиб, Усмон ота бу яхши хушхабарни канал қурувчилари орасида айтиб, рози бўлсалар, қизчага Каналхон исмини қўйишни таклиф қилади. Мана, ўша Усмон отанинг Каналхон қизлари ҳозирда катта шифокор бўлиб, эл-юрт сиҳат-саломатлиги учун меҳнат қилмоқда. Меҳрихон ая Абдуллаева фақатгина санъаткор бўлиб қолмай, беш фарзанднинг севимли онаси эди. Фарзандлар эса ҳар хил йўл танладилар. Бири шифокор,

бири санъаткор. яна бири инженер...

Тўсатдан Улуғ Ватан уруши бошланди. Эгнидаги атлас кўйлакни ҳарбий кийимга алмаштирган жанговар концерт бригадаси қатнашчилари орасида Меҳрихон ая ҳам бор эдилар. Ўша суронли кунларни ая шундай хотирлагандилар:

— Мен фронтда икки марта бўлганман. Дастлаб, 1942 йилнинг март ойида кичик бир группа билан Москвага жўнаб, пойтахт бўсағаларида тўрт ойга яқин жангчиларга концертлар бердик. Группамизда халқ ҳофизи Беркинбой Файзиев, лапарчи-раққоса Саида Сафарова, созандалар Азиз Муллахолов, Раҳмон Отабоев, Сафо Бақоев бор эди. Иккинчи марта Гавҳархоним Раҳимованинг хотин-қизлар ҳарбий ансамбли билан яна бир ярим ой мобайнида фронтда бўлдим. Жанг йилларини хотирамдан ўтказар эканман, бир ажойиб воқеа эсимга тушади. 1942 йилнинг кузи эди. Кечаси бутун ансамбль билан Блогое станциясига келиб тушдик. Ҳаммаёқ тим қоронғу. Шу яқин ўртадан ўқ товушлари эшитилиб турарди. Партизанлар жойлашиб олган ташландиқ бир бинога биз ҳам кириб олдик. Эрта билан полковник Борис Токарев қўмондонлигидаги авиация қўшилмасида учрашув уюштирилди. Жангчи-учувчилар йиғилиши биланоқ концертимизни бошлаб юбордик. Бир-икки номер ижро этилиши билан тепамизда ҳавф жанги бошланди. Дарҳол яширинib, кузатиб турдик. Мард учувчиларимиз душман калхатини жаҳаннамга жўнатди. Концертимиз яна давом этди. Турли миллат куй, қўшиқларидан ташкил топган репертуаримиз учувчиларда завқ-шавқ уйғотди...

Меҳрихон ая ўзбек қўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида эл меҳрини қозонди, халқнинг таниқли санъаткорига айланди. Кўп йиллардан буён радио орқали таралаётган «Тановар», «Йўл бўлсин», «Яллавон» сингари машҳур халқ қўшиқларига ўзгача сайқал берди. Бу қўшиқларни тингловчилар ҳануз завқ билан тинглайдилар. Меҳри ая Москвада ўтказилган учта — 1937, 1951, 1959 йилги санъат байрамларида фаол иштирок этганлар.

Кейинчалик ўша фронтчи дўстлари билан Зебо Ғаниева номидаги фронтчи қизлар ансамблида қатнашиб, уруш даври қўшиқларини қайта тиклади. Чустийнинг ғалабага бағишлаб ёзган «Қувон халқим» қўшиғини куйлаб келди. Юқоридаги меҳнатлари эвазига Меҳрихон ая Абдуллаева ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» унвони, «Ҳурмат белгиси» ордени, Олий Кенгашнинг Фахрий ёрлиқлари, Туркистон ҳарбий округининг қатор фахрий ёрлиқлари ва ҳукумат медаллари билан тақдирланган.

Ўлмас қўшиқлар соҳибасининг сиймоси, уни яқиндан таниган, билган, ҳаво тўлқинлари орқали тинглаганлар, санъат ихлосмандлари қалбида абадий сақланади.

Раҳимжон ОРИПОВ

МУСАФФО БУЛОҚЛАР ЛОЙҚАЛАНМАСИН

Май сербайрам ой. Байрам бўлгач жумҳурият телевидениеси, албатта, концерт программаси тайёрлайди. Тўғриси, байрам кунларида намойиш этилган телеконцертларни кўриб (масалан, 1 май куни намойиш этилган икки қисмли «Май табассуми», «Якшанба оқшомида» мусиқий кўрсатувлари, 9 май куни «Ёшлик» видеоканалининг «Ғалаба баҳори», 10 май куни «Лирик тароналар» кўрсатувларида берилган қўшиқлар) маънавий-руҳий ҳузур ололмадим. Бу концертларда гўё бир хил тоифадаги хонандалар қатнашиб, бир хилда куйладилар. Ёшлар орасида эса эсда қоладиган овозлар йўқ. Улар ҳам таниқли санъаткорлар сингари 8—10 чолғувчи билан чиқишади. Майли, Лекин натижа йўқ. Қуруқ тарақатуруқ билан халққа манзур қўшиқлар яратиб бўлмайди. Шу кунларда телеэкранларга чиқаётган ёш хонандаларнинг жуда кўпчилигини тақлидчилар десам, янглишмайман. Ахир тақлидчилик яхши қўшиқлар умрига зомин бўлади-ку! Бу ҳақда қайта-қайта ёзилиши ва айтилишига қарамай телевидение ва радио қошидаги бадиий кенгашлар мутлақо эътибор бермаяптилар. Оқибатда миллий қўшиқ санъатимиз кўпроқ инқирозга юз тутмоқда.

Бу ачинарли ҳолнинг асосий сабабларидан бири, қўшиқчилик санъатимизда миллий анъанавий мактабларнинг йўқолиб кетаётгани бўлса керак. Масалан, Самарқандда Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Бухороda Домла Ҳалим Ибодов, Левича ҳофиз, Фарғонада Маматбува Сатторов, Жўрахон Султонов, Расулқори Мамадалиев, Тошкентда Муллатўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Акмалхон ва Бобохон Сўфихоновларнинг ҳар бири мактаб яратган санъаткорлар. Улар ўз воҳасининг қўшиқчилик мактабини яратиш, ривожлантириш билан бирга халқимиз учун бебаҳо қўшиқ хазинаси яратиб кетдилар. Афсуски, улар қолдирган ана шу ўлмас меросдан етарлича фойдаланмаяпмиз. Шунинг учун ҳам ёшлар қўшиқчиликда енгил йўлдан боришмоқда. Куйларда миллий руҳ йўқ, овозларда юракка тегадиган шира етишмайди.

куюнчак газетхонлардан хатлар

Мен ёшлигимдан таниқли бастакор, Ўзбекистон ССР халқ артисти Фахриддин ака Содиқовнинг хонадонида бўлиб, у кишининг куй ва қўшиқларимиз ҳақидаги сўзларини кўп эшитганман. У киши мақом ансамблининг музика раҳбари эди. Худди шу мақом ансамблидан Турғун Алиматов, Ориф Қосимов, Комилжон Жабборов, Зокир Обидов сингари машҳур созандалар етишиб чиқиб, Шашмақомни қайта ёзишда юксак истеъдодларини намоён қилдилар. Очиғи, улар ўзига хос созандалар мактабини яратдилар. Нега бугунги кунда мазкур мактаб анъаналари давом эттирилмаяпти?

Хуллас, бу масалага жумҳурият Маданият вазирлиги билан бирга телевидение ҳам эътибор берса. Улуғ ҳофизлар, созанда ва бастакорлар ҳақида, уларнинг мактаблари, ижро йўллари тўғрисида махсус кўрсатувлар ташкил этилса, айни муддао бўларди. Шунда халқ куйларини қайта ишлайман деб, уни бузаётган чала бастакорларнинг «фаолиятига» чек қўйиларди. Токи, миллий санъат ўзининг мусаффо булоқларидан қонмас экан, у ривожланиш ўрнига таназзулга юз тутади.

Фозил САИДОВ,
Тошкент шаҳар, 13-касалхона бўлим мудири

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ҚОДИРИЙ (АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ) НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

1. Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари: адабиёт, санъат ва меъморчиликнинг йирик эпик ва монументал жанрларидаги кенг тан олинган ҳамда миллий, умумиттифоқ ва жаҳон маданиятининг инсонпарвар анъаналари ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш, минтақа, мамлакат ва хорижий мамлакатлар халқлари билан интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги мураккаб ва кўп қирали ҳаётий жараёнларини ёрқин ва ҳаққоний акс эттирувчи, миллий онг ва байналмилалчиликнинг ўсишига, тарихий адолатни, азалий халқ анъаналари ва урф-одатларини тиклашга ёрдам берувчи, умуминсоний қадриятларнинг устунлигини қарор топтирувчи ва Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий куч-қудратини бойитувчи машҳур асарлар;

Замонавий ва классик ўзбек меъморчилиги ютуқларини синтезлаштирувчи монументал меъморчилик комплексларини яратганлик; архитектура ва санъатнинг йирик ёдгорликларини таъмирлашдаги ўзига хос ёрқин ечимлар учун берилади.

2. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари ҳар йилда бир марта ҳар бири етти минг сўмдан учта мукофот миқдорида берилади.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитасида (бундан кейин «Қўмита» деб аталади) кўриб чиқиш учун эълон қилинган, босиб чиқарилган, кўргазмага қўйилган, ССЖИ ва чет элда оммавий равишда ижро этилган, мукофотга тавсия этилишидан олдин тўрт йилдан кўп бўлмаган вақт давомида тиқланган ва таъмирланган бадиий адабиёт, театр-саҳна, рақс-хореография, монументал, тасвирий, халқ ижоди ва декоратив-амалий санъат, кинематография, телевидение, меъморчилик, меъморчилик-бадиий таъмирлаш асарлари қабул қилинади.

Қўмита томонидан ишларни қабул қилиш навбатдаги мукофот бериладиган йилдан олдинги йилнинг 1 октябригача амалга оширилади. Ушбу муддатдан кеч топширилган тақдимномалар кўриб чиқилмайди ва уларни тақдим этган ташкилотларга қайтарилади.

Ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби Қўмита раёсати томонидан тасдиқланадиган йўриқномада белгиланади.

4. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тақдим этиш тўғрисидаги қарор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ижодий уюшмалар, жумҳурият, бутуниттифоқ ва халқаро жамоат ташкилотлари коллегиал органлари томонидан қабул қилинади.

Меҳнат, ижодий ва илмий жамоалар юқорида қайд этилган ташкилотларда кўриб чиқиш учун Қодирий номидаги мукофотни олишга номзод кўрсатиш бўйича таклиф киритиш, шунингдек, тавсия этилган асарлар ва ишларга доир ўз фикрларини Қўмитага маълум қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Илгари Ленин, ССЖИ Давлат мукофотларига, бошқа халқаро мукофотларга, ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси мукофотларига, Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотларига сазовор бўлган (ёки олишга тақдим этилган) ишлар Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия қилинмайди.

Айнан битта номзод биттадан ортиқ иш бўйича Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тавсия қилиниши мумкин эмас.

Халқаро, бутуниттифоқ мукофотларини ва Қодирий номидаги Давлат мукофотини олиш учун танловларда қатнашган ва жамоатчилик маъқуллаган, аммо овоз бериш натижасида уларга сазовор бўлмаган ишлар Қўмитанинг қарорига кўра, умумий асосларда яқин орадаги икки йилда Ҳамза номидаги Давлат мукофотини олиш учун танловда қатнашишга қабул қилиниши мумкин.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти такроран берилмайди.

6. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотини олиш учун тавсия этиладиган жамоа фақат ижодий ҳиссаси ҳал қилувчи бўлган асосий муаллифларнигина киритиши керак. Талабгорлар сони 5 кишидан ошмаслиги керак.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти Ўзбекистон ҳаёти, адабиёти, санъати ва меъморчилиги билан боғлиқ улкан ишлари учун иттифоқдош жумҳуриятлар ва хорижий мамлакатлар маданият арбобларига ҳам берилиши мумкин.

7. Қўмитада кўриб чиқишга қабул қилинган ишлар рўйхати, муаллифлари ва тавсия этган ташкилотлар номи кўрсатилган ҳолда, мукофотлар берилишидан кечи билан олти ой олдин жумҳурият матбуотида эълон қилинади.

Қўмита аъзолари тақдим этилган ишлар билан танишадилар, жамоатчилик фикрини, танқидий мулоҳазаларни, эксперт комиссиялар, мутахассислар хулосаларини умумлаштирадилар, тавсия этилган асарларни шўъбаларнинг мажлисларида муҳокама қилишади, ўз хулосаларини беришади.

8. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини кўриб чиқишга қабул қилинган ишлар тўғрисида жамоатчиликнинг холис фикрини аниқлаш мақсадида давлат идоралари, жамоатчилик ва ижодий ташкилотлар рўзномалар ва журналлар билан биргаликда матбуотда, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларда, кўргазмаларда, жамоатчилик йиғилишларида, ижодий, илмий, ўқув ва меҳнат жамоаларида уларнинг ҳар томонлама муҳокама этилишини таъминлайдилар. Ушбу муҳокамаларнинг материаллари ўз вақтида Қўмитага топширилади ҳамда танловга тақдим этилган ишларни кўриб чиқишда ҳисобга олиниши керак.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини олишга тавсия этилган спектаклларини, мусиқа асарларини, концерт дастурларини, кино ва телефильмларни; тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини кўриш ҳамда тинглашни ташқил этиш, шунингдек, уларга зарур материалларни вақтида тақдим этиш тегишли ЎзССЖ Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ССЖ Давлат телевидение ва радиоэшиттириш қўмитасига, ижодий уюшмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар зиммасига юкланади.

Кўрсатиб ўтилган талаблар бажарилмаган тақдирда қўмита ишларни кўриб чиқишдан воз кечиши мумкин.

9. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотларини беришга доир таклифлар тўғрисидаги қарорни Қўмита ўз таркибининг камида учдан икки қисми иштирокида, яширин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилади.

Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотлари Ўзбекистон ССЖ Президентининг фармони билан берилади. Фармон 10 апрелда — Қодирий туғилган кунда жумҳурият матбуоти, радио ва телевидение орқали эълон қилинади.

10. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига сазовор бўлган кишиларга тантанали вазиятда лауреатлик дипломлари ва фахрий нишонлари топширилади.

Мукофотнинг пули муаллифлар жамоаси ўртасида баб-баравар тақсимланади. Қодирий номидаги Давлат мукофоти лауреати фахрий нишони кўкракнинг ўнг томонига Ленин ва ССЖИ Давлат мукофотлари лауреатлари фахрий нишонларидан кейин тақилади.

11. Қодирий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти вафот этган лауреатнинг (ёки вафотидан сўнг мукофотланганнинг) дипломи ва фахрий нишони ёдгорлик тариқасида унинг оиласида қолдирилади ёки берилади. Мукофотнинг пули Ўзбекистон ССЖнинг фуқаролик қонунида кўзда тутилган тартибда мерос қилиб берилади.

Ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон давлат матбуот комитети, жумҳурият «Китобхон» жамияти, жумҳурият Болалар жамғармаси болалар учун яратилган энг яхши асарлар учун Абдулла Авлоний номидаги мукофотни таъсис этган эди.

Комитет ижодий жамоаларининг истакларини инобатга олиб, танлов муддатини бу йил 1 июнга қадар ўзлаштиришга қарор қилди. Шу муносабат билан Низомга айрим ўзгартиришлар киритилди.

Қуйида мазкур Низом эътиборингизга ҳавола этилади.

БОЛАЛАРГА ЁЗИЛГАН ЭНГ ЯХШИ КИТОБ УЧУН АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ МУКОФОТ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

Ўзбекистон ССР давлат матбуот комитети ҳайъати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Китобхон» жамияти ва В. И. Ленин номидаги Болалар жамғармаси ҳайъатининг 1990 йил 24 апрелдаги қарори билан тасдиқланган.

1. Абдулла Авлоний номидаги мукофот мазмунан теран ва бадиий жиҳатдан юксак, болалар ва ўсмирларда инсонпарварлик туйғуларининг шаклланишига хизмат қиладиган энг яхши асарлар учун берилади.

2. Лауреатларни мукофотлаш учун 3000 сўмлик битта биринчи, 2000 сўмлик битта иккинчи, 1500 сўмлик битта учинчи мукофот таъсис қилинади.

3. Абдулла Авлоний номидаги мукофотни бериш масаласи мазкур мукофот комитети томонидан ҳал этилади.

Мукофот комитети ушбу мукофотни таъсис қилган ташкилотлар вакилларидан, шунингдек, жумҳурият болалар адабиётининг кўзга кўринган намояндалари, адабиётшунос олимлардан тузилади.

4. Абдулла Авлоний номидаги мукофотни олиш учун номзодлар Ўзбекистон ССР вазирликлари, давлат комитетлари, ижодий уюшмалар, маориф ва жамоат ташкилотлари, ЎзССР Фанлар академияси, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта махсус таълим юртлари, нашриётлар, жумҳурият газета-журналлари ва радио-телевидение таҳрир ҳайъатлари, меҳнат жамоалари томонидан кўрсатилади. Бунда бир коллективдан биттадан ортиқ номзод кўрсатилиши мумкин эмас.

Мукофотга тақдим этиш учун қабул қилинган қарорда муаллифнинг исм-шарифи, адабий тахаллуси, китобнинг номи, у ҳақда матбуотда чиққан тақризлар, мақолалар, мукофотга тақдим этиш асослари кўрсатилади. Қарор йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланиб, номзодни кўрсатган ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт. Муҳокама қатнашчиларининг фикри баён этилган протоколдан кўчирма илова қилинади.

5. Абдулла Авлоний номидаги мукофот комитетида кўриб чиқиш учун ўзбекистонлик муаллифлар томонидан болалар ва ўсмирлар учун ёзилган ҳамда жумҳурият нашриётларида 1989—1991 йиллар мобайнида чоп этилган оригинал насрий, шеърий, илмий-маърифий, публицистик, таржима ва адабий-бадиий танқидга оид асарлар 1 июнгача қабул қилинади. Шунингдек, ўзбек болалар адабиёти намуналарининг қардош халқлар ва хорижий тилларга таржималари ҳам тақдим этилиши мумкин. Ушбу муддатдан кеч топширилган ёки мазкур Низомда кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаган материаллар кўриб чиқилмайди.

Кўриб чиқиш учун қабул этилган китоблар муаллифлари рўйхати мукофот берилишидан камида 3 ой олдин матбуотда эълон қилинади. Шундан кейин мукофот комитети аъзолари тақдим этилган китоблар билан танишадилар, жамоатчилик фикрини ўрганадилар ва ҳакамлар, олимлар, мутахассисларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда энг муносиб китобларни танлайдилар. Якунлар билимлар куни — 1 сентябрда чиқарилади ва комитетнинг қарори матбуот, радио-телевидение орқали эълон қилинади.

Мукофот бериш тўғрисидаги қарор комитет аъзоларининг камида учдан икки қисминнинг иштирокида, яширин овоз бериш орқали учдан икки қисм овоз билан қабул қилинади.

6. Абдулла Авлоний номидаги мукофотга китоблар икки нусхадан тақдим этилади. Бундан ташқари, мутахассисларни ҳисобга олиш варақаси, номзоднинг таржимаи ҳоли, 12x9 см. ҳажмидаги иккита фотосурати, доимий хизмат жойи ёки ижодий уюшма томонидан берилган характеристика ҳам илова қилинади.

7. Абдулла Авлоний номидаги мукофотга сазовор бўлганларга дипломлар тантанали вазиятда топширилади. Бир ўрин икки ва ундан ортиқ кишиларга берилган тақдирда пул мукофоти улар ўртасида баб-баравар тақсимланади.

8. Абдулла Авлоний номидаги мукофот такроран берилмайди.

9. Мукофотга тақдим этилаётган китоблар ва ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилади: **700129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон ССР давлат матбуот комитети, Абдулла Авлоний номидаги мукофот комитетига.**

МУҲАРРИРГА **мактублар**

ИЗҲОРИ ДИЛ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Муҳтарам, азиз бирадарим ва ватандошим Аҳмаджон Мелибоев, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг бош муҳарририга. Бугун 19 апрелда (1991 й.) чиққан «Юрт соғинчи» сарлавҳали ҳаж таассуротларидан битилган лавҳаларини менга ҳам ўқиб беришгондан, жаҳон-жаҳон бандага сурур ва хурсандчилик вужудга келди. Дарҳақиқат, Нуруллахон Ҳожи Маккаи Мукаррамада ва Мадинатул Мунаввара да турган вақтларида ватандошлар бирла учрашувлар ва мулоқот қилишлар ниҳоятда ҳаяжонлик бўлган. Бу лавҳаларнинг баъзиларига ўзум ҳам бирла бўлиб гувоҳ бўлғонман. Инсонларни дин ва диёнатга ва ватанга муҳаббатдаги юз минглаб ватандошларимиз номидан ва шахсан ўз номимдан сизга ташаккур изҳор қиламиз.

СУРАТДА: (чапдан) Нурилла ҳожи Қўқандий, Файзулло Аҳмад Марғилоний, Нурали Қобул ва Муҳаммад Амин Бухорий

Хориждаги ватандошларимиз ҳаётидан бундоқ таъсирлик мақолаларни тез-тез чоп этиб туришларига умидвор бўлурмиз. Сиз муҳаррирлик қилаётган ҳафтанамадан бир қанчасини ватандошларга кўрсатиш ниятида олиб кеттим. Охирида умум ватандош ва синфдошларимизни ўшандоқ муқаддас жойларга яшаб ва рўзи қилишларини оллоҳ ва субҳона ва таолодан тилаймиз деб,

Саудия Арабистонида Маккан Мукаррама шаҳрида истиқомат қилувчи Аҳмад МАРҒИЛОНИЙ

ИШЛАШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Қишлоқдаги айрим хонадонларга газ ўтмагани, кўчага асфальт ётқизилмагани, ичимлик сувининг етишмаслиги каби кундалик ҳаётимизда ҳар куни тўқнашадиган камчиликлар ҳақида ҳафталик саҳифаларида қайта-қайта ёзилди, текширишлар олиб борилди, айрим жойларда силжишлар ҳам бўлди. Аммо... эндиликда бу гап эски муаммога айланиб қолди. Эскирганининг боиси ҳаммаёқ газлаштирилиб, водопровод қувурларидан зилол обиҳаёт айқириб оқаётганидан эмас, йўқ, албатта. Гапирилавериб, чайналавериб, «бажарилди» деган ваъдаларни эшитавериб, меъдага уриб кетганидан.

Хатлар эса келаверади, келаверади. Ҳар бирида бир инсон, бир оила, бир хўжалик дарди. Ошхонасига газ ўтказиб, ўтин ва кўмир тошишнинг ташвишидан қутилишни орзу қилган уй бекалари озми? Хизматдан чарчаб, толиқиб келганда бир гугурт чақиб газни ловилатиб ёқиб юборганга не етсин! Лекин қани ўша газ?

Фарғона вилоятининг Бағдод районидан келган шикоят хатига 24 киши имзо чеккан. «21 хўжалик жам бўлиб уйларни газлаштириш мақсадида жамоа хўжалиги раиси Н. Эргашевга мурожаат қилдик. У район газлаштириш идораси бошлиғига хат юборди. Шу билан иш юришиб кетгандек хурсанд бўлиб кутдик. Кейин хатимиз газлаштириш кооперативига ўтказилди. Орадан икки йил ўтди. Хатимиз ҳамон қимирламай турипти. Бу орада депутатга мурожаат қилдик, у ижроқўм раисига, раис эса муовинига, у яна қайтадан газлаштириш идорасига, идора эса газлаштириш муҳандисига юборди. Хатимиз тегишли идораларни бирма-бир айланиб чиқди. Энди навбатдаги халқа ўйини бошланади. Бу ҳолда уйимизга газ қачон келаркин?».

Ушбу хатда кўтарилган газ муаммоси ҳақида бош қотириб турганимизда бу хўжаликдан яна 21 киши имзо чеккан навбатдаги мактуб етиб келди.

«Район марказига етиб олиш учун 8 километр йўлни пиёда босиб ўтишимиз керак, — деб ёзади Пайариқ район «Партия XXV съезди» давлат хўжалигидан Т. Эгамбердиев. — Қишлоқ ва район депутатлари қачонгача бундай камчиликларга эътиборсизлик билан қарайдилар. Қишлоқ чорваси сув ичадиган ариқдан аҳоли ҳам истеъмол қилаверади. Бирор киши бетоб бўлиб қолса, зир югуриб машина қидирамиз. Касалхонага мурожаат қилиш учун эса телефон йўқ. «Ўз газини Уралга бериб, тезак ёққан ўзбегим» қўшиғи айнан бизнинг қишлоқ ҳаёти ҳақида айтилгандек.

Районда 60 фоиз қишлоқлар тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Газлаштириш айрим қишлоқдагилар учун ширин туш кўришдек гап. Жумҳурият президентининг аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш тўғрисидаги фармони тўлиқ ижро этилмаяпти. Биргина Ғойибота қишлоғини олиб кўрайлик. Бу қишлоқ кўримсиз, манзарасиз, ёшларнинг дам олиши учун маданият уйлари, спорт майдони йўқ. Бир сўз билан айтганда ургутликларнинг орзулари беҳисобу аммо орзунинг рўёбга чиқишининг ўзи бўлмас экан».

Бу сатрларни Ургутдаги «Ленинград» жамоа хўжалигидан Ашраф Раҳимов йўллаган мактубдан келтирдик. Биргина бу мактубда эмас, келаётган ҳар бир мактубда бирор юрак дарди, одамларни қийнаётган ташвишлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзилган ва ҳафталикдан ёрдам сўралган. Яккабоғ район Будённий номидаги давлат хўжалигидан Давлат Ашуров ёзган мактубда ҳам талай муаммолар баён этилган. «Гулдара қишлоғи давлат хўжалигидан 16 км узоқликда жойлашган. Бу чекка қишлоқдагилар шу пайтгача клуб, ҳаммом, чойхона ва бошқа шу каби маданий дам олиш масканлари хизматидан маҳрум ҳолда яшайдилар. Район ва вилоят советларига сайланган депутатлар қатор-қатор ваъдаларни бериб сайланиб олишди. Ўша сайловдан бери уларнинг на ўзларини ва на ваъдаларини бажарилганлигини кўрдик. Бу ердаги магазин, даволаш пункти ҳозирги замон талабига жавоб бермайди. Йил давомида на кино, на концерт кўрсатилади. Бу ишлар ҳеч кимнинг эсига ҳам келмайди. Ҳайронман, қачон қишлоғимиз обод, кўркам бўларкин. Агар депутат ва раҳбарлар жон қуйдирмасалар ҳали-бери қишлоғимизда қайта қуриш шаҳмоли эсмаслиги аниқ».

Шунингдек, Андижон вилояти Хўжаобод районидан Ш. Исмоилов мактубида газ ўтказиш йўлидаги сарсону саргардонлик, «отангга бор, онангга бор» қабилида иш юритиш услуби баён этилса, чироқчилик Абдуҳамид Олтибоевнинг ёзишича, қишлоқ ўртасидан ўтган зовурнинг бир неча йиллардан бери қазилмаслиги туфайли қишлоқ уйлари захлаб кетган. Ерлари зах босиб кетгани учун экин экиб бўлмайди, сариқ, бод каби касаллар кўпаймоқда, раҳбарларга айта-айта чарчадик, улардан ваъдадан бошқа ҳеч нарса олиб бўлмаяпти.

Қуруқ ваъдалар, баланд-парвоз ваъзлар, ширин ва ёлғон сўзлар одамларни жуда зериктириб, бездириб қўйди. Энди ваъдаларни амалий иш билан алмаштириш пайти келди. Энди ваъда билан қорин тўймайди, у ҳеч кимга керак эмас. Қишлоқ ёшлари, катталари, умуман ҳамма ҳам газлар билан иситилган уйларда, замонавий, қулай шароитларга эга бўлган янгича қишлоқларда яшашни истайди. Нима ҳам дердик, ҳақ гаплар, ҳақ талаблар. Ноибларга келсак, айтар сўзимиз шуки, энди ҳозир ваъдалар замони эмас, уйғониш ва ишлаш онидир.

М. ТУРОБОВА,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДАН

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитаси 1992 йилги Қодирий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 1991 йилнинг 1 октябригача белгиланганлигини маълум қилади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжатлар тайёрлашда Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Қодирий (Абдулла Қодирий) номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари тўғрисида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 6 февраль қарори билан тасдиқланган Низомга амал қилиш керак.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжатлар тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уй.

Ўз ССЖ Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўмитаси.

Телефонлар: 45-83-26, 45-85-20.

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИГА

Ўзбек халқининг ардоқли фарзанди Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик тўйига тайёргарлик кетаётган даврда жамоатчилик илтимоси жумҳурият раҳбарияти томонидан инобатга олиниб, адиб номида Давлат мукофоти таъсис этилиши ёзувчининг ижоди, фаолияти ва хотирасига кўрсатилган муносиб эъзоз бўлади. Шуни эътиборга олиб, бу йилги Навоий номидаги ЎзССЖ Давлат мукофотига тақдим этилганлар рўйхатидан Абдулла Қодирий номзодини олиб қўйишингизни илтимос қиламиз.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ОИЛАСИ

ЎзАС **ахбороти**

Пойтахтимиздаги Лутфий номидаги 254-мактабда ўзбек реалистик насрининг буюк вакили Абдулла Қодирийга бағишланган адабий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда адибнинг кенжа ўғли Масъуд Абдуллаев, набираси — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Шеркон Қодирий қатнашдилар.

Масъуд Абдуллаев отаси ҳақидаги хотираларини эслаб, эълон этилмаган ҳикояларидан айтиб берди. Шеркон Қодирий эса адиб ҳақида яратилган телефильмга доир ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, ёзувчи хотирасини абадийлаштириш мақсадида қилинаётган хайрли ишлар, жумладан, «Абдулла Қодирий фарзандлари хотирасида» деб номланган эсдаликтўплам нашрга тайёрланаётгани, «Ўтган кунлар» романини асосида 4 серияли бадиий фильм яратилаётганини гапирди.

Адабий учрашувда А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабалари «Меҳробдан чаён» романидан парча ижро этдилар. Мактаб бадиий-мусиқа тўгараги аъзолари ижросидаги қўшиқ ва рақслар ҳам анжуманга файз киритди.

С. ШОКИРОВА

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

«Шарқ юлдузи» ойномасининг 5-сони босмадан чиқди. Ойнома таниқли олим Азиз Қаюмовнинг «Ўлмас сабоқлар» мақоласи билан очилган.

Шеърият ихлосмандлари ҳукмига Эшқобил Шукурнинг «Ибтидо хатоси» достони, Сулаймон Раҳмон, Чори Аваз, Одил Ҳотамов ва Фахриёрнинг шеърлари ҳавола этилган.

Наср рукни остида ёш ёзувчи Набижон Боқийнинг «Қатлнома» ҳужжатли қиссаси эълон қилинган. Унда зулм ва зўравонлик авжига чиққан 37- йилларнинг таҳликали кунлари, улкан адибимиз, романчилигимиз асосчиси Абдулла Қодирийнинг аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Қисса жумҳурият Давлат хавфсизлиги қўмитаси архивидаги ҳужжатлар асосида ёзилган.

Юқоридаги рукн остида Рустам Қаюмовнинг «Йўқчилик» номли туркум ҳикоялари ҳам чоп этилган.

«Булоқ кўз очди» рукнида Икром Бўрибоев шеърлари билан танишасиз. Таниқли партия ва жамоат арбоби Нуриддин Муҳиддиновнинг Хрушчев, Брежнев ва бошқа арбоблар ҳақидаги хотиралари ҳам шу сондан ўрин олган.

Саргузашт, фантастика ишқибозлари диққатига Озод Мўминнинг «Онг қурилмаси» номли қиссаси ҳавола этилган.

«Меросимизни ўрганамиз» рукни остида берилаётган Ҳусайн Бойқаро ғазаллари бу улкан шахсга бўлган мавжуд қарашларни тубдан ўзгартиради.

Шунингдек, бу сонда Ғафур Ғуломнинг Кобул сафарлари; Навоий қабрини зиёрат қилиш муносабати билан ёзган асарларидан намуналар «Хоки мусалло» мақоласида берилган.

Адабиётшунос Наим Каримовнинг Миртемир ҳақидаги хотиралари, профессор Худойбергановнинг «Яйловнинг эгаси ким?» мақолалари, Қуръон суралари таржимасининг давоми ва бошқа бир қанча қизиқарли мақолалар ҳам ойномадан ўрин олган.

ШОИР РУҲИН ШОД ЭТИБ

Хотиралар — кўнгил гавҳари, дейишади. Вақт ўтган сайин у янада азизроқ ва қадрлироқ бўла боради. 10 май куни атоқли шоир, Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғуломнинг уй-музейига йиғилган олий ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчилари шоирнинг улкан ижоди, халқона табиати ҳақидаги шундай мазмунли хотираларни мароқ тингладилар.

Аллома шоирнинг довруқли ижоди, унинг ижтимоий серқирра фаолияти билан боғлиқ унутилмас воқеаларни Ғафур Ғуломни кўрган, суҳбатлашган шоир, ёзувчи, олимлар, бир сўз билан айтганда, шогирдлари ва издошлари Ваҳоб Рўзиматов, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Мумтоз Муҳамедов, Пўлат Мўмин, Абдулла Орипов, Салоҳиддин Мамажонов, Миразиз Аъзам, Сайёр ҳикоя қилиб беришди.

Йиғилганлар кўз ўнгида шоир сиймоси ҳайкалтарош Якуб Шапиро қайта ишлаган ҳайкал тимсолида янада ҳаётий, янада жонли намоён бўлди. Яқинда уй-музейи ҳовлисида шоирнинг 1983 йилда гипсдан тайёрланган сиймоси ўрнида унинг бронзадан ишланган ҳайкали ўрнатилган эди.

Хотира кечасида шоирнинг ўктам шеърлари ҳам жаранглади.

СУРАТДА: Ғафур Ғулом шогирдлари даврасида.
С. МУСАЕВ олган сурат

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Адабиёт жамғармаси жамоаси СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Олтмиш УСАРОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тарғибот маркази, марказнинг бош ҳисобчиси Худоёр Қаландарова онаси

Жумагул ИСКАНДАР қизи

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

НАРХ... НАВО ЭМАС

Кейинги ўн йилликда камина салкам сиёсатчи бўлиб қолган эдим. Ҳатто тепа сочларим тўкилиб, ажабтовур қиёфага кирган, «гимн»ни «ғимн» дейишгача одатланган эдим. Нарх-наво кўтарилгандан сўнг ўйлаб қарасам, мендан нафақат ғўр сиёсатчи, балки думбулгина иқтисодчи чиқиши ҳам мумкин экан.

Дўппини ҳам ямаб киядиган замонлар яқинлашяпти чоғи дедим-у, ўтган ҳафта қуритиб қўйилган шаммадан тайёрланган чойдан бостириб-бостириб ичиб, хомчўт қилишга киришдим. Ишни 60 сўмлик «хўрозқанд» пулидан бошладим. Ё раб! Бу савил ўлгур, транспортда юриш билан «эҳтиёжхона»га кириш учун сарф бўлиб кетар экан. Нима, «эҳтиёжхона»га кўпроқ кириб қўйсанг нима бўлади, дейсизми? Ҳеч нарса бўлмайди. Елчитиб овқат емаганингдан кейин «эҳтиёжхона»га бало борми? Ошхоналарга бир кириб кўринг, таомномани кўриб иштаҳангиз хиппа бўғилади. Овқат есанг — уйга пиёда қайтишинг керак, емасанг... коммунизмга етолмай қоласан. Таъбирларга қараганда, у тахминан... кузнинг охирларида қурилади. Шундай экан, ношукрчиликнинг ўзи гуноҳи азим. Шу кунларга ҳам шукр қилиш керак. Ахир, оқпошлодан шу кунинг талонларигача етиб келган ота-боболарнинг фарзандларимиз-а, бизлар!

Менга қолса, соғлом турмуш тарзига ёппасига, узилкесил ўтиш пайти етди. Ичмаслик, чекмаслик керак. Уч сўмлик овқатнинг қадрига ўшанда етасиз. Кийимкечакларни ямаб-ясқаб кияверинг, ранглари мос келмаса ҳам майли. Таниш-билишлар кўриб қолса, «иш ўрним қисқарган эди, ҳозир циркда масхаравозга шогирд тушганман», дейсиз... Сочни олдирманг. Дашном берганларга «Ўзбекфильм» Мажнун ролига танлов ўтказаётган экан, шунга тайёргарлик кўряпман» дейсиз... Кўпроқ тоза ҳавода бўлинг (излаб топиб!). Куч-қувватни қуёшдан олинг. Яхшиямки, улар мамлакатнинг миллий бойлиги эмас ёхуд бирон корхонада ишлаб чиқарилмайди. Беш фоизлик солиғи ҳам йўқ. Бир сўз билан айтганда, текин! Текин-текиндан секин-секин... У ёғига худо пошшо! Ҳар эҳтиmolга қарши, бизга иккита кафолат бор: ё ҳаммамиз йўқ бўлиб кетамиз, ё йўқ бўлиб кетамиз.

Лекин пешонада бор экан, деб ётавериш ҳам инсофдан эмас. Қаттиқчилик пайтида бир-биримизга ёрдам беришимиз керак. Ҳеч бўлмаганда маслаҳат билан. Ҳозир нима қиммат, гўшт қиммат. Дастлабки иқтисодни шундан бошлаймиз. Оиламизда бундан бир ой бурун тажриба бошлаган эдик. Ҳозирча Бир-бирининг тагига сув қуйишни йиғиштириб ўз бошингиздан совуқ сув қуйишга одатланишингиз керак. Бор-йўғи икки челак. Миянгиз тиниқлашади. Сиёсатнинг ғуборлари кетади.

Оғзингиздаги луқмани 30—32 марта чайнашга ўтинг. Иоглар шунақа қилишади. норозиликлар йўқ. Ҳафтанинг бошида ярим миқсол гўшт оламиз. Овқат пишгач, гўштини ажратиб олиб музхонага тиқиб қўямиз. Кейингги кунисига — яна шу тахлит. Музхонадан — қозонга, қозондан — музхонага. Хамиртурушдай гап! Тамом бўлгунича, жонивор, — қовурма, палов, мошкичири... ҳатто мантига ишлатилади. Хуллас, бир ҳафтага етади. Еттинчи кун келдими? Келди. Табиий, бу кунни бақувватроқ овқат ейиш керак. Қайнатма қиламиз. Бу сафар қозондан ҳеч нарса олиб ташланмайди. Душанбадан бошлаб, яна ярим миқсол янги гўшт... Кўрмайсан, чайнамайсан, тишингни ковлаб овора бўлиб юрмайсан, лекин хоҳ ишон хоҳ ишонма, ошқозонингда нимадир борда! Ана иқтисод! Чиқиндисиз саноат ҳам бунчалик бўлмас.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодни ўрганинг, азизлар. Шу кунларда бу жуда муҳим. Рўза бир ойлик, қимматчилик қанча вақт давом этишини эса худо билади. Каминага ўхшаб хутнинг 29-нчи кунида туғилган бўлсангиз, нур устига нур. Туғилган кунни тўрт йилда бир марта нишонлаш ҳам иқтисодга киради. Ундан ҳам зўри, — хутнинг ўттизинчисида туғилиш. Башарти бу бахт сизга насиб этмаган экан, билингки, яшашга маҳкум этилгансиз. Фақат унутманг: ўғирлик қиммачиликда ҳам бежизо эмас!

Ана шунақа! Нарх ҳамиша ҳам наво бўлавермайди.

Суҳроб ОЧИЛОВ

ОҒИРРОҚ БЎЛ

Оғирмисиз ё енгил? Мен жуда оғирман. Оғирликни олавердим, олавердим, охири тарозига қўйса, ҳукумат чиқарган тошлар етмайдиган бўлиб қолди.

Биринчи муштни биринчи синфда Холдор сариқдан егандим. Уйга йиғлаб келгандим, отам «чиниқасан, майли оғир бўл», дедилар.

Бешинчи синфга ўтганимда муаллимимиз Кишмиший домла пахтани чала терганим ўчун оғирлигимга яна оғирлик қўшдилар. Юқори шохига бўйим етмаса, қолдириб пастки шохидаги пахтани теришим керак экан.

Институда ўқиб юрганимда яна ҳам вазминлашдим. Севган қизим «ҳай-е ҳуйт» деб ректорнинг ўғлига тегиб кетди. Тўй куни пичоқ билан қуролланиб кўчага чиқаётгандим курсдошим Абубакир тўхтатди:

— Оғир бўл. Сенга не-не қизлар соч тараб турибди.

Аскарликда ҳам оғир бўлишга тўғри келди.

Бир куни эрталабки бадантарбиядан сўнг казармага кираётгандим, «оқсоқол» аскар йўлимни тўсди:

— Тўшакларни бир чизиқда ростлаб чиқ!

— Нега ростларканман. Ўзинг қил.

— Шунақами?

— Шунақа.

Юзимга тушган муштдан жаҳ тишим отилиб кетди. Қасдма-қасдига рота командирига чопдим.

— Уни қаматиб юборишимиз мумкин. Бироқ кейин сени вниждон азоби қийнамайдими?

— Ахир, у уриб тишимни синдирди-ку.

— Ҳечқиси йўқ. Қайтар дунё. Оғир бўл. Сен ҳам оқсоқол бўлганингда кимнидир уриб аламдан чиқарсан.

Оғир бўлганим аста-секин вазнимга ҳам таъсир этди. Товуқ йили 61 кило эдим, қўён йили 59, Аждар йили 50, маймун йили 45, қўй йилида 40 кило қолибман.

Ҳадеб оғир бўлаверсам, яна туғилган вазним 5 килою 200 граммга қайтаман, шекилли. Йўқ, кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Сабрнинг ҳам чеки бор. Ҳадеб оғир бўлаверсам, сўнгги бурда нонимни тортиб олишлари, ичиб турган сувимни қуритишлари аниқ, энди бунақаси кетмайди. Қани, ё устидан, ё остидан, 40 кололик полвонга талабгорлар борми?

Эркин ҲАСАН ўғли

ЎҚИШНИ ТАШЛАДИМ...

Кўчада машинасини қолдираётган ҳайдовчи бир парча қоғозга ёзиб қўйди: «Ўғирлашга ҳеч нарса йўқ».

Эртасига қайтиб келганида, машинанинг ойналари синган ва яна бир парча қоғоз пайдо бўлганди: «Кечирасиз, жаноб, адашмадингизмикан деб текшириб кўргандим».

* * *

— Хўш, сизга янги ходим ёқдими?, — сўради ёрдамчисидан магазин директори.

— Жуда истеъдодли. Куни кеча кўзимни олдида кир ювиш машинасини мақтаймақтай хотинига сотиб юборди, — жавоб берди ёрдамчи.

* * *

— Чекиш билан ичишнинг зарари ҳақида шундай кўп ўқидимки, охири бутунлай ташлашга мажбур бўлдим.

— Ичишними ё чекишними?

— Э-э, ўқишни.

* * *

— Бугун мен бир бечора гадони шўрва билан тўйдирдим. Яна бир доллар ҳам бердим, — деди хотин эрига.

— Шўрвангни қолдирмай ичдими?

— Албатта.

— Унда бир долларга арзигулик иш қилибди.

МИРЗО таржималари

ҚАТРАЛАР

Қандил шифтга мақтанди:
— Мен уйнинг кўркиман.
Шифтдан садо чиқди:
— Мен учун эса юксан.

Қандил бу гапни тан олгиси келмади. Лекин ер қимирлаб қолган эди, шифтга илтижо қилди:
— Мени маҳкам ушла. Сен суянган тоғимсан-ку.

●

Эл ичидан зўр қўшиқчи чиқибди. Табиат унга ноёб овоз ато этибди. Унинг қўшиқлари дилларни аллалабди, нурга чулғабди. Лекин ҳасад қўшиқни дунёга сиғдирмабди. Ҳасад ўчга, ўч туҳматга, туҳмат ўққа айланибди. Ўқ отилибди. Қўшиқ узилибди. Қатағонлик йиллари экан ўшанда.

●

Қилич ўроққа пичинг қилибди:
— Ҳалиям букчайиб юрибсанми?
— Мен ерга эгиламан. Одамларга қайишаман, — жавоб берибди ўроқ. — Янги чиққан ой ҳам менга ўхшагиси келади.
— Балки у мендек ғолибга таъзим қилаётгандир, — дебди қилич.
— Агар сен адоват эмас, адолат қиличи бўлсанг қуёш ҳам сенга таъзим қилади, — деб жавоб берибди ўроқ.

Тўлқин ИЛҲОМОВ

«ТАБАССУМ» ОҚШОМЛАРИ

Халқимиз азал-азалдан кулгига ўч, табассумсевар, ҳазилмутойба деса ўзини томдан ташлайди. Бунга биргина мисол: севимли кулги журналимиз «Муштум» жон бошига ҳисобланганда, Иттифоқдагина эмас, жаҳонда биринчи ўринда туради! Агар имкон — ихтиёрни менга берсалар, Габрово ва Одессада ҳар йил-бир бор ўтадиган «Кулги кунлари»ни ўзимизнинг кулгисевар юртга кўчирган бўлардим. Дўппиденкина жой — Габрово «Кулувчи-кулдирувчилар ватани» сифатида бутун жаҳонни ўзига қаратиб турибди. Асл Габрово эса ўзимизда! Ўзининг кичкина завқига оламни эргаштира оладиган кишилар ўзбек хонадонининг ҳар иккитасидан бирида топилади. Дунёга машҳур қаҳқаҳа пири Насриддин афандимиз, Алдар кўсамиз, катта-ю-кичикка манзур аскиямиз, буларнинг ҳаммаси халқимиз санъатида кулги энг қадимий ва чуқур анъаналарга эга эканлигидан далолат.

Ўтган дам олиш оқшомида шаҳримиздаги Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғининг яшил театри биносида. «Табассум устахонаси» нинг ижодкор ва ижрочилари иштирокида ўтказилган «Кулги сайли» чоғида яна бир бор бунинг тўла гувоҳи бўлдик. Чорак асрдан ортиқ шу соҳада ижод қиламан. Хизмат юзасидан «Табассум оқшомлари», «Кулги сайллар», «Аския кечалари», «Қизиқчи танловлари»да такрор-такрор иштирок этганман. Лекин бунақасини кўрган эмасман. Мана буни ҳақиқий табассум сайли деса бўлади. Қанақа дейсизми? Буни ўша куни кулги сайлини томоша қилиб, дармон топганлар, кулги завқини тотганлардан сўранг!

Кеча ижодкорларининг қизиқарли, қувноқ чиқишлари кулгига, табассумга бўлган ташналикни бирмунча қондиргандай бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шарипов, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев томошани бошқаришди. «Табассум»нинг толмас ижрочиларидан Абдухолиқ Мамарасулов, Ортиқ Юсупов, Диёс Раҳматов, Ҳабибулла Абдуллаев, Ҳайитали Низомиддинов, «Қизиқчи — 89» ва «Қизиқчи — 90» кўрик-танловларининг совриндори Туйғун Саъдуллаев ижро этган қувноқ интермедиялар, миниатюралар, ҳангомалар томошабинларда илиқ таассурот қолдирди. Томошабинлар лирик хонанда Исмоилжон Ғуломов куйлаган ёқимли қўшиқлар, Шерқўзи Ғозиев ижросидаги ҳазил ва ҳажвий қўшиқларни тинглаб завқ олишди. Айниқса, «Қизиқчи — 90» кўрик-танловининг совриндори, бадиий сўз устаси, муқаллидчи Ғофир Мирзабоевнинг турли жанрлардаги чиқишларини мухлислар олқишлар билан қарши олдилар.

Кечада нафақат санъаткорлар, балки ижодида ҳажв кенг ўрин олган шоиру ёзувчилар ҳам иштирок этишди. Ёзувчи Тоҳир Малик, шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад ўзларининг янги ҳажвий ижодларидан намуналар тақдим этишди.

Томоша қизиқ ўтишининг яна бир боиси томошабинлар орасидан хоҳловчиларни саҳнага таклиф этилди. Улар янги, теша тегмаган латифалардан айтишди. Кеча ниҳоясида сайлнинг энг яхши иштирокчиларига «Табассум» ва боғ маъмуриятининг совринлари топширилди. Мухлислар кеча ташкилотчилари — «Табассум» ижодкорларига ҳамда боғ маъмуриятига ўзларининг яхши истакларини билдиришди.

Ўзбекистон радиоси ижодий коллективи кейинги йилларда бундай хайрли оқшомларни тез-тез ўтказиб турибди. Аввалги дам олиш оқшомида шу боғда мухлислар «Дугоналар» радиожурнали ижодкорлари билан мулоқотда бўлишган эди. Келгуси якшанба оқшомида эса худди шу томошагоҳда радиотингловчиларнинг севимли тунги дам олиш программаси «Оқшом тўлқинлари» ижодкорлари билан учрашадилар.

Тўлан ҚУЗИБОЕВ

СУРАТДА: «Табассум» кечасида. Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар

ТАЛАНТЛАРГА ЙЎЛЛАРНИ БЕРКИТМАНГ!

Сўнгги йилларда ижодкор ёшларга ғамхўрлик бирмунча яхшиланди. Жумҳуриятимиз ёшлари нафақат иттифоқимизнинг марказий шаҳарларида, балки чет элларда ҳам билим олмоқда. Булар яхши. Лекин ҳамма жойда ҳам талантли ёшлар эъзозда дейиш қийин. Кўплаб ёш олимлар, шоирлар, рассомлар ижод қилиш у ёқда турсин, ҳатто яшаш учун ҳам оддий шароитга эга эмаслар. Бизлар эса жумҳуриятимиз келажагини уларга ишонаяпмиз, улардан жаҳоншумул кашфиётлар кутяпмиз.

Муҳарририятимизга Тошкент темир йўл транспорти инженерлари олийгоҳининг икки ёш олими хат билан мурожаат қилиб, яшаш шароитларини яхшилашда ёрдам беришимизни сўради. Олдиндан айтиб қўяй, рўзномалар муҳарририятлари кишиларнинг яшаш шароитларини яхшилаб беришни ҳал этадиган идора эмас. Бу билан шуғулланадиган махсус ташкилотлар бор. Лекин инсонга нисбатан бўлаётган бунчалик эътиборсизликка бефарқ қараб туриш ҳам инсофдан эмас.

Норхўжа Содиқов асли Самарқанд вилоятидан. Шу олийгоҳни тугатган. Унинг иқтидорини, талантини сезган олийгоҳ раҳбарлари шу ерга ишга таклиф қиладилар. Норхўжа 1989 йилда Киев қурилиш институти аспирантурасини тамомлаб фан номзоди бўлди. Ҳозирги кунда доцент вазифасини бажармоқда, олийгоҳ граждан саноати қурилиши факультетининг таълим-тарбия бўйича декан ўринбосари. Тўртта фарзанди ва турмуш ўртоғи билан 15 квадрат метрлик бир хонали уйда яшайди. Олийгоҳ бўйича уй олиш учун ўн еттинчи навбатда турибди.

— Институтимиз касаба уюшмасига мени жуда муҳтож оила сифатида алоҳида навбатга олишини сўраб бир неча марта мурожаат қилдим, — дейди ёш олим. — Лекин натижаси бўлмади. Чунки олийгоҳимизга шаҳар ижроия комитети томонидан биронта ҳам уй берилмайди. Институтимиз ихтиёридаги уйларнинг биронта хонадони бўшаши ва уни олиш учун навбатим келишини кутсам яна камида ўтиз йил шу уйда яшашим керак. Олийгоҳимиз касаба уюшмасининг раиси Н. Г. Лазерева сени ҳеч қачон алоҳида навбатга ололмайман, чунки бундай қонун йўқ, дейди. Демак, совет қонунлари мени шундай яшашга маҳкум этган экан.

Норхўжа Содиқовнинг сўзлари кишини ўйга толдиради. Ростдан ҳам, наҳотки, қонун бизни шунчалик чеклаб қўйган бўлса? Наҳотки, қонунлар бизни инсоний меҳр-шафқатдан узоқлаштириш учун хизмат қилса? Афсуски, шундай экан. Ленин райони ижроия комитетидагилар ҳам, ҳуқуқшунослар ҳам Н. Г. Лазерева ҳақ эканлигини, Н. Содиқов уй-жой шароитини яхшилаш учун ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслигини таъкидлашди. Ўзбекистонда фақат бешта ва ундан кўп фарзанди бўлган оилаларгина серфарзанд оила ҳисобланаркан ва алоҳида имкониятларга эга бўларкан.

Нима ҳам дея олардик. Шу ерда Н. Содиқов ва унинг болаларига сабр-тоқат тиласак-да, иккинчи шикоят билан танишсак.

«Ҳурматли муҳарририят!

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари олийгоҳини тугатганимдан сўнг мени шу ерга ишга таклиф қилишди. Рози бўлдим. Институтда қолишдан мақсадим илмий иш билан шуғулланиш эди. 1988 йилда шу йўлдаги дастлабки довондан ошдим. Москва Темир йўл транспорти инженерлари институти аспирантурасини тугатиб фан номзоди бўлдим. Сўнг мени йўлланма билан Тошкентга, ўз олийгоҳимга ишга юборишди.

Ўзбекистон ССР Уй-жой кодексининг 44-моддаси 2-бандига биноан олийгоҳ мени уй-жой билан таъминлаши керак эди. Лекин менга СССР Темир йўллар вазирлиги томонидан берилган 88/89 рақамли йўлланмада Тошкентда уйи бор, деб ёзилган экан. Аслида эса вазият мутлақо бошқача эди. Мен 1982 йилдан то аспирантурага кеттунимга қадар оилам билан ижарада яшаганман. Менинг умуман ўз турар-жойим йўқ ва бўлмаган. Аспирантурани тугатиб келгач менга ёш мутахассис сифатида навбатсиз уй беришларини сўрадим. Аммо йўлланмада уй-жой билан таъминлаш ҳақида ҳеч бир сўз бўлмагани учун илтимосимни рад этишди. Ҳақимни талаб қилиб жуда кўп идораларга мурожаат қилдим. Улар мендан ёш мутахассис, турар-жойга муҳтож эканлигимни исботлашни талаб қилишди. Шундан сўнг яна Москвага жўнадим. У ерга бориб СССР Темир йўллар вазирлигига учрадим ва аҳволимни тушунтирдим. Улар менга янги йўлланма ёзиб беришди. Бу йўлланмада институт мени уй билан таъминлаши шарт эканлиги кўрсатилган эди.

Москвадан қайтгач бир неча марта олийгоҳимиз касаба уюшмасига мурожаат қилдим. Лекин у ердагилар бу масалани фақат ректор ҳал қилади деб, жавоб беришаяпти. Ректорнинг эса менга берадиган уйи йўқ. Хуллас, аро йўлда қолганман. Салкам ўн йилдан буён ижарада яшайман. Илмий, ижодий иш қилишим учун мутлақо шароитим йўқ. Менга, ёш олимга ёрдам беринглар.

Султонбек Дўстматов»

Бу икки шикоятда масалалар ҳар хил қўйилган бўлса-да мақсад битта: яшаб, ижод қилиш мумкин бўлган бошпанага эга бўлиш. Хўш, бу масалани ким ҳал этади? Бу икки ёш олимнинг арзини ким эшитиши, дардини ким даволаши зарур? Шу мақсадда олийгоҳда, шаҳар ва район ижроия комитетларининг уй-жой тақсимоти бўлимларида бўлдим. Бу ерда олийгоҳ раҳбариятини айблаш қийин. Чунки унинг ортиқча уйи йўқ. Шаҳар ижроқўми эса уй бермайди. Олийгоҳ маҳаллий кадрларга муҳтож. Айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, бу муҳтожлик яққол сезила бошлади. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари олийгоҳи яқин-яқингача энг руслашган билим маскани ҳисобланарди. Бу ерда деярли ўзбек тилида дарслар ўтилмасди. Сўнгги йилларда бу камчиликларга сал бўлса-да барҳам берилди. Кўплаб маҳаллий кадрлар ишга жалб этилди. Аммо уй-жойнинг йўқлиги кўпгина иқтидорли ёшларни кетиб қолишига сабаб бўлаяпти. Бу ҳол фақат шу олийгоҳда эмас, бошқа билим масканларида ҳам содир бўлаяпти. Бунинг бош сабабчиси эса яна қонунга бориб тақалади. Барча олийгоҳ раҳбарларини ўйлантираётган муаммо шу. Раҳбар агар шаҳар ёки район ижроия комитетига «Бизга шундай кадр керак, уни уй-жой билан таъминлашда ёрдам беринг», деган хат билан мурожаат қилгудек бўлса, албатта, қуйидаги жавобини олади: «Сизга қандай кадр кераклиги бизни мутлақо қизиқтирмайди. Агар уй-жойингиз бўлса, марҳамат, ишга олиб қолинг. Бу иш билан биз шуғулланмаймиз».

Шундай шароитда институт раҳбари келажакда жумҳурият учун миллион сўмлаб фойда келтиришга қодир ёш мутахассисни ҳам қўлдан чиқаришга мажбур. Чунки олийгоҳларимиз ҳали ўзини уй-жой билан таъминлай оладиган қувватга эга эмас. Биз қонун йўли билан ёш талантларни йўлини беркитиб қўйганмиз. Яқинда Алишер Навоий номидаги академик опера ва балет театрининг ёш актёри Исмоил Жабборов мурожаат қилиб қолди. У ўтган йили Тошкент Давлат консерваториясини тугатиб шу театрга ишга юборилган экан. Мутахассисларнинг фикрича, унинг овози жумҳуриятда ягона, ўзига хос овоз ҳисобланаркан. Шунинг учун уни она юрти Наманганга эмас, жумҳуриятимизнинг энг катта театрига ишга юборишибди. Лекин шаҳар ижроия комитетидаги ўртоқлар уни Маданият министрлигининг ётоқхонасига прописка қилишдан бош тортибдилар. Тўғрироғи, театрдан 16 минг сўм пул талаб қилибди. Бир томондан шаҳар ижроия комитетидаги ўртоқларни ҳам тушуниш мумкин. Шаҳарга четдан келаётган оқимни тўхтатиш учун шундай қарор қабул қилинган эди. Ўз вақтида бу қарорни биз ҳам маъқуллаганмиз. Қарор тўғри чиқарилган ва у бажарилиши шарт. Лекин жумҳуриятимизнинг вилоятларидан келган маҳаллий ижодкор ёшлар учун бу чеклашларни бекор қилиш зарур. Чунки ёш ижодкорлар марказдаги ижодий муҳитда кўпроқ ўзларини кўрсатишлари мумкин.

Яна бир гап. Ўтган йили жумҳуриятимиздаги ёш олимлар, ижодкорларни рағбатлантирадиган Улуғбек номидаги фонд ташкил этилгани ҳақида хабар берилган эди. Афсуски, шу фоннинг фаолияти ҳақида оз маълумотга эгамиз. Балки шу фонд ҳисобидан Тошкентда ёш олимлар учун уйлар қуриш керакдир. Бу уйларда Норхўжа Содиқов, Султонбек Дўстматов каби ёш олимлар ўз иш жойларидан уй олгунларича яшаб турса, ҳам бир мураккаб масала ҳал этилади, ҳам иқтидорли ёшларнинг ижод қилиши учун шароит яратилади. Шароитни яхшиламасдан туриб улардан бирор бир янгилик, кашфиёт кутиб бўлмайди. Ҳаётнинг оддий икир-чикирлари иқтидорли ёшларни ўз комига бутунлай тортиб олмоқда. Улар илмий изланишларни йиғиштириб қўйиб шу икир-чикирлар атрофида ўралашиб қолмоқда. Албатта, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари олийгоҳининг ёш олимлари ҳам бундан мустасно эмас. Мен мақолани ёзиш жараёнида кўпгина мутасадди кишилардан, «Хўш, ёш олимларга, Н. Содиқов ва С. Дўстматовга ёрдам бериш имкони борми?», деган савол билан мурожаат қилдим. С. Дўстматов ёш мутахассис сифатида турар-жой билан таъминланиши керак, Н. Содиқовни шароитини яхшилаш учун эса олийгоҳ касаба уюшмаси ёрдам бериши лозим. Бу иш уларнинг бош вазифаси ҳисобланади, дейишди улар.

Хуллас, бугун ёшларга ғамхўрлик кўнгилдагидек эмас. Бундан фақат афсусланасан, холос. Ўзининг ёш шоирларига, рассомларига, олимларига, қўйингки, барча ёш зиёлиларига бефарқ қараётган эл, ҳукумат билингки ўз эртасига, ўз келажагига бефарқ қараяпти. Бундай элни ҳеч качон косаси окармайди, куллик тарк этмайди.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ

ЭЪЛОН

ШОҲИМАРДОН ДАМ ОЛИШ МАСКАНИГА САЁҲАТГА ВА МЕҲМОНГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шоҳимардон қишлоғи аҳолиси истаги ва жумҳурият ҳамда вилоят иқтисодидаги етишмовчиликни ҳисобга олиб, шунингдек, экологик муҳитни ва меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишини таъминловчи мавжуд объектларнинг техник ҳамда санитария ҳолатини талаб даражасида сақлаб туриш мақсадида Фарғона вилоят ижроия қўмитаси 1991 йил 20 мартдаги фармойишида Шоҳимардон дам олиш масканига келувчилар учун йўл тўлови жорий қилди.

Тўлов ҳар бир одамдан 50 тийин, умумтаълим, музика, бадиий мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари мактаб-интернатлари ўқувчиларидан эса 20 тийин миқдорида олинади. Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, байналмилал жангчилар, барча гуруҳдаги ногиронлар, мактаб ёшигача бўлган болалар, санаторий, пансионат ва пионерлар лагерига йўлланма билан борувчилар кириш ҳақи тўламайдилар.

Шоҳимардон дам олиш масканига уюшган ҳолда боришни хоҳловчилар ҳамда ташкилот, корхона, идора ва совет хўжалиги жамоалари яшаб турган жойлардан бизнинг ҳисоб-китоб счётимизга пул ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат билан ҳам боришлари мумкин.

Бизнинг жорий ҳисоб-китоб счётимиз:

Фарғона вилояти, Фарғона райони, Водил қишлоғи

Агросаноат банки № 000142121

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА
5—9 ИЮНЬ КУНЛАРИ
«САВОБ» ХАЙРИЯ ФИРМАСИНИНГ
«ХИСЛАТ» СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИ РУҲИЙ МУОЛАЖАКОРИ, ЭКСТРАСЕНС
АБДУРАФИҚ ҒОФУРОВнинг
ЭРОН ВА ТУРКИЯ МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙЛАБ САФАРИ ОЛДИДАН

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Биринчи сеанслардан сўнг (март ойида бўлиб ўтган), марказга йўлланган кўп сонли мактуб ва қўнғироқларда кишилар ўзларининг барча хасталикларидан фориғ бўлганликларини баён этиб, муолажа сеансларини яна такрорлашни сўраганлар.

Эслатиб ўтамиз. А. Ғофуров барча касалликларни: муттасил бош оғриқлари, уйқусизликни, ҳафақон, бронхит, астма, қандли диабет, остеохондроз, полиартрит, артрит, юрак хасталиклари, ўпка, буйрак, жигар, ўт пуфаги, ошқозон-ичак, тери касалликларини даволайди. Умуртқа поғонаси, қўл ва оёқ суяклари жароҳатланганда оғриқларини йўқотади. Семизлик ва ориқлик, жинсий заифлик ва бепуштлик каби дардлардан халос бўлишга ёрдам беради.

А. Ғафуров сеансларда қатнашиш имкониятига эга бўлмаган беморларнинг фотосуратлари орқали ҳам ўз таъсирини ўтказишдек ноёб қобилиятга эга.

Соғломланиш жараёнида муолажакор, истовчиларни руҳан ўзга сайёраларга юборади.

СЕАНСЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 12, 15 ВА 17.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Чипталар спорт саройи кассаларида ва ваколатли тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53, 77-56-10.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ.

●

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ.

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИД ДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-33-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат —32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Ашурали ЖЎРАЕВ

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 21.20

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

●

БАҲОСИ 25 ТИЙИН.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64592. Буюртма 5599. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12